

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

«БУҲГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

**"ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
МОЛИЯЛАШТИРИШ" ФАНИДАН
(маъруза матнлари тўплами)**

ҚАРШИ – 2004 йил

Тузувчи:

доц. и.ф.н. Г.Жумаева

Такризчилар:

Иктисодиёт ва Менежмент
кафедраси мудир,
доц. Ш.Файзиёва
Вилоят тадбиркорлар
палатаси бошкарувининг
раиси Б.Астонов

Маърузалар матнлари туплами Иктисодиёт факультети “Бухгалтерия хисоби ва аудит” таълим йуналишидаги бакалаврлар учун муҳалланган бўлиб, унда ушбу фан бўйича таълим стандартлари ва намунавий дастурда кузда тутилган барча Маърузаларнинг асосий мазмуни ёритилган.

Ушбу Маърузалар матни “Бухгалтерия хисоби ва аудит” кафедрасининг (баён № 2 “2” 09. 2003 й) ҳамда “Иктисодиёт” факультети услубий комиссиясининг (баён №4 “23” 01. 2004 й) йиғилишларида ва Институт Услубий кенгашида (баён № __ “__” _____ 2004 й) куриб чиқилган ва уқув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган.

ҚИСҚАЧА БАЁН

Бугунги кундаги энг асосий муаммолардан бири ишлаб чиқаришни молиялаш манбаларини шакллантиришдан иборат. Чунки ишлаб чиқаришни молиялаш манбаларини шакллантиришдаги мустақиллик инвестицияларга нисбатан эҳтиёжни ошишига олиб келмоқда. Шунга кура ишлаб чиқариш мақсадининг асослигини асослаш ҳамда уни инвестициялаш масалаларини ҳал этиш давр талаби бўлиб, уларни ҳал этишда «инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш» фани Алоҳида аҳамиятга эга. Бу фан инвестиция тушунчасининг иқтисодий мазмуни, турлари, уларнинг молияланиш манбалари, бошқариш усуллари ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услубиётини ургатади. Шу нуктаи назардан «инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш» фанидан тайёрланган маърузалар матни иқтисодиёт факультетининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит йуналиши бакалаврлар учун мулжалланган. Ушбу фандан тайёрланган маърузалар матни давлат таълим стандартлари ва уқув дастурлари асосида тайёрланган бўлиб, унда дастурда қўрилган мавзуларнинг асосий мазмуни ёритилган.

АННОТАЦИЯ

Одной из основных проблем сегодняшнего дня является формирование источников финансирования производства. Потому что, независимость формирования источников финансирования приводят к росту потребности на инвестиции. На сегодняшний день требуется обосновывать цель производства и решение проблем инвестирования, поэтому дисциплина «Организация инвестиции и финансирование» имеет особую значимость. Эту экономическую сухость понятия «инвестиция», принципу финансирования, их источников. Этот сборник лекций подготовлен на основе государственного стандарта обучения и учебных программ. А также в нём обоснован цель курс этой дисциплины для подготовки бакалавров по специальности «Бухгалтерский учет и аудит».

ANNOTATION

One of the todays mast important problems is to organize sources of production financing. Because an independence in organizing sources of production financing will cause to increase demands for invesment. According to this, founding the base of production purpose, and solving matters of investing it are today's demands and with the object of settling the matters, the subject of Investment and financing it is of drcat importance.

This subject deals with the economic meaning of the term "investment", its tupes, their financing sources, mauagement systems, and defining principles of economic consequences. The collection of lectures is intures is intended for students in the directiou of "Accounfing and Audit", of Economics Faculty.

Having prepared on the base of state Educational Standards and Educational Programme, there is described the main meaning of the subjects which are shown in the Pvogramme.

**Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш
фанидан режалаштирилган Маърузалар мавзуси ва
соатларининг таксимланиши.**

Т/р	Маърузаларнинг мавзуси	Маъруза соатлари
1.	Курснинг предмети ва мазмуни.	2 соат
2	Инвестициялар, уларнинг иктисодий моҳияти ҳамда макро ва микро иктисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти	2 соат
3	Инвестиция фаолияти ва инвестиция сиёсати	2 соат
4	Давлат инвестиция дастури	4 соат
5	Иктисодиётда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти	2 соат
6	Реал инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий тамойиллари ва манбалари	4 соат
7	Инвестиция фаолиятида капитал курилиш	4 соат
8	Инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш	2 соат
9	Капитал куйилмаларни кредитлаш	4 соат
10	Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг муҳим шакллари (лизинг)	4 соат
11	Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш	4 соат
12	Инвестиция рисклари ва уларни пасайтириш йуллари	2 соат
	Жами:	36 соат

КИРИШ

Мамлакатимиз тараккиётининг ижтимоий йуналтирилган бозор иктисодиёти йулининг танланиши хужалик юритиш шакллариининг хилма – хиллиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кучайишини такозо этади. Бу хол республикамизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши хужалик юритиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг турли – туман янги шакллариини ташкил топишига ва уз фаолиятини юксалтириб боришига олиб келмокда. Бугунги кундаги энг асосий муаммолардан бири ишлаб чиқаришни молиялаш манбаларини шакллантиришдан иборат. Чунки ишлаб чиқаришни молиялаш манбаларини шакллантиришдаги мустакиллик инвестицияларга нисбатан эхтиёжни ошишига олиб келмокда. Шунга кура ишлаб чиқариш мақсадининг асослигини асослаш ҳамда уни инвестициялаш масалаларини хал этиш давр талаби булиб, уларни хал этишда «инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш» фани Алохида ахамиятга эга. Бу фан инвестиция тушунчасининг иктисодий мазмуни, турлари, уларнинг молияланиш манбалари, бошқариш усуллари ва иктисодий самарадорлигини аниклаш услубиётини ургатади. Шу нуктаи назардан «инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш» фанидан тайёрланган маърузалар матни иктисодиёт факультетининг бухгалтерия хисоби ва аудит йуналиши бакалаврлар учун мулжалланган. Чунки бозор иктисодиёти шароитида корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда молиялаштириш жараёни бевосита иктисодчи бухгалтерлар зиммасида булиб, корхонага инвестицияларни жалб этиш, улардан самарали фойдаланишни ургатиш мақсадида фаннинг назарий асослари ва амалий жихатлари уқитилади. Ушбу фандан тайёрланган маърузалар матни давлат таълим стандартлари ва укув дастурлари асосида тайёрланган булиб, унда дастурда курсатилган мавзуларнинг асосий мазмуни ёритилган.

1-МАВЗУ: Курснинг предмети ва мазмуни.

РЕЖА:

- 1.1.** Фаннинг предмети ва урганиш усуллари.
- 1.2.** Инвестиция категориясининг иктисодий мазмуни.
- 1.3.** Бозор иктисодиёти шароитида инвестиция фаолиятининг роли ва вазифалари.

Адабиётлар: 1, 4,5,14,18

Таянч иборалар: Фаннинг предмети, диалектик услуб, махсус усуллар, инвестиция, капитал, кредит, кредитга булган талаб таклиф, мулкый ва интеллектуал бойликлар, бозор иктисодиёти тамойиллари

1.1. Республикамиз иктисодиётини юксалтиришда инвестицияларнинг аҳамияти катта. Чунки ишлаб чиқариш тармоғини молияловчи асосий омиллардан бири бу ички ва ташқи инвестициялардир. Хар қандай фирма фаолиятининг асосини инвестиция операциялари ташкил этади. Инвестиция деганда лойиҳаларни, ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун сарф этиладиган маблағлар тушунилади. Бугунги кунда инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлигини ошириш учун инвестициялар ва уларни молиялаштириш фанини урганиш мақсадга мувофиқ.

Чунки Шарқий Европа мамлакатлари, уз мустақиллигини кулга қиритган МДХ республикалари узининг ривожланиш йули қилиб бозор иктисодиётини, яъни бозор муносабатларини танлаб олдилар. Бу эса бозор инфраструктурасини ташкил этишни тақозо этади.

Мулкчиликнинг турли хил шаклларининг вужудга келиши муносабати билан капиталнинг соҳалардаги узгарувчанлиги, унинг оқими, ҳудудлараро тақсимланиши (экспорт, импорт) тезлашади. Бу жараёнда "инвестициялар" тушунчасини туғри таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, фаннинг предмети булғуси бухгалтерларга инвестициялар, уларнинг турлари ҳамда уларни молиялаш манбаларини назарий жихатдан ургатишдан иборат. Фан уз предмети урганишда бир қатор умумий ва хусусий усуллардан фойдаланади. Фаннинг умумий услуби диалектик услуб бўлиб, барча иктисодий жараёнлар узаро боғлиқликда ва ривожланишда деб қарайди. Хусусий усуллариға таққослаш, баланс, таҳлил ва синтез, абстракт фикрлаш, дисконтлаш, соф келтирилган қиймат усуллари қиради. Бу усуллар фаннинг хар бир урганилаётган мавзусини очиқ беришға хизмат қилади. Фаннинг предмети иктисодиёт асоси булмиш капиталнинг мамлакатға қириши ёки чет элларда турли тармоқларда узок муддатли капитал қиритиш (қуйиш) сарфланишини ургатишға бағишланган. Инвестициянинг асосий турларининг вазифаси ҳам шуларға мос қелади:

I. Молиявий инвестициялар: - акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ёки сотишдан;

II. Реал инвестициялар: - мамлакат ичкарисида ва чет элларда ишлаб чиқаришга капитал қуйишдан ёки суверен давлатларга қарз ва субсидия беришдан иборат.

1.2. Маълумки "инвестициялар" тушунчаси иқтисодиётда янги ибора эмас. Молиявий муносабатлар нуқтаи назаридан инвестициялар ҳозирда истеъмоладан воз кечишни капитал ҳаракати жараёни орқали бўлажак қийматга алмаштиришдан узга нарса эмас. Шундай қилиб «инвестициялар» тушунчаси «капитал қуйилмалар», «инвестицияларнинг мулкӣ шакли», «капитал», «кредит» ва бошқа тушунчаларга қараганда кенгрок, «сиғимлирок» тушунча ҳисобланади. Инвестицияларни таърифлашда уларнинг амалга оширилишидаги барча шакллариға хос бўлган умумийлик уз ифодасини топган бўлиши лозим. Демак, инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараёнларға, муайян вақтға боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадига қаратилади. Инвестициялардан қўзланган мақсадлар билан уларға эришиш усуллари уртасида жиёс алоқалар мавжуд. Бу алоқалар инвестиция мақсадларини келтириш, уларнинг ҳавфсизлиги, даромадлилиги, капиталнинг усуви ва ликвидлилигини уйғунлаштириш асосида амалга оширилади. Улар капитал ҳаракатининг муайян жараёнларига жалб қилинади, муайян вақт давомида реал ва молиявий активларда банд этилади. Инвестицияларнинг мақсади сафарбар этилаётган капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаш ва уни капиталлаштиришдан иборат. Улар рискларнинг турли қўринишлари билан боғлиқ, жамғариш йулида амалга оширилади. Инвестициялар рисклари қўлами доираси банк ва кредит рискларидан анча кенг. Инвестицияларнинг аниқ ва аниқ бўлмаган рисклари мажмуи аксарият ҳолларда уларни молиялаштириш манбаларининг қўлга қиритилиши мумкинлиги, ишончлилиги ва тегишли тузилмаси билан белгиланади.

Капиталға бўлган талаб ва таклиф банк фойз сиёсати билан тартибға солинади. Банк фойз ставкасидан фарқ қилган ҳолда инвестициялардан қўтиладиган натижа қанчалиқ юқори бўлса инвестицияларға талаб шу қадар қўпроқ бўлади. Бу эса уз навбатида инвестицияларни молиялаштиришнинг манбаи тарзида банк кредитига талабни янада оширади. Банк кредитига талабнинг қўтарилиши фойз ставкаларининг янада қўтарилишиға олиб келади.

Кредит муносабатлари шунинг учун ҳам амалга ошириладикӣ, улар кредиторларға ҳам, қарз олувчига ҳам наф қелтириш имқониятиға эға. Кредит муносабатларининг нархи кредит учун қўланадиган фойз ставкаларидир.

Агар бу кредит муносабатларининг субъектлари миллий иқтисодиёт резидентлари бўладиган ҳолларда ва улар уз истеъмолининг вақт жиҳатларини узғартириш туғрисида қарор қабул қиладиган бўлсалар, шу иқтисодиётнинг фойз ставкалари кредит муносабатларининг нархини ташқил қилади.

Иктисодиёт субъекти капитални инвестиция қилиб, узининг товар ва хизматлардан фойдаланиш вақт жиҳатларини узгартиради ва шу билан истеъмолни ҳозирдан келажакка қучиришни афзал қуради. Бундай қучириш нархи банк кредити фоиз ставкасидан юқори бўлиши лозим бўлган келажакда қутиладиган даромад ҳисобланади. Бу айтилган фикрлар бир иктисодиёт субъектларининг кредит ва инвестиция муносабатлари учун туғридир.

"Инвестициялар" аслида немисча Investition, лотинча Investio суздан олинган бўлиб, 80-йилларда инвестициялар иктисодчилар томонидан узига ҳос таҳлил этилди ва асосан, ишлаб чиқаришга узок муддатли қуйилмалар сарфини, яъни харажатлар йиғиндисини аңлатади деб тушунилган.

Инвестициялар капитал ва узок муддатли қуйилмалар тарикасида халқ хужалиғи тармоқларига сарф этиладиган харажатлар йиғиндисини акс эттиради деб тушунча берилган. Демак, инвестициялар барча турдаги мулкӣй ва интеллектуал бойликларни узок муддатли қуйилмалар тарикасида халқ хужалиғи тармоқларига сарф этиладиган харажатлар йиғиндисини акс эттиради.

Инвестицияларни сарфлашдан мақсад, ишлаб чиқаришни бозор иктисодиёти тамойиллари асосида олиб бориш, тадбиркорлик даромадини ёки фоизларини қупайтириб олиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бозор иктисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этишда инвестициялар сарфи юқори даромад келтирадиган соҳаларга қупрок йуналтирилган. Ишлаб чиқаришни ривожланиши, товарларни таклифи, рақобат ва талабга нисбатан таклифнинг усиб кетиши ёки қамайиб кетиши инвестицияларни йуналишини, яъни у ёки бу соҳалар ва тармоқларда унумли сарфланишини ва натижада юқори даражада даромад келтиришни аниқлаб берувчи омиллар сифатида хизмат қилган.

Ишлаб чиқаришни тараккий этиши ва жаҳон бозори вужудга қелиши муносабати билан инвестицияларни, яъни юқори даромад келтирувчи капитал ҳудудлараро ва давлатлараро оқими қучаймоқда ва ташки инвестициялар вужудга қелган.

1.3. Бозор иктисодиётини, бизнинг шароитимизда қиска давр ичида йулга қуйишда, ишлаб чиқаришни тезлаштиришда асосий омиллар сифатида ташаббус қурсатиш ва сармояларни самарали сарфлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки Ўзбекистон табиий ресурсларга бой ва меҳнат ресурслари етарли даражада.

Танқис иктисодиётда иктисодий танлов ва унинг ечими бўйича қарор қабул қилиш марказий муаммо бўлиб ҳисобланади.

Шундай экан, иктисодиётдаги танқисликни бартараф этишда инвестициялар асосий уринни эгаллайди.

Республикамиз ўз мустақиллигини қулга қиритгач барча соҳада бўлгани синғари инвестициялаш ва чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича қатор қонун ва қарор, қармонлар қабул қилинди.

Бу қонун ҳужжатларида нафакат инвестиция фаолиятини ташкил этиш балки чет эл инвестицияларни жалб этишнинг жуда қенг ҳуқуқий

кафолатлари ва имтиёзлари тизими уз аксини топган. Яратилган кулай инвестиция мухити биринчи новбатда мамлакатдаги сиёсий ва иктисодий барқарорлик билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти туғрисида»ги қонуни (1998 йил 24 декабр), «Чет эл инвестициялари туғрисида»ги (1998 йил 30 апрел), «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора тадбирлари туғрисида»ги (1998 йил 30 апрел) қонунлари ва бир қатор имтиёзларни кафолатловчи қарорлар эълон қилинди. Республикада бозор муносабатларининг шаклланиши инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва унинг ролини оширишни талаб қилмоқда. Республикада кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши инвестиция фаолиятига бевосита боғлиқ. Шунга мос равишда инвестиция фаолиятини яхшилаш бўйича қатор амалий ишлар ва имтиёзлар бажарилмоқда. Республикада инвестициялар учун ишончли суғурта базаси яратилмоқда. Айниқса «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясининг ташкил этилиши диққатга сазовордир. Республикада давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг инвестиция дастурлари департаменти барпо этилди. 1998 йил феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий инвестициялар билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш механизмини рағбатлантириш чора тадбирлари туғрисидаги қарори, шунингдек Вазирлар маҳкамасининг 2000 йил 11 октябрь ойидаги 393 сонли «қўшма қўрсонларни ташкил қилишда чет эл инвестицияларни жалб қилиш бўйича қўшимча чора тадбирлар туғрисида»ги қарорлари каби бир қанча меъёрий ҳужжатлар ва ҳуқуқий асослар қабул қилинмоқда.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ +ИЛИШ САВОЛЛАРИ.

1. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш фанининг предмети ва фан олдига асосий вазифалар нималардан иборат?
2. Фаннинг вужудга келиши шарт-шароитлари ва шаклланиш зарурати нималардан иборат?
3. Ҳозирги босқичда инвестициялар ва уларни молиялаштириш фанининг узига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Инвестиция сузининг иктисодий мазмуни нималардан иборат?
5. Инвестицияларни сарфлашдан мақсад нима?
6. Ташкил инвестицияларнинг вазифалари нималардан иборат?
7. Инвестиция капитал кредит тушунчаларининг ўзаро ухшашлиги ва фарқлари нимада?
8. Бозор иктисодиёти шароитида нима учун инвестицияларнинг аҳолияти ошади?

2-МАЗУ: Инвестициялар, уларнинг иктисодий моҳияти ва макро ҳамда микроиктисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти

Р Е Ж А:

2.1. Инвестицияларнинг иктисодий категория сифатида микро-макро иктисодиёт даражасидаги функциялари

2.2. Инвестициянинг шакллари ва турлари.

2.3. Инвестиция фаолиятининг субъектлари ва объектлари.

2.4. Инвестицияларни молиялаш манбалари.

Адабиётлар: 4,5,7,14,15

Таянч иборалар: Молиявий, ҳақиқий, аклий инвестициялар, венчурли капитал, туғри инвестициялар, портфелли инвестициялар, аннуитет, инвестор, инвестиция объекти, инвестиция субъектлари

2.1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иктисодий ислохотларга кура, тадбиркор ҳамда кичик ва урта бизнес билан шугулланувчи ишбилармонларга молиявий ёрдам курсатиш мақсадида молиявий ресурсларни шакллантириш ва фойдаланиш механизмини такомиллаштириш буйича қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бунда мавжуд ички имкониятлар ва чет эл тажрибалари таҳлил қилинганда инвестиция сиёсатини туғри ташкил қилиш Алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда бу соҳада халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва инвестиция жараёнларининг қоидаларини, ҳамда жаҳон миқёсида халқаро инвестиция ҳажмини тезкорлик билан ушиб бориши ишбилармонларга, тадбиркорларга амалий ёрдам бермоқда.

Самара келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қиматбаҳоли қўғозлар;

- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ҳамда бошқа моддий бойликлар);

- авторлик ҳуқуқи, ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқларидан ("нсухау") ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари ва бошқа интеллектуал бойликлар;

- ер ва бошқа табиӣ ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;

-бошқа бойликлар.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик ҳамда бошқа турли фаолиятларга сарфланадиган бойликларни (инвестицияларни) таркибига ва тузилишларига аниқлик киритилди ва уларни маъноси анча кенгайтирилди. Инвестицияларни шакллари ва мазмуни I -схемада курсатилган.

Инвестицияларнинг нима ва қайси соҳаларига сарфланишига асосланиб, уларни молиявий ва реал инвестицияларга ажратиш мумкин.

Молиявий инвестициялар шахсий кампаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акцияларга, облигацияларга бошқа киммат баҳоли қоғозларга ва банк депозитларига, узок муддатга жалб қилинган қўйилмалардир. молиявий инвестициялар кимматли қоғозлар бозорида сарфланишини ва шу бозорда катнашини англатади. Молиявий инвестицияларнинг асосий қисми, капитални ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланишини билдиради. Молиявий инвестиция қўпинча реал инвестицияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Молиявий инвестициялар эркин бозор инфраструктураси ривожланган мамлакатларда, киммат баҳоли қоғозлар бозори капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлатларда қўпроқ тарқалган.

2.2. Юқоридаги фикрларга қўра *инвестициялар* – бу молиявий ресурсларни турли фаолият, асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун узок муддатли капитал қиритиш шаклида бевосита қорхонани қўшимча фойда олиш ёки қорхона, компания ишига таъсир қўрсатиш ниятида кимматбаҳо қоғозларни сотиб олишда ишлатилади. Инвестицияларни молиявий (кимматбаҳо қоғозлар билан операция), ҳақиқий (маблағларни узок муддатга моддий ишлаб чиқаришга қиритиш), ақлий (интеллектуал), (ноу-хау, илмий ишлар) турларга бўлиши мумкин. Бундан ташқари инвестициялар таваккаллик (венчурли), туғри, портфелли аннуитет турларига ҳам бўлинади ва шу жиҳатдан фарқланади.

Венчурли капитал - бу таваккалчилик капитал қиритишни белгилаш учун ишлатилади, у узини янги акциялар чиқарувчи инвестиция шаклида қўрсатади. Булар янги акциялар чиқарувчи инвестиция шаклида узини қўрсатади. Бу ерда дивертификация кенг меъёрида ишлатилади.

Туғри инвестициялар – бу ҳужалик қўритувчи субъектнинг низом капиталига қиритилган маблағдир ёки янгидан бунёд этилаётган қорхона учун фойда қўриш ниятида ва ушбу ишбилармонлик тизими бошқарувини бошқаришда катнашиш ҳуқуқини қўлга қиритиш учун ишлатилади.

Портфел инвестицияси – бу фойда олиш мақсадида саноат, қишлоқ ҳужалик, Транспорт, қредит ва бошқа қорхоналарга узок муддатли капитал маблағини қиритишдир.

Аннуитет – омонатчига вақт-вақти билан туланадиган қўл маблағидир (бадал, Рента ёки фойда). Унинг қўйидаги турлари мавжуд: аннуитет инвестицион режа билан – суғурта рентасини капитал маблағ билан кимматбаҳо қоғоз сотиб олишга сарфланганда ҳосил бўлади. Бу ерда суғурта қилинган шахс ҳар йилги белгиланган фойдани ҳамда кимматбаҳо қоғоздан қелган фойдани олади.

Ҳар йилги аннуитетлар – суғурталанганларга йиллик бадалларни тулаш.

Бўлинувчи аннуитет – суғурталанган шахсни вақтидан қейин меросхурлар орасида тақсимланувчи даромад.

Кечиктирилмайдиган аннуитет (тента) – суғурта шартномаси тузилганда қейинги туланиши бошланган йиллик даромад.

Кечиктирилган аннует – (рентаси) – суғурта шартномаси тузилгандан сунг маълум мухлат утгандан кейин туланадиган йиллик даромад.

Гурухли аннует – даромад ягона суғурта шартномаси асосида бир неча физик ва юридик шахсларга туланадиган даромад булиб сунг улар орасида таксимланади.

Кичик бизнесда инвестицияни юридик ёки жисмоний шахслар, таваккалчилик даражасига нисбатан инвесторларга, янги бизнес ташкилотчиларига, олибсотарларга ва уйинчиларга булиниб амалга оширилади.

I – чизма

Бозор иктисодиёти шароитида инвестицияларни мазмун, шакллари ва таркиби.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошка, давлат тамонидан такикланмаган, фаолиятларга сарфланадиган барча турдаги мулкый ва интеллектуал бойликлар / инвестициялар /				
Пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошка кимматбаҳоли қоғозлар	Харакатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар, бинолар, иншоотлар, ҳамда бошка моддий бойликлар	Авторлик ҳуқуқи, ихтиролардан фойдаланиш ҳуқуқларидан ("ноухау") ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари ва бошка интеллектуал бойликдир	Ер ва бошка табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари	Бошка даромад ёки ижтимоий самара берувчи бойликлар

2.3. Инвестиция фаолиятини ташкил этишда унинг объект ва субъектлари иштирок этади.

Инвестиция субъектлари - инвестиция фаолиятида иштирок этувчи мулкый ва интеллектуал бойликларга эга бўлган жисмоний, юридик шахслар ва давлатдир (мулкдорлар). Инвестиция фаолиятини юритишда унинг субъектлари булиб бир томондан мулкый ва интеллектуал бойликларга эга бўлган мулкдорлар (инвесторлар) иккинчидан - инвестицияларни қабул қилувчи жисмоний, юридик шахслар ва давлат ҳисобланади.

Инвестиция субъектлари орасидаги муносабатлар ишлаб чиқариш характериға эгадир.

Инвестор – бу карор қабул қилувчи ва узининг шахсий, қарзга олинган маблағларини ва бошқа жалб қилинган мулкӣй ва маданий бойликларини инвестицион лойихага қиритувчи жисмонӣй ва юридик шахслардир. У омонатчи ва қарз берувчи ролида чиқиши мумкин бўлиб амалга оширувчи инвестицияларнинг йуналишини, самарасини эркин ҳолда аниқлайди. Инвестор қарори билан инвестицияларга эгалӣк қилиш, ишлатиш, фойдаланиш ҳуқуқи ва уларнинг натижалари билан жисмонӣй ва юридик шахсларга қонунда қурилган тартибда бериши мумкин.

Уйинчи-тажовузли инвестор. У узининг инвестицион фаолиятини у қатта таваққалчиликка юз тутди ва асосан акцияларни, қамрок облигацияларни сотиб олади.

Инвесторлар асосӣй мақсади инвестиция фаолиятдан юқори даражада даромад, самара олиш ва уз фаолиятини, бозор инфраструктурасини ривожланишига мослаган ҳолда қенгайтириш ва инвестиция соҳаларини ҳамда объектларини узгартириб боришидир. Бу борада улар баҳоларни узғаришига қараб талаб ва тақлиф қонуни асосида иш олиб борадилар.

Инвестицияларни қабул қилувчи субъектларнинг эса асосӣй мақсади инвесторлар билан бўладиган муносабатлардан самарали равишда фойдаланиш, узлари танлаган соҳаларида, қуйилган мақсадларга қисқа вақт ичида эришиш ва уз навбатида ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир.

Инвестиция фаолияти инвестор томонидан танланган соҳалар ҳамда инвестициялар сарфланиши лозим бўлган мақсадлар билан, яъни инвестиция объектлари билан боғлиқдир. Инвестицияларни йуналтириш соҳаларига, ишлаб чиқаришда иштирокига ҳамда сарфланиш ишларига биноан инвестиция фаолиятининг қуйидаги объектларини фарқлаш мумкин:

- халқ хужалигининг барча соҳалари ва тармоқларидаги янгидан яратилган ва замонавийлаштирилган (янгиланган) асосӣй фондлар ва айланма маблағлар;
- фан - техника ютуқлари, изланишлар, таълимот, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- интеллектуал бойликлар, ҳамда авторлик, ихтиро қашфиёт ҳуқуқлари, тажриба;
- қиммат баҳо қоғозлар, мақсадли пул жамғармалари;
- бошқа мулкчилик объектлари;
- мулкӣй ҳуқуқлар.

қонунларда ва қонуниятларда таъқиқланган экологик ва бошқа меъёрларга, санитаргигиеник талабларга жавоб бермайдиган, яратилиши ва ишлатилиши мумкин бўлмаган воситалар учун инвестицияларни йуналтириш ман этилади ва бу ишлар инвестицияларни сарфлаш объекти бўла олмайди. Фуқороларни, юридик шахсларни ва давлатни қонунӣй ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказадиган ишлар учун ҳам инвестицияларни сарфлаш ман этилади.

Инвестицияларни жалб қилиш ва сарфлаш соҳаларига асосланиб, инвестиция фаолияти объектларини гуруҳини тузиш мумкин. Инвестиция фаолиятида соҳалардан бирини, ёки бўлмаса бир нечтасини танлаб олиш

хукукига инвесторларнинг узлари эга буладилар. Уларни ҳеч ким соҳа ёки инвестиция объектларини танлашда мажбур эта олмайди. У ёки бу соҳани танлашда ва инвестицияларни маълум бир объектларга сарфлашдаги қарорларни инвесторларнинг (инвестиция фаолияти субъектлари) узлари қабул қиладилар. Инвестиция фаолияти субъектлари бўлиб бир инвестор ёки бўлмаса бир нечта тадбиркорлик ҳамда бошқа фаолият билан шугулланувчи иштирокчи инвесторлар бўлиши мумкин. Инвестиция фаолиятидаги субъектлар инвесторлар бўлиб маҳаллий ва чет эллик (ташки) фуқаролар, юридик шахслар ёки давлатлар ҳисобланади. Инвестицияларни амалга оширишни эса, қабул қилинган буюртмаларни бажарувчиси сифатида ёки инвесторни топшириғи асосида, инвестиция фаолиятини иштирокчилари таъминлайдилар.

Инвестициялар ҳажмини, соҳаларини ва натижалари бўйича самарадорлигини инвесторларнинг узлари мустақил равишда аниқлайдилар.

2.4. Ривожланган мамлакатларнинг инвестицияларини молиявий ва реал инвестициялар ташкил қилиб, молиявий инвестицияларининг таркибида асосий уринни шахсий инвестициялар ташкил этади.

Шахсий инвестициялар, тадбиркорлар, хусусий фирмалар, компаниялар, концернлар, акционерлик жамиятлари ёки бошқа шаклдаги мулк эгаларининг фойда (даромад), самара олиш мақсадида давлат томонидан тақибланмаган фаолиятларга сарфлайдиган мулкдорлик ва интеллектуал бойликларини билдиради. Ривожланган давлатларда, шунингдек, қимматбаҳо қоғозлар бозори мавжуд бўлган мамлакатларда шахсий инвестицияларни қўпгина қисми махсус инвестиция фондлари томонидан сарфланади. Инвестиция фондлари бозорида хизмат қилади. Шу билан бирга, баъзи ривожланган мамлакатларда инвестициялар таркибида давлатни улуши ушиб бориши ҳам кузатилмоқда.

Аксинча, реал инвестициялар эса молиявий инвестициялардан фарқлиқлар. Улар асосий капитални ва моддий бойликларни устиришга сарфланадиган қўйилмалардир. Реал инвестицияларни сарфи асосий фондларни қўшишга, янгиланишга, ишлаб турган қўрхоналарни қўнғайтиришга, моддий бойликларни қўпайишга олиб қелади. 2-схемада инвестиция турлари ва уларни молиялаш манбалари қўрсатилган. Халқ ҳужалигини қўп йиллар мобайнида экстенсив услуб билан ривожланиши давлат томонидан мувофиқлаштириб бўлмайдиган инвестиция харажатларига олиб қелди. Натижада, ҳаддан ташқари қўп асосий ишлаб қўқариш фондлари барпо этилди. Асосан улар харбий саноат қўплексида ва тугалланмаган қўрилишда улчамсиз молиявий ресурсларнинг қўтилишига: – (маблағ ажратилишини тўхтатишига) ва тугатилмаган қўрилишларни тўхтатишига (қўнсервациясига) олиб қелди. Бундай аҳволнинг асосий сабаблари ҳудудда узок йиллар давомида марказлашган режалаштиришни мавжуд бўлганлиги ҳамда унинг оқибатида ижтимоий ва саноат маҳсулотларининг таркибида ишлаб қўқариш қўроллариининг ҳаддан ташқари қўшии бўлган.

БОЗОР ИКТИСОДИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯ ТУРЛАРИ

ИНВЕСТИЦИЯЛАР

-----		-----	
Молия инвестициялар			Реал инвестициялар
-----		-----	
Давлат инвес	Хусусий инвес	Давлат инвес	Хусусий инвестиц
Ташки (чет эл) инвестициялари			
-----		-----	
Туғри бошқариш ҳукуки-		Портфелли бошқариш ҳукукига	
га эга инвестициялар		эга бўлмаган инвестициялар	
-----		-----	

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларга бўлган эҳтиёжни қондиришда ички ва ташқи молиялаш манбаларидан фойдаланилади. Инвестицияларнинг ички манбалари сифатида давлат бюджети ҳамда тижорат банклари маблағларини ва хусусий инвесторларни курсатсак, ташқи манбалар сифатида хориж давлат маблағларини, хусусий мулк эгаларини, Жаҳон банки кредитларини айтиш мумкин.

Бугунги куннинг асосий вазифаси тадбиркорларнинг тижорат капиталини ишлаб чиқаришни йулга қуйишга, яъни ишлаб чиқариш инвестицияларига айлантиришдан иборат.

УЗ-УЗИНИ НАЗОРАТ +ИЛИШ САВОЛЛАРИ

1. Инвестициянинг моҳияти ва иқтисодий мазмуни нимада?
2. Инвестицияларнинг турлари ва уларни гуруҳланиши?
3. Инвестициялар сарфланиш соҳасига қура неча турга бўлинади?
4. Молиявий инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни нимадан иборат?
5. Реал инвестициялар деганда нимани тушунасиш?
6. Туғри ва портфелли инвестицияларни фарқи нимада?
7. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларга бўлган эҳтиёж қайси манбалардан қондирилади?
8. Инвестиция фаолиятининг субъекти деганда нимани тушунасиш?
9. Инвестиция фаолиятининг объекти деганда нимани тушунасиш?
10. Инвестицияларни молиялаш манбалари қандай гуруҳларга бўлинади?

3-МАВЗУ: Ўзбекистонда инвестиция фаолияти ва инвестиция сиёсати

РЕЖА:

3.1. Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатнинг роли.

3.2. Инвестиция сиёсати, унинг мазмуни ва бозор иктисодиёти шароитида уларнинг роли.

3.3. Хозирги босқичда инвестиция сиёсатининг узига хос хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар.

Адабиётлар: 1,4,5,6,7,14

Таянч иборалар: инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш, инвестиция сиёсати, жисмоний ва юридик шахслар, пул муомаласи, инвестицион шартномалар, мажбурият гарови, инвестиция субъектларнинг мажбуриятлари, реинвестирлаш, лицензия, кредит ресурсларнинг афзаллиги.

3.1. Мамлакатимизда бозор иктисодиёти муносабатларига утиш жараёнида уз ечимини кутаётган янги-янги долзарб масалалар мавжуд. Масалан, хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасаруфидан чиқариш жараёнида мулоқотлар фаолиятини ривожлантиришда ва ишлаб чиқаришда ижобий таъсир курсатишда, давлатнинг молиявий тизимини шакллантиришда инвестицион маблағларни самарали жалб қилиш кимматли қўғозлар бозорида муҳим аҳамиятга эга. Инвестиция компаниялари ва инвестиция фирмалари умумлашиб, инвестиция институтлари сифатида фаолият курсатиши ва молиявий муносабатларнинг шаклланишига катта ижобий таъсир курсатиши мумкин.

Бозор иктисодиётини ривожлантириш хужалик юритувчи шахслардан бир тарафдан рақобатбардошликни оширишни талаб қилса, бошқа бир тарафдан тез-тез узгарувчан иктисодиёт шароитларига мослашиш, барқарорлик ва мустақамликни таъминлашни талаб қилади. Жамиятни ривожлантириш умумий ва Алоҳида хужалик юритувчи шахсларнинг миллий мулк ва албатта даромад услишини таъминловчи моддий бойликларни кенг қулашда қайта ишлаб чиқаришга асосланади. Ушбу услишни таъминлашда асосий воситалардан бири, инвестицияни сотиш бўйича амалий ҳаракатлар йиғиндиларини уз ичига оладиган инвестициявий фаолиятларни йўлга қўйиш муҳим омил саналади.

Давлат томонидан инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш унинг муҳим йўналишларида қулай шароитлар яратишга қаратилган. Аввалом бор ижтимоий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан такомиллаштириш, янгилик ва ихтироларни тадбиқ этиш асосида ижтимоий талабларни қондиришга қаратилган. Бу борада мувофиқлаштиришни ташкил этиш инвестиция фаолиятини шароитларини аниқлаш йўли билан ҳамда давлат инвестицияларини бошқариш билан бирга олиб борилади.

Давлат томонидан инвестиция фаолияти шароитларини мувофиқлаштириш бир катор тадбир ва чораларни куллаш ва ҳаётга тадбиқ этиш негизида амалга оширилмоқда. Давлат томонидан инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш асослари қабул қилинган бўлиб, асосларда курсатилган тадбир ва чоралар

қуйидагилардан иборат:

1. Солиқлар тизимини қупайлаштириш. Солиқ субъектлари, объектларини ҳамда унинг ставкаларини дифференцияллаш ва енгилликлар бериш (инвестициялар бўйича дифференцияллашган солиқ қиритилади);

2. Амортизация сиёсатини тубдан узгартириш, шу жумладан асосий фондларни амортизациясини тезлаштириш (иктисодиётни соҳалари, баъзи тармоқлари, асосий фондларни элементлари, асбоб-ускуналарни турлари бўйича дифференциаллаштирилган ҳолда амортизация енгилликлари урнатилади);

3. Айрим регионларни, тармоқларни, ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун бюджет ссудалари орқали молиявий ёрдам курсатиш;

4. Кредит сиёсатини, давлат меъёр ва андозаларини, антимонопол тадбирларини амалга ошириш. Давлат мулкни, шу жумладан тугатилмаган қурилишларни хусусийлатириш (давлат тасаруфидан чиқариш) ҳамда баҳоларни ташкил этиш сиёсати;

5. Ер ҳамда бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлаш;

6. Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш. Бугунги кунда юқорида қайд этилган тадбир ва чораларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида республикада бу борада бир неча қонунлар қабул қилинди.

3.2. Инвестицияларни қайд этилган турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат тамонидан таққилланмаган фаолиятларни барча инвесторлар тамонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарф этиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш чора ва тадбирларининг йўқиндиси инвестиция фаолиятини англади. Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини жисмоний ва юридик шахслар (қорхоналар, фирмалар, акционер жамиятлар ва бошқа типдаги мулк эгалари) ҳамда давлат юритади. Инвестиция фаолиятини йўлга қўйиш ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда ўз манфатини қўлаб бу жараёнда ягона бир мақсадга, яъни фойда (даромадга), самарага эришишни режалаштиради. Албатта, инвестиция фаолиятини юритишда ҳар бир мулк эгаси ишбилармонликни тадбиркорликни моҳиятини қўқур англаган ҳолда иш юритиши лозим. Инвестиция фаолияти билан шугулланувчи мулк эгаси тез ўзгарувчан бозор иқтисодиётини, унинг серқихали муносабатларини ҳар томонлама англай билиш лозим. Фаолиятни юритишда иқтисодий ахборотга нафакат танланган соҳада эмас, балки бутун иқтисодиётда мамлакат миқёсида маркетинг билимлари асосига эга бўлиши Алоҳида аҳамиятга эга. Қўқки рақобат қўрашига асосланган иқтисодиётда, қўл муомаласи, молия, қредит ва банқлар, солиқ сиёсатини қўқур билмай туриб, инвестиция фаолиятини ташқил этиш таваққалқилик билан боғлиқ, қиска давр иқида инқирозга

учраши мумкин. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини ривожлантиришнинг кузда тутган унлаб конунлар қабул қилинди. Булар жумласига инвестиция фаолиятини ташкил этишни ҳамда йулга қуйишни белгиловчи бир қатор конунлар қиради. Шулардан энг муҳимлари Давлат мулкни хусусийлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларни йулга қуйишга бағишланган ва бошқа конунлардир. қабул қилинган конунларни ҳаётга татбиқ этиш асосида бугунги кунда инвестиция фаолиятини юритиш ҳамда бозор муносабатларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Мулкчиликни турли шакллариининг ривожланиши, тадбиркорлик ва ишбилармонликни йулга қуйилиши, ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтирилиши, қўшма корхоналарнинг иқтисодиётини барқарорлаштиришдаги ролини оширилиши инвестиция фаолиятини тула ташкил этиш учун зарур бўлган имкониятларни яратмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция фаолияти кенгайтирилган равишда ташкил этилган. Бозор шароитида инвестиция фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш жисмоний, юридик шахсларни ва давлатни, фойда (даромад), самара олиш мақсадида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа фаолиятларини қайтадан тиклашга қаратилган. Бу борада асосий мақсад эса, инвестиция фаолиятини ташкил этиб иқтисодиётимизни барқарорлаштириш, дунё бозорига қириб бориш, дунё-хужалиқ алоқаларини мустахкамлаш ва аҳолини турмуш даражасини кўтаришдир.

Инвестициявий сиёсатни ҳаётга жорий этиш, устивор тармоқларни танлаб олиш ута нозик ишдир. Чунки бозор механизмлари ҳар доим ҳам мамлакат иқтисодиёти манфаатларига хизмат қилишга мос келавермайди. Шунинг учун, хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида ҳам илмий мосланган, йўлланган, фаол давлат сиёсати бўлиши зарурдир.

+уйидагилар утиш даврида инвестиция сиёсатининг муҳим устивор йўналишлари ҳисобланади:

- озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш;
- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустахкамлаш ва импорт босувчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- иқтисодиётнинг таянч тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- мамлакатнинг кам ривожланган минтақалари иқтисодиётини кўтариш.
- Хорижда доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

Юқоридагиларга қўшимча тарзда айтиш лозимки, Республикаимизни зарур, ҳаётий муҳит товарлар билан таъминлаш энг аввало, уларни узимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига таъминлаш миллий ҳавфсизлик; собит қадамлик ва барқарорликка эришишнинг асосий омилларидан биридир.

3.3. Инвестицияларни амалга ошириш учун улар фуқароларни ва юридик шахсларни ўз хоҳишлари билан, шартномалар асосида жалб қиладилар. конунларга таянган ҳолда шартномалар асосида инвестицияларга эга бўлиш, улардан фойдаланиш ва бу фаолият натижалари бўйича қарорлар қабул қилишни инвесторлар, бошқа фуқаро ва юридик шахслар зиммасига

топшириш туғрисида қарорлар қабул қилишлари ҳам мумкин. Бундай ҳолларда мажбурият гарови сифатида (инвесторнинг мажбуриятини таъминлаш) инвесторнинг мулки қабул қилинади. Гаровга фақат инвестиция олувчининг шахсий мулки ёки тула хужалик олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган мулки олинади. Инвесторлар инвестиция натижаларига, инвестиция объектларга эга бўлиш, фойдаланиш, фармойиш чиқариш ҳамда реинвесторлаш (инвестицияга айлантириш) ҳуқуқларига эгадир.

Инвестиция фаолиятидаги жараёнда субъектлар уртасида бўладиган муносабатлар шартномалар (қелишувномалар) асосида мувофиқлаштирилади. Шартномалар тузиш, шерикларни танлаш, мажбуриятларни аниқлаш ва бошқа хужалик муносабатларини урнатиш, агарда улар қабул қилинган қонунларга зид бўлмаса, фақат инвестиция фаолияти субъектларини зиммасида бўлади. Ҳар иккала томонларни қелишувига биноан, шартномалар инвестиция фаолиятининг умумий муддатига тузилади.

+абул қилинган қонунлар ҳамда қонунчиликка асосланган равишда инвесторнинг қатор мажбуриятлари ҳам бор. Бу мажбуриятлар давлат идора ва муассасалари олдида бажарилиши лозим бўлиб, қуйидагилардан иборатдир:

- инвесторлар, инвестициялар ҳажми, уларнинг манбалари туғрисида молия ва солиқ органларига декларациялар топшириши лозим;
- капитал қурилишни амалга ошириш учун, тегишли раҳбар ва махсус хизмат органларига руҳсат этилиш ва розилигини олиш керак;
- инвестиция лойиҳасининг санитар-гигиеник ва экологик жихатдан қуйилган талабларга жавоб бериши туғрисида экспертиза ҳулосасига эга бўлиши шарт.

Юқорида қайд қилинганлардан ташқари, инвестиция субъектларини мажбуриятларига қуйидагилар ҳам қиради:

- қонунчиликда белгиланган ва урнатилган тартиб бўйича меъёр ва андозаларга бўйсунуш;
- виждонан рақобатлашиш ҳамда антимонопол мувофиқлаштириш талабларини бажариш;
- давлат сиёсати, солиқ ва молия органлар томонидан юклатилган талабларни бажариш ва уларга бўйсунуш;
- белгиланган тартибда бухгалтерлик ва статистик маълумотларни ҳамда ҳисоботларни тегишли органларига уз вақтида етказиб бериш.

Булардан ташқари инвестиция фаолиятини ҳар бир иштирокчиси махсус ишларни бажариш учун лицензияга эга бўлиши лозим. Лицензия олиш учун бажариш лозим бўлган ишларни рўйхати ҳамда уларни амалга ошириш тартиби мумкин қадар қонунчиликда белгиланади.

Бозор муносабатларини ривожланиши мулкчиликни ҳар хил шаклидаги молиялаштириш манбаларини яратилишига олиб келади.

Мамлакатимиз иктисодиётида фойдаланилмаётган ички инвестициялар ҳамда жалб қилинаётган ташқи инвестициялар миқдорини ушиб бораётганлиги, унинг турли тармоқлар ва ҳудудлар таркибига қирувчи қорхоналар ишлаб чиқаришга сарфланаётганлиги ва бу борада олиб

борилаётган ишларни кенг куламлиги ва самарадорлигини инвестицион сиёсатнинг натижалари курсатмокда.

Мамлакатимизда мустакиллик йилларида инвестицион фаолиятини амалга оширишнинг конуний меъёрий баъзасининг яратилишига Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти туғрисида»ги конунининг қабул қилиниши бу борадаги улкан кадам бўлди. Бу ўз навбатида энг долзарб масала, инвестицияларни молиялаштириш масаласини ечиш имкониятини бермокда.

Бугунги кунда инвестиция сиёсатининг узига хос хусусияти инвестицион фаолиятни молиялашда куринади. Бунда асосан кредит ресурсларидан кенг фойдаланиш чунки инвестицияларнинг молиявий манбалари белгиланган. Улар марказлашган бюджет маблағлари, аҳоли жамғармалари, хужалик субъектлари: маблағлари, банк кредитлари ва хорижий маблағлардир. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистон иктисодиётида инвестицион манбалар таркибини такомиллаштиришда муҳим тенденцияларга Алоҳида аҳамият бериш лозим.

Биринчидан, мамлакат иктисодиётини инвестициялашнинг янги манбаларини жорий этиш; тижорат банклари томонидан узок муддатли кредитлар берилиши, акция ва бошқа кимматбаҳо қоғозларни эмиссиялашдан олинadиган маблағлар, давлат мулкани давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган даромадлар, суғурта компаниялари ҳисобига катта пул маблағларини жалб этиш ва бошқалар.

Иккинчидан, инвестицияларнинг анъанавий манбаларини соғломлаштириш корхоналарнинг ўз маблағларидан самарали фойдаланишга қаратиш бюджет ажратмалари, мақсадли кредитлар, танлов асосида бюджет маблағлари тақсимланиши, имтиёзли кредитлаш ва бошқариш.

Умуман олганда ўсиш субъектларга қура чет эл инвестициялари олдинги уринни эгаллайди, ундан кейинги уринда бюджетдан молиялаш, сунгра аҳоли маблағлари бўлмокда. Корхона маблағларини ҳажми юкори бўлиши билан бирга уларнинг улуши суръатлари инвестицияни молиялаш манбаларининг умумий таркибида паст мавқега эга бўлмокда.

Молиялаштириш манбалари таркибида ҳозирги банк маблағлари ҳажми унчалик катта бўлмаса ҳам, у узига Алоҳида эътиборни талаб қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг асосий ва энг муҳим манбаларидан бири кредит ресурсидир. – Кредитлар инвестицион фаолиятида тадбиркорларни реал даромад олишини қупайтиришга ундайди, пировардида биринчидан жамият аъзоларидан боқимандалик қафиятни йукотади: Иккинчидан, корхоналар техника тараккиёти билан боғлиқ янги йуналишларни очиб беради; учинчидан, ўшбу соҳада янгиликлар, қашфиётлар қилишга ундайди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг барча босқичларида маблағга бўлган талабни таъминлашни амалга оширувчи восита банклардир.

Давлат бюджети маблағлари ҳақида шуни таъкидлаш жоизки, унинг

маълум кисми ижтимоий маъмурий фондларни яратишга сарфланади.

Шу боис хозирда инвестицион ресурслар бозорида таклифларни нафакат баркарорлаштириш, балки анча микдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини камайтирган холда чет эл кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини оширишга ҳаракат килинмоғи керак.

Мамлакатнинг иктисодий-ижтимоий ривожланишида инвестицияларнинг, шу жумладан хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки ҳар қандай давлат дунёдан ажралган холда жаҳон тажрибаларини урганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳаларида эришган ютуқларини қабул қилмасдан яқка тартибда ривожланиши мумкин эмас.

Уз узини назорат қилиш саволлари

1. Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатнинг роли нималардан иборат?
2. Давлат томонидан қабул қилинган инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш асосларининг мазмуни нималардан иборат?
3. Инвестиция сиёсатини қим юритади?
4. Инвестиция сиёсатининг мазмуни нималардан иборат?
5. Бозор иктисодиёти шароитида инвестиция сиёсатини юритилишининг аҳамияти нималардан иборат?
6. Инвестиция сиёсатининг узига ҳос хусусиятлари деганда нимани тушунасиш?
7. Инвестицион фаолиятни амалга оширишда қандай ҳужжат қўлланилади?
8. қулай инвестицион муҳит деганда нималарни тушунасиш?

4-МАНЗАУ: Давлат инвестиция дастури

РЕЖА:

- 4.1. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури-мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг истикболини белгилашнинг таркибий қисми сифатида.
- 4.2. Дастурнинг асосий мақсади.
- 4.3. Дастурни шакллантириш муддати ва тартиби.
- 4.4. Дастур инвестиция лойиҳалари қийматини аниқлаш тартиби.
- 4.5. Инвестиция дастурини амалга оширилишини баҳолаш.

Адабиётлар: 5,6,7,8,14

Таянч иборалар: Миллий иктисодиётнинг ривожланиши, тармоқлар мутаносиблиги, коммуникация, техник-иктисодий замонавийлаштириш, инвестиция дастури, инвестиция лойиҳалари қили, инвестиция лойиҳалари

тендири, иктисодий ва молиявий таҳлил, лойихавий молиялаштириш, экспортбоб махсулот, молиявий лизинг.

4.1. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги миллий иктисодиётнинг ривожланишига янги саҳифа очди. Тармоқлар ва тармоқлараро мутаносибликларда пропорцияларда ижобий узгаришлар юз берди, янги тармоқлар бунёд этилди, қўшма корхоналар сони ўсиб бормоқда. Иктисодий ўсишга катта инвестициялар юборилди. Ёқилги-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия, кимё мажмуаси, енгил саноат, саноатнинг озиқ-овқат ва қайта ишлаш тармоқларига сафарбар этилган йирик микёсдаги инвестициялар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни барпо қилиш ва янги махсулот турларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлди. Кейинги йилларда транспорт мажмуасига, коммуникацияларга, ижтимоий соҳага, шу жумладан таълим соҳасига инвестициялар тобора қўпайиб бормоқда. Бундай тузилмавий ўзгартиришлар жаҳон ҳужалигига кириб бориш, мамлакат иктисодиётининг барқарор ўсишига эришиш имкониятларини яратди.

Иктисодиётни техник-иктисодий замонавийлаштириш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни қўпайтириш ва янгиликларини яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади.

Инвестициялашнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни, барча шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иктисодиётнинг келажагини белгилайди. Инвестициялар учун зарур молиявий манбаларни топиш иктисодий ўсиш шартига айланган. Бу эса биринчи навбатда истеъмол ва жамғарма нисбатига боғлиқ. Ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиётига ўтишда, ўз моделини амалга ошираётган Ўзбекистон инвестицияларни молиялаштиришнинг самарали усуллари, механизмлари ва излашда давом этмоқда. Иктисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари доирасида инвестиция фаолиятининг қўпайиши инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва танловини ўтказишни такомиллаштириш, инвестициялаш учун зарур бўлган ишончли молиявий манбаларни излаб топиш, капитал бозорини тегишли солиқ сиёсати асосида ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш усуллари аниқлаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиш заруратини кўндаланг қилиб қўяди. Мамлакат инвестиция фаолиятида айниқса хорижий инвестициялар иштироқи қўпайиши билан бу масалалар аҳамияти ўшиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Қаримов мамлакат иктисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг ғоят муҳим аҳамияти ва зарурати ҳақида таъкидлаб хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласини « доимий эътиборимизни, тинимсиз саъй-ҳаракатимизни

талаб килувчи масалалардан» бири булишини эслатиб утади¹. Иктисодиётимизда хорижий инвестициялар киритилишини «бизнинг доимий диққат марказимизда» булишини, «узимизнинг асосий вазифамиз» сифатида қарашимизни унутмаслигимиз зарур?

И.А.Каримов таъкидлашича, «Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иктисодиётимизда таркибий узгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йулга қуйиш мумкин эмас»³. Бу борада И.А.Каримов бевосита хорижий инвестициялар туғрисида фикр билдириб «Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниқса, туғридан-туғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур»¹ тарзида баҳолайди. Инвестиция фаолиятидаги бурилишлар, таъкидланган вазифаларни ечиш; инвестициялашнинг давлат механизмини эркинлаштириб бориш ва бозор механизмлари қулланиладиган соҳаларни кенгайтириш; инвестициялашни уз жамғармалари ҳисобидан таъминлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш; лойиҳавий, корпоратив молиялаштириш, синдициялаштирилган кредитлаш, лизинг каби янги усуллардан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш талаб қилинади. Инвестицион қарорларни қабул қилиш ва самарадорликни баҳолашда, айниқса молиялашда хорижий манбаларнинг кенгайиб бориши муносабати билан, ташқаридан жалб этиладиган манбаларнинг нарх ва қийматларини ҳисобга олиш зарурати пайдо бўлади.

Халқаро молия институтларининг валюта кредит линияларидан фойдаланиш, лизингни ривожлантиришга йуналтирилган ишлар ва бошқалар инвестицияларни молиялаштириш амалиётига жиддий узгартиришлар киритади. Инвестициялашнинг бозор механизмларини жорий этиш, бевосита хорижий инвестициялар, кредитларни жалб қилиш, молия бозори орқали инвестиция манбаларини шакллантиришни кенгайтириш, ноанъанавий молиялаштириш усулларидан фойдаланиш амалиётини чуқур, атрофлича тадқиқ этиш ва уларни умумлаштириш заруратини кун тартибига қуяди.

И.А.Каримов таъкидлашича, «Кейинги етти йил давомида инвестицияларга сарфланган харажатларнинг бюджет харажатларидаги ҳиссаси тахминан 18 фоизни ташкил этиб келмоқда», «давлат маблағларини оқилона сарфлашнинг энг мақбул таркибига эгамиз, деб айта олмаймиз». Инвестиция лойиҳаларининг танлови туғрисида фикр билдириб, «инвестиция лойиҳаларининг техникавий-иқтисодий асоси сифатсиз тайёрланиши, уларнинг паст даражада экспертиза қилиниши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда четдан олиб келинадиган хом ашё ва бутловчи қисмларнинг салмоғи катта экани бу борадаги асосий камчиликлардир» деб тухталади. «Шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш буйича аниқ мақсадга қаратилган маркетинг тадқиқотлари ўтказилмаслиги, лойиҳа

тайёрлаш жараёнида шерик томонлар уз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат остига олмаганлари сабабли хорижий сармоя иштирокида ташкил килинган куплаб корхоналар ишламай» турганлигига эътибор қаратилади.

Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг туққизинчи сессиясидаги маърузасида И.А.Каримов иқтисодий тизимнинг таркибий узгаришларини муҳим шарти сифатида « хорижий инвестициялар, авваломбор, хусусий сармояларни жалб этиш, бунинг учун тегишли инвестицион муҳит ва инвесторлар учун қафолатлар яратиш»¹ зарурлигини яна бир бор эслатиб утади.

4.2. Ўзбекистонда инвестиция дастурларининг устуворликларини белгилаш ва мамлакатимиз ҳамда чет эл капиталини молиялаштириш манбаларини излаб топишда давлатнинг устуворлиги сакланиб келмокда.

Биринчи фазада (1992-1993) ислохотлар сиёсатида кенг инвестициялар дастури ва давлат корхоналарига марказлаштирилган кредитлар ажратиш назарда тутилди, бу эса каттагина бюджет такчиллигига олиб келди.

Иккинчи фаза (1994 йилнинг I чораги-1996 йилнинг III чораги)да ислохотлар сиёсати бюджет бошқарувини кенгайтиришга қаратилган сикик молия сиёсати билан ажралиб турди.

Ислохотларнинг учинчи фазаси (1996 йилнинг IV чораги 1999 йил) савдо ва валюта чеклашларининг кучайиши, очик валюта курсининг жорий килиниши, молия секторини ислох килиш, солиқ тизимини мустакамлаш, экспорт ва импортнинг пасайиши (1998-1999), ташки қарзнинг усиши, импортга қатъий чеклашларнинг жорий килиниши (1998-1999), бевосита чет эл инвестициялари хажмининг қисқариши ва ташки қарзларнинг ортиши билан тавсифланди.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида савдо, валюта чеклашларини эркинлаштириш ва солиқ ислохотларини утқизиш; қишлоқ хужалиги ва молия секторини ислох килиш; йирик қорхоналарни хусусийлаштириш суръатларини жадаллаштириш; иқтисодий монополиядан чиқариш ва яшашга қобил давлат қорхоналарини қайта ташкил килиш ҳамда зарар қуриб ишлайдиганларини тугатиш ва бошқаларни назарда тутати.

Валютани тартибга солиш механизмининг номуқамаллиги муайян даражада бевосита чет эл инвестициялари оқимиға тусик бўлди, экспортнинг усишиға қумаклаша олмади. Молия ресурсларидан самарали фойдаланиш учун, бизнинг назаримизда, давлат инвестициялар дастуриға қиритиладиган инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш устуворликлари ва мезонларини белгилаш жараёнини яхшилаш талаб этилади.

Давлат инвестиция дастурлари Ўзбекистоннинг урта (2000-2005 йиллар) ва узок муддатли (2005-2010 йиллар) ижтимоий-иқтисодий ривожланишиға асосланади. Давлат томонидан тартибга солишнинг асосий тамойили қурилатган объектларға бюджетдан молиялаштириш орқали ва имтиёзли тарзда тижорат банқлари кредитлари орқали ёрдам қурсатишдан иборат. Давлат инвестиция дастурлари, қоида тарзида, бюджетдан молиялаштириш ва ҳуқумат қафолати билан четдан олинган кредитлашға

асосланади. Инвестиция таклифларнинг танловини ташкил этишда, одатда хар бир сектор доирасида давлат устуворликларига, улардан хар бирининг техник жихатларига ва молиявий кайтимига биринчи уринда эътибор берилади.

Халқаро компаниялар, агентликларнинг баҳоларига кура, Ўзбекистонда инвестициялар, солиқлар, ҳуқуқий ва қонунлар тизими каби омиллар рискларни ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва улар фаолиятининг рентабеллигини пасайтиради. Шунингдек, бу баҳоларга кура конвертация учун алмашув курси, чет эл валютасини утказишга чеклашлар, чет эл валютаси билан операцияларга қўйилган турли чеклашлар; импорт контрактларини рўйхатга олиш, бизнесни рўйхатга олиш, шунингдек маҳсулот импортида божхона билан боғлиқ ушланиб қолишлар; банклараро утказмалар; қонун ҳужжатларини турлича талқин қилиш каби омиллар ҳам салбий таъсир қурсатади. Шу муносабат билан нефть-газ секторида инвестиция муҳитини такомиллаштириш, халқаро контрактлар тузиш бўйича мезонларни ишлаб чиқиш, молия ва солиқ режимини қулайлаштириш, тулов тартиб-қоидаларини такомиллаштириш йўли билан яхшилашга қаратилган бир қатор қонунларни қабул қилиш талаб қилинади.

Ўишлок ҳужалигида чет эл инвестицияларини жалб этиш орқали лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳосилни йиғиб-териб олиш, унга дастлабки ишлов бериш усулларини яхшилаш, шунингдек ихтигация ва дренаж тармоқларини яхшилаш устуворлик сифатида танланган.

4.3. Бошланғич маълумотларни олиш усулидан иборат бўлган лойиҳа цикли, лойиҳаларни давлат инвестициялари дастурига киритиш учун туғри ифодалашни ва устуворлигини таъминлайди. Лойиҳа цикли лойиҳаларни янада самаралироқ танлаб олиш ва уларни келаси йил бюджетига киритиш имкониятини беради. Инвестиция дастурини шакллантириш амалиётида лойиҳа цикли 6 босқичга бўлинади: лойиҳани аниқлаш; лойиҳани тайёрлаш; баҳолаш ва танлаш; тасдиқлаш ва молиялаштириш манбалари; тадбиқ этиш ва ишга тушириш; иккиламчи баҳолаш.

Лойиҳаларни аниқлаш ва тайёрлашни тармок вазирликлари ҳамда ҳокимликлар бажарадилар. Лойиҳа таклифларини баҳолаш ва танлашни устуворликларига мувофиқ тоифалаштириш асосида Макроиктисодиёт ва статистика (Иктисодиёт) вазирлиги экспертлари амалга оширадилар. Булар харажатлар ва фойда, молиявий ва иктисодий ҳаётчанлик, бажариш бўйича малаканинг мавжудлиги, жорий этиш имкониятлари, жойлашиш урни каби омиллар ҳамда танлашнинг бошқа мезонлари бўйича аниқланади. Лойиҳа таклифлари баҳоланганидан кейин тармок лимитлари, мақсадлари ва бошқалар асосида тоифалаштириш утказилади. Фақат маъқулланган лойиҳаларгина йиллик бюджетга киритилади (бир бюджет йилида ортиқ давомийликдаги лойиҳалар кейинги йилги бюджетга автоматик тартибда киритилади). Давлат инвестиция дастурларини шакллантириш 4-чизмада келтирилган.

Давлат инвестициялар дастурини шакллантириш жараёнидаги асосий камчиликларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- тармок вазирликлари берадиган инвестиция таклифларида ахборотларнинг етарли даражада аниқ ва сифатли булмаслиги;
- молиялаштириш имкони булган манбаларни топиш нуқтаи назаридан хорижий шериклар учун инвестиция таклифларининг жозибасизлиги, кулами кенглиги ва ойдин эмаслиги;
- купгина юкори ихтисослашган йирик лойихалар буйича талаб даражада тузилган ТИА ва батафсил тайёрланган сметаларнинг йуклиги;
- вазирликлар, вилоят хокимликларидаги инвестиция булимларининг етарли даражада махсус малакага эга эмаслиги;
- давлат компаниялари ва хусусий инвесторлар шерик булган кушма корхоналар, акциядорлик жамиятлари лойихалари мавжудлиги сабабли давлат инвестициялари соф хажимларининг бир кадар мавхум курсатилиши;
- жорий сарфлар ва лойихалардан кутиладиган даромадлар буйича харажатлар таркибининг тушунарсизлиги.

Давлат инвестициялари лойихаларини бахолаш ва танлаш жараёнида хар бир лойиха узига хос сифат томонлари буйича тахлил килинади, куйидаги мезонлар асосида рейтинг бахолаш утказилади ва баллар куйилади: лойиха буйича такдим килинган ахборотнинг сифати; лойиханинг миллий вазифалар ва максадларга мувофиқлиги; лойиханинг мойиллик томонлари; манфаатдор шахсларда лойихани бажариш учун малака ва билимларнинг борлиги; лойихадан куриладиган нафлар; лойиханинг молиявий ва иктисодий хаётчанлиги (агар ТИА утказилган булса); лойиханинг уртача йиллик эксплуатацияси харажатлари; лойиханинг атроф-мухитга ва ахолини иш билан таъминлашга таъсири.

Амалда купгина вазирликлар ва идоралар лойихаларнинг молиявий ва иктисодий тахлили буйича ахборотларни такдим этмайдилар. Давлат инвестициялар дастурига киритилган купгина лойихалар буйича молиялаштиришнинг таъминоти курсатилмайди, яъни улар аниқ тасдиғини топган молиялаштириш манбаларисиз дастурга киритилади. Одатда, давлат инвестициялар руйхатига киритилган лойихалар буйича молиялаштириш манбалари таркиби ва уларнинг нисбати тулик курсатилмайди.

Ўзбекистон Республикасида Давлат инвестициялар дастурларининг шаклланиши

Вазирликларда куйи булинмаларнинг инвестициялар буйича таклифлари анкеталарини саралаш-январ, феврал

Лойиха ташаббускорларининг
инвестиция таклифлари

Вазирликлар томонидан давлат инвестициялар дастурлари учун

Маблағ ажратиш лимитлари
(Иктисодиёт вазирлиги, Молия

лойихалар руйхатини тайёрлаш ва тармоқлар буйича ажратиладиган маблағ лимитларини белгилаш-март, апрел	вазирлиги, Марказий банк, Вазирлар Маҳкамаси)
Вазирликларда инвестиция таклифларини устуворлаштириш ва уларни Иктисодиёт вазирлигида саралаш-май	Лойихалар буйича таклифлар бериш (иктисодиёт вазирлиги)
Иктисодиёт вазирлиги компьютер тармоғида маълумотлар базасини ташкил қилиш-июн,июл	Лойиха буйича маълумотларни қиритиш (Иктисодиёт вазирлиги)
Давлат устуворликларига мувофик Иктисодиёт вазирлигида лойихалар экспертизаси ва танлови-август	Лойихаларни устуворлаштириш (маблағ ажратиш лимитлари) (Иктисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Вазирлар Маҳкамаси)
Давлат инвестиция дастурини тайёрлаш ва уни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш-сентябр	Давлат инвестициялар дастури лойихаси (Иктисодиёт вазирлиги)
Давлат инвестициялар дастури лойихасига Молия вазирлиги, Марказий банк, Вазирлар Маҳкамаси мажмуалари билан қелишувларни ҳисобга олган ҳолда узғаришлар қиритиш-сентябр, октябр	Биринчи бюджет йилида молиялаштириш манбаларини қелишиш
Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат инвестициялар дастурини тасдиқлаш-ноябр	Тасдиқланган давлат инвестициялар дастури

Хар бир лойиха буйича давлат инвестициялар дастурида, коида тарзида:

- давлат томонидан молиялаштириш (ҳукуматнинг молиялаштириш ва моддий активлар ажратиш буйича мажбуриятлари билан бирга) суммаси;
- уз маблағлари (махаллий шерикнинг ва чет эллик шерикнинг маблағлари алоҳида-алоҳида) суммаси курсатилади.

Тижорат кредитлари (мамлакатдаги ва хориждаги), ташки молиялаштириш каби манбаларга келганда эса, улар коида тарзида. Аник курсатилмай, четда қолади ва давлат инвестициялар дастурида молиялаштиришнинг етишмаган қисми курсатилади.

Лойихаларни молиялаштиришга йуналтириладиган молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш учун инвестиция лойихаларини саралашда улар устуворликлари ва мезонларини танлаш жараёнларини мукамаллаштириш талаб этилади.

4.4. Инвестиция лойихаларини атрофлича экспертиза қилиш ва таҳлил этиш чоғида республикадаги лойиха ташаббусқори нуқтаи назаридан асосий капитални такрор яратиш билан боғлиқ инвестиция сарфлари ҳисобига олинади. Инвестиция лойихалари тендери ҳам ТИА, қурилишнинг смета хужжатлари ва смета қиймати асосида жами харажатлар мажмуини ҳисобга олади. Инвестиция лойихаларининг иқтисодий ва молиявий таҳлили инвестициялар харажатларини ҳисобга олинади. Бизнингча, лойиха ташаббусқори чет эллик ҳамкор бўлган ҳолларда ва аралаш тарзда молиялаштириш усулларида фойдаланиш қўзда тутилганда молиялаштириш манбаларининг қийматини баҳолашни назарда тутиш муҳимдир. Инвестиция лойихалари тендерида ТИА, лойихада қўзда тутилган смета хужжатлари асосида барча сарфлар ҳисобига олинади. Асосий капитал олувчи (бўйртмачи) нуқтаи назаридан иш бутунлай бошқача тусда бўлади, унга булар қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинган ҳолда тушади, бу инвестиция қийматини сақлаш ва капиталлашувни таъминлаш нуқтаи назаридан, шунингдек, сарфларнинг қўпланиши нуқтаи назаридан қаралганда амалда лойиха курсатқичлари таъминланмайди. Бунинг инвестиция лойихаси амалга оширилгандан сўнг унинг қиймати ККС ставкаси миқдорида ошиши, лойиха курсатқичлари шунга мувофиқ тарзда пасайиши билан тушунтириш мумкин.

Шундай қилиб, комплекс экспертизада, лойиха қийматини баҳолашда, иқтисодий, молиявий ва бошқа таҳлилларда инвестиция фаолияти натижаларига ва қурилиш маҳсулотлари қийматида эгри солиқлар солиш ҳисобига олинмайди, бу эса инвестициялар сарфларини қўпайтиради ва инвестицияларнинг капиталлашуви даражасини пасайтиради. Буларнинг ҳаммаси капитал қийматини баҳолаш, лойихалар экспертизасини утқизиш ва саралаш, таҳлил қилишда инвестиция фаолиятини солиққа қўртиш натижаларини ҳисобга олишни талаб қилади.

Давлат инвестиция дастурларини тузишда моддий ва молия ресурсларини баланслаш масаласи эътибордан четда қолади. Ушбу инвестицияларнинг молиявий таъминоти дастурлари тузилмайди, ҳолбуки бу дастурларда инвестиция қарорларини қабул қилиш учун улардан ҳар бирининг қийматини баҳолаш мақсадларида турли ресурс манбалар нисбатларини аник-равшан белгилаш мумкин булар эди.

Давлат инвестиция дастурларини турли молиялаштириш манбалари тузилмалари билан баланслаштирилмаганлиги инвестицияларни амалда ушлаштириш натижаларининг истикбол курсатқичларидан фарқ қилишига

олиб келади. Масалан, 1999 йилда ҳукумат кафолатидаги чет эл инвестициялари ва кредитларининг амалда узлаштирилиши белгилангандан 53 фоизини, бевосита чет эл инвестициялари ва кредитларини узлаштириш эса атиги 32 фоизни ташкил қилди¹.

Бизнинг назаримизда, инвестициялар хусусидаги қарорлар, давлат инвестиция дастурлари менежментини ташкил қилиш, уларни молиялаштириш манбалари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш моддий ресурслари билан боғлиқликда олиб борилиши керак. Давлат инвестициялар дастурлари менежменти ресурсларни жалб қилиш географиясидан келиб чиққан ҳолда халқаро даражада амалга оширилиши лозим. Давлат даражасида инвестиция дастурларининг молиявий таъминлаш манбалари дастури ва уларни таъминлайдиган моддий ресурслар дастури тузилиши талаб этилади.

Таъкидлаб утилган нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Ташкилот Иқтисодий фаолият Миллий банкининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича халқаро институтлари билан олиб борган иш тажрибалари диққатга сазовордир. Банк халқаро молия институтлари билан аниқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилади. Ташкилот Иқтисодий фаолият Миллий банки инвестицияларнинг асосий оқими канали вазифасини бажариб, уларнинг тақсимооти ҳамда уларга хизмат курсатишда катнашиб тижорат банки ҳамда тикланиш ва тараккиёт банки белгиларини мужассам этади. Банк учун лойиҳавий молиялаштириш каби фаолият тури устувор ҳисобланади. Баҳолаш ва танлаб олишда иқтисодиётнинг устувор соҳаларида экспорт потенциалини устиришда ва импорт урнини босишда ёрдам берадиган, узини оқлайдиган, экологик тоза лойиҳалар маъқул қурилади. Бу банк тизимида чет эл кредитларини жалб қилиш ва фойдаланиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини саралаш бўйича катъий ва самарали тизим яратилган.

Иқтисодий ривожлантириш амалга оширишда Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараккиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, KFW банки ҳамда бошқалар кредит линиялари бериш йули билан ёрдам курсатади.

Лойиҳаларни таҳлил қилишда уларнинг барчаси ресурслардан фойдаланишнинг муқобил йулларини таққослашга Алоҳида аҳамият беради. Бундай усул қабул қилинадиган қарорларни асослаш имкониятларини яратиб, бу жараёнга аниқлик ва пухталиқ беради.

Қуриб чиқиладиган лойиҳаларнинг натижалари уларнинг миллий иқтисодиёт ривожланиши йуналишлари учун аҳамияти билан белгиланади. Муқобил вариантларни ҳисобга олиш жами лойиҳа цикли давомида, тармокни ривожлантириш режасини тузишдан бошлаб лойиҳани белгилаш ва уни баҳолашга қадар, лойиҳалар таҳлилининг энг муҳим томони ҳисобланади. Лойиҳа таҳлилининг узагини сарфлар-нафлар концепциясига таянадиган иқтисодий ва молиявий таҳлил ташкил қилади.

Ташкилот Иқтисодий фаолият Миллий банки лойиҳаларни танлаб олишда экспортга мулжалланган ва импорт урнини босадиган, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш ва уни қайта ишлашга асосланган корхоналарга афзаллик

беради. Тахлил ва танловда баҳолашни утказишни ва инвестиция лойиҳаларини қийлаштиришга ёрдам берадиган турли амалий компьютер программалари воситаларидан фойдаланилади.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган программалар воситалар пакетлари орасида

COMFAR (Computer Model for Feasibility Analysis and Reporting);

PROSPIN (Project Profile Screening and Pre-appraisal information system);

PROJECT EXPERT;

ТИА-ИНВЕСТ ва бошқаларни қўлатиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, шунини таъкидлаш жоизки, бу программалар воситалар тахлил ва баҳолаш жараёнларини тезлаштириш имкониятини бериш билан бирга, ҳар бири ўзига ҳос қатор чекланишларга эгадир.

4.5. Жаҳон банки баҳолашига қўра Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар бўйича экспорт таркиби ўзгарувчан бўлган. Мамлакатлар бўйича экспорт таркиби барқарорлашмаганлиги сабабли, лойиҳаларнинг экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга (хизмат қўлатишга) қаратилиши ва аниқ мамлакатлар бозорига йўналтирилиши Алоҳида аҳамият қўсб ўтади. Ўшбу муносабат билан, мамлакат экспортини ривожлантириш стратегияси масалаларини амалга оширишда, тадбир ўтказиладиган лойиҳалар маҳсулотлари бозорларини тўғри маркетинг тадқиқотлари асосида ўрганиш талаб қилинади. Лойиҳаларни баҳолаш, танловини ташкил ўтиш ва инвестициялар бўйича қарорлар қабул қилиш масалаларини мамлакат экспортини қўллаштиришнинг ўзқ муддатли стратегияси билан мувофиқлаштириш талаб ўтказилади.

Ўтказилган тадқиқот шундан қўлат берадики, республикада лойиҳаларни баҳолаш, тахлил қилиш, танловини ўтказиш ва қўллаштириш масалалари шаклланиш ҳамда тақомиллаштириш босқичида эканлигини қўсатади. Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва амалга ошириш самарадорлигини қўтариш мақсадларида лойиҳа қикли ҳамда лойиҳа тахлили бўйича жами ишлар мажмуини ягона давлат институти-Ўзбекистон қикланиш ва таракқиёт банки қиммасига юқлатиш зарур.

Давлат инвестициялар дастурига қўкат ТИА ўтказилган, қметалари тақдиқланган, муқобил қарорлар асосида, қўллаштириш манбалари билан аниқ таъминланиши белгиланган лойиҳаларни қиритиш лўзим. Лойиҳани танлаш тўғрисидаги қарор ҳар бир қўллаштириш манбаи қийматини Алоҳида баҳолаш ва жами инвестиция қаптали тўзилмаси қийматининг нархини аниқлаш асосида қабул қилиниши талаб ўтказилади. Инвестициялар хўсусидаги қарорлар, давлат инвестиция дастурлари менежментини ташкил қилиш, уларни қўллаштириш ресурслари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижаларини қелгўсида қўлиққа тортилишини ҳисобга олиб амалга оширилиши зарур. Шўбхасиз, инвестиция лойиҳаси остидаги моддий ресурслар менежменти қўграммаси давлат микёсида амалга оширилиши қерак. Ресурслар қўйилиш танловининг муқобил ўсулидан фойдаланиш мақкур жараёнга аниқлик ва равшанлик қиритади.

Давлат инвестиция дастурларига мукобил лойихаларгина киритилиши лозим. Лойихани танлаш хакидаги давлат қарори молиялаштиришнинг ҳар бир манбаи қийматини баҳолаш билан қушиб амалга оширилиши талаб қилинади.

Давлат бюджет маблағлари ажратиладиган лимитлар асосида тақсимлашдан босқичма-босқич воз кечишга туғри келади. Давлат бюджети маблағларидан қатъий мақсадли вазифалар бўйича, молия лизингини қуллашни кенгайтириш йули билан фойдаланишга утиш учун ҳамма асослар бор. Бунда инвестицияларни молиялаштириш учун йуналтириладиган ҳудди шу давлат бюджети маблағлари молиялаштириш манбалари бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари.

1. Республикада инвестиция дастурининг зарурий аҳамияти нимадан иборат?
2. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг аҳамиятини қандай тушунаси?
3. Инвестиция дастурининг асосий мақсади нималардан иборат?
4. Инвестиция дастурининг устувори йуналишлари нималардан иборат?
5. Дастурни амалга ошириш босқичларидан қандай вазифалар амалга оширилди?
6. Давлат инвестиция дастурлари қандай муддатларга мулжалланган?
7. Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби деганда нимани тушунаси?
8. Инвестиция дастурининг асосини ташкил этувчи ҳужжатларга нималар қиради?
9. Инвестиция лойихалари қиймати қандай аниқланади?
10. Инвестиция дастурини амалга оширилиши қандай баҳоланади?

5-МАВЗУ: Иқтисодиётда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти

РЕЖА:

- 5.1. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва мазмуни
- 5.2. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётдаги роли
- 5.3. +ўшма қорхоналар уларни ривожлантириш тартиби
- 5.4. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қорхоналарнинг аҳамияти

Адабиётлар: 6,7,8,10,14

Таянч иборалар: чет эл инвестициялари, халқаро кредит, ссуда маблағи, халқаро қўшма қорхоналар, инвестиция иқлими, инвестицион

инфратаркиб, эркин иктисодий макон, очик кредит линиялари, чет эл инвесторлари учун кушимча имтиёзлар, хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсир этувчи омиллар.

5.1. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг тажрибалари тасдиклашича инвестиция фаоллигини жонлантирадиган таъсирчан воситали булиб чет эл инвестицияларини кенг куламда киритиш хисобланади. Бирон бир чет эллик инвестор узга иктисодиётда узининг булажак инвестициялари ижобий натижалар беришига каттик ишонмас экан, инвестиция фаолиятига киришмайди. Бу уринда четдан жалбэтиладиган молиявий «инъекциялар» , биринчи навбатда, кабул килувчи мамлакат инвестиция мухитининг кулайлигига, узаро ишонч ва валютанинг эркин алмашувчанлигига боғлиқдир. Шунингдек, узаро хамкорликдан куриладиган манфаатдорлик ва тадбик этиладиган лойихаларнинг истикболлари хам хал килувчи ахамиятга эга булади.

Чет эл инвестициялари - инвесторлар фойда олиш максадида тадбиркорлик фаолиятига ва бошка турдаги фаолият объектларига кушаётган мулккий бойликларнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқларнинг барча турлари чет эл инвестициялари хисобланади.

Хорижга ссуда капитали чиқариш билан тадбиркорлик капитали чиқариш бир-биридан фаркланади. Ссуда капиталининг ташки иктисодий алоқалар соҳасидаги ҳаракати халқаро кредитлар соҳасидаги халқаро кредитлар шаклида амал килади, уларни ташки қарзлар деб хам юритилади.

Халқаро кредит - бир мамлакатдаги кредиторнинг бошка мамлакатдаги қарз олувчига қайтаришлик ва фоиз тулаш шартлари билан берадиган пул ёки товар қуринишидаги ссуда.

Ссуда маблағи (сармояси) - мамлакатнинг халқаро қарзлар, кредитлар шаклида чиқарадиган ссуда фоизи келтирадиган капитали. Халқаро кредит феодализм даврида пайдо булган. Монархлар харажатларини коплаш учун четдан қарзга маблағ олганлар.

Бевосита инвестицияларда асосий уринни транс миллий корпорациялар эгаллайди.

Чет эл инвестициялари буйича энг йирик экспортчи ва уларни олувчи АҚШ хисобланади. Иккинчи уринда Хитой туради.

Саноати ривожланган мамлакатлар ҳар доим жаҳон микёсидаги жамғармаларнинг жуда катта қисмидан фойдаланиб келади.

Купгина ривожланган мамлакатларда чет эл инвестициялар жуда кам, уртача сармоя захирасининг 11 % ташкил этади.

Кейинги вақтларда даромади паст булган мамлакатлар хусусий сармояни жалб этишда катта ҳажмларга эришди.

+ушма тадбиркорлик - бунда мустиқил қорхоналар ташкил этилади, мулк, даромад барча иштирокчилар уртасида тақсимланади.

Халқаро қўшма корхоналар - унинг муассасалари икки ёки ундан ортиқ давлатларда рўйхатга олинган бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига қўра республикада чет эллик инвесторларнинг фаолияти учун қўлай шароитлар яратилмоқда.

Чет эллик инвесторларга кенг қўғолатлар яратилган:

- олинган фойда ва бошқа маблагларни чет эл валютасида чет элга ўтказиш;

- фойдани республика ҳудудида қайта инвестиция қилиш;

- фойда солиғи, ер солиғи бўйича бюджетга туланадиган туловларни икки йилгача кечиктириш;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ҳеч қандай лицензиясиз олиб чиқиб кетиш ва бошқалар.

5.2. Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлидан бориб, муқоҳар равишда, қадам-бақадам жаҳон ҳужалиғи алоқаларига қўшилмоқда. Бу ҳолат умумжаҳон жараёнлари ва тамойиллари, шу жумладан бизнинг инвестиция сиёсатимиз шаклланишига таъсир қўлатишини атроқлиқ ҳисобга олинишини талаб қилади.

Бевосита хорижий инвестициялар ҳажмлари тобора қўпайиб бораётгани, сармоя жалб этиш учун рақобат қўчаяётгани ҳозирги замоннинг ўстувор тамойилларидир. Республикамиз ўз муқтақилиғини қўлга қиритқач бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётни шакллантирмоқда. Бу ҳол мамлақатда юзага келтирилган инвестиция муҳити ва мамлақат инвестиция жўзибадорлиғининг энг муҳим омили бўлиб қолади., чўнки айни шу муҳит инвесторлар йўл қўядиган ҳатар қанқалиқ қатта деган саволга жаваб беради.

Ў ёки бу мамлақат учун инвестиция ҳатарларини баҳолаш ҳамда уларни таққослаш билан қўплаб машҳур халқаро молия муассасалари (Стандарт энд Пўрз, Мудиз, Юропиен Интеллидженс Юнит, ЕТТБ) шуғўлланади. Бирок, таҳлил воситалари қанқалиқ ривожланган бўлмасин, бундай актив баҳо берилишига қўғолат йўқ. Гап шўндаки, қўп ҳолларда ривожланиб келаётган мамлақатлар ҳамда ўтиш иқтисодиётини бошдан кечираётган Ўзбекистон қаби давлатларда андозали ўлўбиятларни қўллаш имқонини бермайдиган бир қанча ўзига ҳос ҳўсўсиятлар бор. Бўндан ташқари. иқтисодий статистикалар таққосланиши мўмқин ёки мўмқин эмаслиғи ва ҳатто айрим маълўмотлар йўқлиғи муаммолари ўз таъсирини қўрсатмоқда. Ўзбекистонда иқтисодий сиёсат ўзидағи яққол қўзга ташланувчи индўстриал ўстуворликлар билан ажралиб туради. Бўнда хорижий инвестициялар ва қўредитларга қатта роль ажратилган 2003 йил яқўнларига қўра мамлақат иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар ҳажми қарийиб 2 триллион сўмга етди. Бу қўрсатқич 2002 йилга қараганда 4,5% га қўп демақдир. Бўнда хориж инвестициялари ва қўредитларининг умўмий миқдори 602,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Тўғридан тўғри қиритилаётган чет эл сармоялари қўредитлари қарийиб 1,6 марта қўпайди. 2003 йилда иқтисодиётимизнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим тармоқларида йирик лўйиҳаларни амалга ошириш ишлари таъминланди. Бўлар қаторига «Шўртан» газ қўнденсат қўнида қўрилган қўмпрессор станциясини, Шимўлий ўрта бўлок қўнида ва Фарғўнадағи

«Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишга тушрилган янги қувватларни киритиш мумкин.

Кичик ва урта тадбиркорлик ривожланиши истикболлари бу соҳага хорижий ва халқаро муассасаларнинг қушимча маблағлари ёрдамида ташкил этилаётган қушма корхоналар барпо этилишига боғлиқ

Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон бозорига қушилиши учун хорижий инвестициялари катта аҳамиятга эга. Республикамизда бир қатор амалий тадбирлар амалга оширилиши натижасида ташқи иқтисодий фаолият бир мунча фаоллашди. Жумладан, 2003 йил якунларига қура ташқи савдо айланмаси ҳажми 17,3%, экспорт ҳажми 24,6% фоиз ўсиб ташқи савдо айланмасида 760 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда ижобий савдога эришилди.

5.3. Республикада ташкил этилаётган қушма корхоналар экспорт имкониятларини оширишмоқдалар. Ҳозир Ўзбекистонда бу борада истикболли бўлган қўпгина лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Германиянинг Salamander AG фирмаси ва Ўзбекенгилсаноат (Фарғона пойабзал фабрикаси) негизида қушма корхона ташкил этилганини ва Шуртан газ қимё мажмуасини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон учун янги тармоқларни қарор топтирган бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилди. Бироқ ўзқ муддатли истикболлар имкониятлари ҳали тугаганича йўқ. Иқтисодиётни комплекс тарзда тарқибан қайта қуришга қаратилган муҳим инвестиция дастурларини амалга ошириш давом этмоқда. Инфратарқиб базасини (халқаро миқёсдаги транспорт ва коммуникация тизимларини) ривожлантириш билан бир вақтда саноат соҳасида лойиҳалар тайёрланаяпти. Бундай лойиҳаларнинг Ўзбекистон учун аҳамияти ниҳоятда улкан. Зеро, уларнинг бош самараси - импорт уринни босадиган ва жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган, юқори даражада қайта ишланадиган ва пировард истеъмолчига тайёр ҳолатга етказиб бериладиган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини локаллаштиришга қодир бўлган амалда тайёр технологик занжирларни нисбатан қисқа вақт ичида барпо этишдир.

Фаолиятнинг ҳар қандай соҳасидаги тарққиёт унга ҳос бўлган зиддиятларни ҳал этишнинг диалектик жараёни қурилишида тасаввур қилиниши мумкин. Хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳудди шунга ухшаш.

Бугунги кунда Республиканинг барча вилоятларида хорижий инвестициялар оқимини киритиш ва қучайтириш учун инвестиция фаолиятига мос қелувчи инфратарқиб ривожлантириш давр талабидир. Шу муносабат билан бизнингча, маҳаллий бошқарув органларига (улар вақолатлари доирасида) чет эллик инвесторлар учун қушимча имтиёз ва рақбатлар жорий этиш ҳуқуқи берилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ эркин иқтисодий маконлар туғрисидаги қонун ҳуқуқий база бўлиб хизмат қила олади.

Ҳозирги кунда республикада шундай вазият вужудга қелганки, бунда чет эл инвестицияларига талаб қучилилигига қарамай, хорижий давлатлар,

халқаро молия муассасалари республикамизда очган кредит линияларидан тула-туқис фойдаланилмаяпти. Бунга асосий сабаб маҳаллий лойиҳалаш ташкилотларида жаҳон амалиёти талабларига жавоб берадиган даражада инвестициядан олдинги тадқиқотлар утқазиш, техник-иқтисодий асосномалар, бизнес-режалар ишлаб чиқиш борасида тегишли тажриба йўқлиғидир.

5.4. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш, инвесторларни ахборот билан таъминловчи ягона тизим барпо этиш билан боғлиқ ишларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларни амалга ошириш механизмлари янада такомиллаштирилиши анча катта аҳамиятга эга. Инвесторлар Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар қандай бораётгани ва унинг йўналишлари, жамиятимиз таракқиётининг макроиқтисодий курсаткичлари, қонун ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек йуриқнома ҳамда ахборот-билдирув туғридаги материаллар туғрисида тулиқ ва тезкор маълумотларга муҳтож бўлиб турибдилар.

Шу муносабат билан республикада ҳисоб юритиш ва ҳисоб тизими самарадорлиғи оширилиш зарурлиғига эътиборни қаратиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Статистика ҳисоботлари кечикиши, қўп ҳолларда халқаро андозаларга мос келмаслиғи натижасида маълумотларни таққослашнинг иложи йўқ. Бу эса, хорижий инвесторлар қарор қабул қилишига жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Хорижий инвестициялар жалб этилиши самарадорлиғига таъсир қўсатувчи юқоридаги айтилган ва бошқа муаммолар ҳал этилса, шак-шубҳасиз, миллий иқтисодиёт усиши ҳамда жаҳон ҳужалиғига силлиқ қириб бориши учун қўшимча рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш имқонияти яратилади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мамлакат бозорларини товарлар ва хизматлар билан тулдириш ҳамда жаҳон ҳамжамятига қўшилишини таъминлаш имқонини бермоқда.

Республика ҳуқумати бевосита чет эл инвестицияларини жалб этиш ва қўшма корхоналарни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Мустақиллик йилларида 12 млрд. А+Ш долларидан қўпроқ чет эл инвестициялари ва кредитлари жалб қилинди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар сони мустақиллик йилларида 31 мартадан ортиқ қўпайди, уларнинг экспорти 9,3 марта ўсди, умумий экспортда унинг ҳиссаси 14 фоизга етди. Чет эл инвестициялари учун ёқилғи-энергетика комплекси, автомобилсозлик ва маиший электроника, олтин қазиб олиш асосий тармоқларига айланди.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида қўшма корхоналар ташкил қилиш йўли билан Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларининг қириб қелишини ошириш назарда тутилади. 2001-2005 йилларда республикада 343 та қўшма корхона ташкил қилиш мулжалланади. Уларнинг 39 таси Фарғона вилоятида, 37 таси +ашқадарё, 34 таси Андижон, 33 таси Самарқанд ва яна 33 таси +ораклпоғитонда барпо этилади.

+ишлок жойларида 2001-2005 йилларда ташкил этиладиган чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари уч йил муддатга фойда солиғидан озод қилинади. Бу муддат утиб булганидан кейин икки йил давомида бундай қўшма корхоналар учун фойда солиғи амалдаги солиқ ставкаларининг 50 фоизи миқдорида белгиланади. Бу қарорни амалга ошириш мамлакат минтақаларида экспортга мулжалланган ишлаб чиқаришни ташкил этишда чет эл инвестицияларини жалб қилишни янада рағбатлантиришга қаратилган.

қўшма корхоналарни барпо этиш қўйидагиларни назарда тутди: миллий табиий бойликларидан фойдаланиш; янги объектлар қуриш, демак давлат ресурслари ва кредитларидан фойдаланиш; давлат қароватларини ташкил қилиш, имтиёзлар бериш; инвесторларнинг алоқа воситалари, транспорт, нефтни қайта ишлаш, тоғ-қон саноати, қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришга кириб боришга имконият бериш; хорижий шерикларга фаолият эркинлигини яратиб бериш.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ +ИЛИШ САВОЛЛАРИ

1. Хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва иқтисодий мазмуни нималардан иборат?
2. Халқаро кредит деганда нимани тушунасиш?
3. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётдаги роли нималардан иборат ?
4. Қўшма корхоналар, уларни ривожлантириш истикболлари қандай?
5. Хорижий инвестициялар учун яратилган имтиёзлар деганда нимани тушунасиш?
6. Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг узиға ҳос хусусиятлари деганда нимани тушунасиш?
7. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг аҳамияти нимадан иборат?
8. қишлоқ жойларида ташкил этиладиган қўшма корхоналарға қандай қулайликлар мавжуд?
9. Республикада қўшма корхоналарни барпо этишдан мақсад нима?

6-МАНВЗУ: Реал инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий тамойиллари ва манбалари

РЕЖА:

6.1. Реал инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг моҳияти ва туркумлиниши.

6.2. Капитал қўйилмаларни молиялаштиришда тижорат банкларининг аҳамияти.

6.3. Тижорат банкларини инвестицион фаолият олиб боришининг асосий мақсади.

6.4. Инвестиция ва даромадларни дисконтлаштириш.

Адабиётлар: 1,4,5,9,14

Таянч иборалар: Реал инвестициялар, риск даражаси, капитал бозори, қарз маблағи, инвестиция капитали, асосий капитал, айланма капитал банк кредити, ликвидлиги, кредитор, кредит шартномаси, уртача йиллик инвестиция миқдори, дисконтлаштириш.

6.1. Хар қандай фирмалар фаолиятининг асосини инвестиция операциялари ташкил этади. Тижорат амалиётида инвестицияларнинг қўйидаги уч шакли узаро фаркланади:

- физик активларга қилинган инвестициялар
- пул активларига қилинган инвестициялар
- номоддий активларга қилинган инвестициялар.

Физик активлар деганда асосий ишлаб чиқариш воситалари яъни ишлаб чиқариш бинолар, иншоотлар ҳамда хар қандай машина ва ускуналар тушунилади. Физик активларга қилинадиган инвестицияларни эса реал инвестициялар деб аталади. Реал инвестицияларни нима мақсад учун берилганлигига қараб қўйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

I. Иқтисодий самарадорликни ошириш учун қилинадиган инвестициялар. Бу инвестицияларнинг асосий мақсади бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

1) Фирмаларнинг ускуналарини алмаштириш; 2) Фирмада ишлаётган ходимларнинг малакасини ошириш; 3) Ишлаб чиқариш қувватларини самарали ҳудудларга қучириш.

II. Ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш учун қилинадиган инвестициялар. Бунда бозорларни кенгайтириш натижасида мавжуд қувватларини ошириш мақсад қилиб қўйилади.

III. Янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш учун сарф этиладиган инвестициялар. Бунда олдин ишлаб чиқарилмаган товарлар ва қўрсатилмаган хизматлар турларини вужудга келтириш қўзда тутилади.

IV. Давлат талабларини бажариш учун қилинадиган инвестициялар. Масалан, экология ва маҳсулот стандартлари талабларини бажариш учун сарфланадиган инвестициялар.

Бозорда аввал маълум булмаган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва бунга инвестиция сарфи катта таваккалчиликни талаб қилади. Инвестицияларни сарф қилиш бир қараганда фирмаларнинг хоҳишига боғлиқдек туюлади. Аслида эса ҳар қандай фирма оқимга қарши сузиш шароитида, яъни рақобат шароитида фаолият юритади.

Иқтисодийнинг инвестиция фаоллиги, инвестицияларнинг молиявий манбалар билан таъминланиши асосан жамғармалар даражаси ва уларнинг ортиб бориш суръатларига боғлиқдир. Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий узиш, қўп укладли иқтисодийнинг шаклланиши ва тузилмавий узгартиришлар, хусусий қорхоналар ҳиссаси ортиб бораётган шароитда Ўзбекистонда ЯИМнинг барқарорлиги қўзғатилмоқда. Инвестициялар муайян маънода қўлдан қўйдаланиш қўли, уларнинг қўйда қелтириш қобилиятини аниқлаш, шулар билан бирга инвестицияланиши қисқлар билан боғлиқ манбаларга йўл очқлигини тадқиқ этишдир. Қўрсатиб қўтилган нўқтаи назарлардан қўлнинг даромад қелтириш қобилияти уларнинг қўшумлари манбалари ва уларни қўллаш йўналишлари билан боғлиқ. Инвестициялар қийматининг нақадар самара қелтириш йўналишларини аниқлаш асосида улар манбаларининг ишўнқчилигини танлаб олиш, инвестициялаш билан боғлиқ аниқ ва нўаниқ қисқларни улқаш билан боғлиқдир. Қапталнинг даромадлар қелтириш имқонияти улар қеладиган манбалар ва улар ишлатиладиган йўналишлар билан боғлиқдир. 3–қизмада реал активларни инвестициялашга сақарбар этилган манбаларнинг ишўнқчилиги билан инвестициялаш йўналишлари уртасидаги узвий боғлиқликлар қелтирилган.

Инвестицияларнинг мазмўни аниқ ва ишўнқли манбалардан маблаглар олиш, уларни асосли ҳолда сақарбар этиш, қисқлар даражасини ҳисобга олган ҳолда қаптал қийматини сақлаш ва қўзланган самарани олишдан иборат бўлади. Ана шу белгиларга қўра, инвестициялар бошқа қўйилмалардан мазмўнан фарқ қилади. Бўлар барқасининг асосида қапталнинг ҳаракатланиш жараёни ётади. Қапталнинг эса ҳаракат қилиш жараёнига жалб этилиши инвестицияларнинг моҳиятини ақс эттиради. Инвестициялаш жўрий қийматни сақлаш, қелгўси жамғармаларини таъминлаш мақсадида қапталлашўвга қаратилади.

У.Ф.Шарп ва бошқалар инвестицияларни қелажакдаги бойликка эришиш ўчўн бўгўнги, ҳўзирги муайян бойликдан вўз қечиш тарзида таърифлайдилар. Улар инвестициялаш атамаси мазмўнини «қелажакда қўйда олиш йўлида бўгўн қўл билан ҳайрлашиш» да қўрадилар.

Уларнинг фикрига қўра, маблагларни ё реал активларга ёки молиявий активларга инвестициялаш мўмқин. Бўнинг барқа асосида қаптал ҳаракати жараёни ётади. Демақ, инвестициялар мазмўни уларнинг моҳиятини ақс эттирадиган қаптал ҳаракати жараёнларига тўртилиши бўлиб қикади. Инвестициялаш мақсади эса уларнинг жўрий қийматини сақлаш, қелажакдаги жамғариш мақсадларида қапталлашўвини таъминлаш.

Инвестициялаш манбалари, йуналишлари ва инвестицияларга эришиш мақсадлари уртасидаги узвий боғланиш



Шундай қилиб инвестициялар назарда тутилган ва тутилмаган, аммо эҳтимоли бор рисклар ҳамда қузланаётган самараларни баҳолаш асосида, уз ва узга маблағлар кийматининг капиталлашуви ҳамда жамғарилишини таъминлаш мақсадида реал активларга боғланишидан далолат беради.

Бунда инвесторнинг жорий даврда мавжуд маблағларни истеъмолга фойдаланишдан воз кечганлигини компенсациялаш, келгуси даврда инфляциядан йукотишларининг қопланиши рискига муқофот бериш учун капитал усиши етарли булиши керак.

Биз ифодалаб берган таърифда инвестицияларнинг қуйидаги ғоят муҳим сифат тавсифлари акс этади:

- молиялаштириш манбаларининг қулга қиритилиши мумкинлиги ва ишончлилиги;
- келгусидаги киймат эвазига жорий истеъмолдан воз кечиш;
- инвестицияларни аниқ, ноаниқ рисклар билан онгли ҳолда боғлаш ва молиявий оқибатларни башорат қилиш;
- реал ва молиявий активларга эга булиш йули билан инвестицияларни капитал ҳаракатланиш жараёнларига боғлаш.

- инвестициялар ликвидлилигини ҳисобга олган ҳолда уларни муайян муддатларга сафарбар қилиш;

- диверсификациялаш орқали инвестициялаш мақсадларини уйғунлаштириш;

- инвестицияларнинг капиталлашуви ва жамғарилиши.

6.2. Ривожланган иктисодиётда тижорат банклари уз фаолиятини доимий равишда усиб боровчи ракобат шароитида амалга оширилади. Улар узаро ва бошқа кредит – молия муассасалари билан, шу жумладан . охириги вақтда таклиф этилаётган ҳар хил янги хизмат турларини амалга оширувчи хорижий банклар билан ракобатлашади.

+аттиқкул ракобат шароитида тижорат банклари фаолиятининг асосий йуналишларидан бири инвестициядан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

Инвестиция – бу хусусий, давлат корхоналари ва ташкилотлари қимматли қоғозларига узок муддатга қуйилган маблағлардир. Тижорат банклари кредити инвестициясидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, банк кредит берганда, банк маблағларини нисбатан қисқа вақт ичида фойдаланишга беради ва кредит суммаси ҳамда у бўйича фоиз ставкасини уз вақтида қайтаришни талаб қилади. Инвестицияда эса қуйилган маблағлар (қуйилмалар) ҳали уз эгасига қайтиб қелишидан олдин узок давр мобайнида банкка даромад олиб қелишини билдиради.

Иккинчидан, банк кредитла кредит муносабатларини юзага келтириш бўйича ташаббус қарз оловчи томонидан уртага ташланадиган бўлса, инвестицияда эса қимматли қоғозлар бозорида активларни сотиб олишга интилувчи тижорат банки ташаббус қурсатади.

Учинчидан, банкнинг кредит шартномасида банк қам миқдордаги кредиторлар орасида асосийдир. Инвестицион шартномаларда эса тижорат банки қўлаб кредиторлардан биридир.

Туртинчидан, банк кредитида банк ва қарз оловчи бевосита кредит шартнома орқали боғланган бўлиб, уларнинг фаолиятига ҳеч қим аралашмайди. Инвестицияда эса турли хил қимматли қоғозлар орқали корхона, ташкилотларнинг фаолияти билан банкнинг фаолияти боғланиб кетади. Бу ҳолат бугунги кунда инвестициялашда банк кредитларининг аҳамияти ошиб бораётганлигидан далолат беради.

6.3. Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолият олиб боришдан асосий мақсад уларнинг даромадлилиги ва ликвидлилигини (банкнинг фаолияти бўйича мажбуриятларини уз вақтида қажара олиш қобилияти) таъминлашдан иборат. Ривожланган мамлакатлар иктисодиётида тижорат банкларининг инвестиция қиёсати банк фаолиятининг асосий йуналишларидан бири ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлилигини таъминлайди. Банкларнинг инвестицион фаолияти турли хил қимматбаҳо қоғозлар: оддий ва имтиёзли акциялар, облигациялар, давлат қарздорлик мажбуриятлари, депозит сертификатлари, вексель ва бошқаларга маблағларини қуйиш орқали амалга оширилади.

Алохида олинган давлатларда банклар тизимининг ривожланиши ва банклар утказадиган операцияларнинг турлари ва куламига караб уларнинг инвестицион фаолияти турли йуналишларга қаратилган бўлиши ва шу операциялар турлари бўйича олинадиган даромад салмоғи ҳам турли хил бўлиши мумкин.

Масалан, Америка банклари амалиётида давлатнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматли қоғозларига инвестиция қилиш одатда қам даромад келтирилади, аммо улар юқори ликвидликка эга ва улар бўйича туланмаслик rischi нолга тенг бўлиб, бозор ставкасининг ўзгариш rischi ҳам қичик бўлган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Ўзққ муддатли қимматли қоғозлар юқори даромад келтиради, шунинг учун банклар уларни муддатли тугагунча сақлашади. Банклар ўз маблагларини муниципалитетларнинг қимматбаҳо қоғозларига ҳам қўйишади, чунки улар бўйича туланадиган фоиз солиққа тортилмайди.

Ўз ликвидлилигини таъминлаш мақсадида банклар унча қатта бўлмаган суммани бошқа қимматли қоғозлар: банк акцептлари, қимматли қоғозлар бозоридаги тижорат қоғозлари, брокерлик ссудалар ва товар-кредит корпорациялари сертификатларига қўйишади.

Даромадлиликни таъминлаш мақсадида, лекин ликвидлигини ҳавф остига қўйган ҳолда банклар ўз маблагларини баъзи бир ҳукумат муассасалари облигацияларига инвестиция қиладилар.

Ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг инвестицион фаолияти даромад келтириши нуқтаи назаридан банк даромади таркибида кредит фоизидан кейинги иккинчи манба ҳисобланади.

Тижорат банклари инвестицион фаолиятининг даромадлилик даражасига бир қатор иқтисодий ва ташкилий омиллар таъсир қўрсади. Бу омиллар ва асосийлари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин. Булар:

- давлатнинг барқарор ривожланувчи иқтисодиёти;
- товар ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасидаги турли мулкчилик шакллариининг мавжудлиги, шу жумладан банк фаолиятига хусусий ва акционер мулк шакллариининг устиворлиги;
- кредит-молия тизимининг бир меъёрда ва аниқ фаолият юритувчи структурасининг мавжудлиги;
- қимматбаҳо қоғозлар бозорининг замоанвий ва ривожланган муассасаларининг мавжудлиги;
- қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари фаолиятини назорат қилувчи қонуний актлар ва тартибларнинг мавжудлиги;
- тижорат банкларининг халқаро инвестицион фаолиятини юритиш амалиётида бўлган юқори сифатли қимматли қоғозлар муомаласининг амал қилиши;

- инвестицион фаолият соҳаси ва қимматли қоғозлар бозори учун мулжалланган юқори малакали мутахассислар ва тадбиркорларнинг мавжудлиги, уларни тайёрлаш ва б.

Алоҳида олинган қимматли қоғозлар тури ва гуруҳларнинг даромадлилиги банкларнинг инвестиция портфелининг бозор баҳосига боғлиқ бўлади. Охирги уз навбатида қуйидаги **омиллар** таъсирида узғариб туради. Булар:

- облигацияларнинг фоиз ставкалари, ҳисобга олинган фоизлар, векселлар бўйича фоизлар, акция бўйича дивидентлар ва қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифлардир.

Одатда қимматли қоғозларнинг бозор нархи ва ундан тижорат банклари оладиган даромад бир-бирига тескари мутаносибликдадир. қимматли қоғозлар баҳоси паст бўлганда улардан келадиган даромад юқори ва аксинча бўлиши мумкин. Шунинг учун қимматли қоғозлар бўйича фоиз кичик бўлганда, уларни сотиб олувчи инвестор фоиз ставкалари ошганда қимматли қоғозларни реал бозор қийматининг пасайиши муомаласи билан дуч келишлари мумкин.

Шундай қилиб, фоиз ставкаларининг ошуви салбий ва ижтимоий томонларга эга бўлади.

+қимматли қоғозларнинг фоиз ставкалари ошганда маблағларни инвестиция қилиш банкка фойда келтириши мумкин, Аммо юқори фоиз ставкалари уз навбатида банкнинг инвестиция портфелининг кардсизланишини билдиради. Бундай ҳолат қимматли қоғозлар бозорида юз берганда, амалиётида банкнинг инвестицион маблағлари боғланган ёки «ёпилган» дейилади.

+қимматли қоғозларнинг алоҳида турлари бўйича даромадлиқ даражаси фоиз ставкасининг узғариши билан боғлиқ бўлган ҳолларда қимматли қоғозларнинг муддати муҳим урин тутди, қимматбаҳо қоғознинг амал қилиш муддати қанчалик қисқа бўлса, Унинг баҳоси ҳам шунчалик барқарор, аксинча, муддати қанчалик узок бўлса, ушанчалик фоиз ставкалари даражаси узғариши тебранишлар таъсирига учрайди.

+қимматли қоғозлар нархлари орасидаги манфий фарқ уларнинг муддатига қараб турлича бўлиши қисқа муддатли қимматли қоғозлар узок муддатлиларига қараганда миқдорларда купрок қизиқиш уйғотиши мумкин.

6.4. Кичик бизнесда унинг молия ресурслари ичида катта ҳажмда нақд пуллар бўлиши мумкин. Шунинг учун пул масаласини сотиб олиш қобилиятини аниқлашда муҳими вақт омилини олишдир. Пул воситалари бир хил номинал қийматга эга бўла туриб ҳозирги вақтда ва маълум вақт утганда ҳар хил сотиб олиш қобилиятига эга бўлади. Масалан: уртача йиллик инвестиция миқдори 15 фоиз бўлганда, йил бошидаги пул массаси 10 миллион сум бўлса уни сотиб олиш қобилияти 8 млн. 500 минг сум бўлади. Шунинг учун ишбилармон иложи борица нақд пулни қамрок ушлаб туриши, уларни айланишига қиритиши қерак. Пуллар иложи борица тезрок янги пул маблағларини келтириши муҳимдир.

Пулларни ишлатиш усуллариининг энг соддаси – уларни банкда саклашдир, бунинг учун омонатчи муддатли ва муддатсиз омонатлари учун фоиз олади. Товар ишлаш, хизмат курсатиш, янги махсулот яратиш, кимматбаҳо коғозлар сотиб олиш ва бошқалар учун инвестицияни ишлатиш, факат банкда сакланганда юкори дисконт ставкаси буйича тоза (соликларни тулагандан сунг) фойда олиш мумкин булганда афзалрокдир.

Дисконтлаштириш – бу хар хил йиллардаги иктисодий курсаткичларни вақт буйича солиштириш турига келтиришдир. Ушбу операция шунга асосланганки, хар кандай келажакда олинадиган пул пул маблағи айланишга киритилиб, фойда келтиришга мажбур килинса, унда уч йилдан сунг пул миқдори факатгина сакланиб қолмасдан балки купайиши ҳам мумкин. Инвестициялардан келадиган даромадни дисконтлаштириш – бу келажакда олинадиган умумий пул қийматини ҳозирги пул қийматига нисбатан аниқлашдир.

Устирилган пулни аниқлаш ва дисконтни ҳисобга олиб қушимча даромадни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$F_{скРс}(1+I)^n$$

Бу ерда: $F_{ск}$ – келажакдаги пул маблағи (қутилган қиймати), сумда.

$R_{с}$ – пулнинг бошланғич (ҳозирги, жорий) қиймати, сумда.

$(1+i)$ – дисконт коэффициенти, яъни даромадли меъёриёки фоиз қийматининг биринчи булаг.

n – даромадни жамғарилишидаги йиллар сони ёки капитал айланишларни сони.

$$D_{кРс} (1+i)^n - R_{с}$$

Бу ерда: D – қушимча даромад, сум

Мисол. Иккита вариантдаги инвестициялаш фараз қилинади. Биринчи вариант буйича агар 100 минг сум маблағ киритилиб, хар йили 10 фоиздан фойда олинса, режалаштирилган даромад: 100 млн. сум $\times (100\%+10\%)^1$ ёки шу 100 млн. сум $\times (1+0,1)^{11}$ 110 млн. сум. Икки йилдан сунг 100 млн. $\times (1+0,1)^1$ 121 сум ва ҳоказо.

Иккинчи вариант буйича 100 млн. сум киритилса, даромад 3 ойдан сунг 2,5 фоизга тенг булади. Иккинчи вариант фойдалирокдир, чунки 3 ойдан кейинги даромадни олию яна айланишга киритилса қушимча даромад келтириши мумкин.

Бир йилда турт маротаба айланса 100 млн. сум $\times (1+0,025)^{12}$ 110,38 млн. сум даромад олинади. Икки йилдан сунг – 100 млн. сум $\times (1+0,025)^{24}$ 121,64 млн. сум.

Биринчи ҳолатдаги қушимча даромад биринчи йилда 100 млн. сум $(1+0,1)-100$ млн. сум к 10 млн. сумга. Иккинчи йилда 100 млн. $(1+0,1)^2-100$ млн. сум к 21 млн. сум. Иккинчи вариантда юкоридаги миқдорлар 10,38 млн. сум ва 21,64 млн. сумга тенг.

Мураккаб фоизлар формуласи аввалги Бошланғич микдорини хисоблашга P_c ни фоиз кийматини аниклашга имкон яратади. Шундай қилиб:

$$P_{sk}F_c/P_c(1+i)^n;$$

$$i_kF_c/P_c-1$$

Мисол: уч йилдан сунг 100 млн. сумга эга бўлиши хоҳлаган инвестор банкка маълум микдордаги пул маблағини 150 фоиз йиллик даромад билан қуйди.

Ушбу маблағнинг микдори канча бўлмоғи керак?

$$P_{sk}100\text{млн. сум} / (1+1,5) \text{ к } 6,4 \text{ млн. сум.}$$

Демак дастлабки қуйилган маблағ 6,4 млн. сумга тенг бўлиши керак.

Бошқа инвестор 300 млн. сумга эга. У бу микдорни икки йилдан сунг 6 марта қупайтириш ниятида, шунинг учун кандай йиллик даромад фоизи билан уз молиявий ресурсларини қуйиши керак.

$$i_k(1800 \text{ минг сум}/300 \text{ минг сум}) - 1 \text{ к } 1,45 \text{ ёки } 145\%$$

Шундай қилиб қуйилган масалани ечиш учун капитални банкка компанияга йиллик даромади 145 фоиздан кам бўлмаган улчамда қуйиш зарур.

УЗ-УЗИНИ НАЗОРАТ +ИЛИШ САВОЛЛАРИ

1. Физик активлик нима?
2. Реал инвестициялар асосан қайси соҳада ишлатилади?
3. Реал инвестицияларни нима мақсадда сафланиши кандай гуруҳларга бўлинади?
4. Реал инвестицияларни молиялаш манбалари кандай туркумланади?
5. Капитал қуйилмаларни молиялаштиришда тижорат банкларининг аҳамияти нимадан иборат?
6. Банк кредитларининг инвестициялардан фарқи нимада?
7. Тижорат банкларининг инвестицион фаолияти олиб боришдан мақсади нима?
8. Инвестициялар самарадорлиги нима мақсадда аникланади?
9. Дисконтлаштириш деганда нимани тушунасиш?
10. Дисконтлаштиришга аник мисоллар ечимини келтиринг.

7-МАВЗУ: Инвестиция фаолиятида капитал курилиш

РЕЖА:

- 7.1. Капитал курилишнинг моҳияти
- 7.2. Ишлаб чиқариш кувватлари ва асосий фондларнинг ишга туширилишини тартибга солиш.
- 7.3. Капитал қуйилмалар ҳажми ва йуналишларини аниқлаш
- 7.4. Капитал қуйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги курсаткичлари.
- 7.5. Капитал курилишнинг босқичлари ва муддати.

Адабиётлар: 1,6,8,14,15

Таянч иборалар: капитал курилиши, инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, қайта жихозлаш, курилиши мажмуаси, пудрат, субпудрат, капитал қуйилмалар, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари, капитал қуйилмалар қайтиши, технологик таркиб, буюртмалаштирилган таркиб, такрор ишлаб чиқарилган таркиб, ҳудудлар бўйича таркиб, тармоқлар бўйича таркиб, умум мутлак самарадорлик курсаткичлари, киёсий-иқтисодий самарадорлик курсаткичлари.

7.1. Инвестиция сиёсати капитал курилиш билан боғлиқ бўлган сиёсатдир. Иқтисодий ва ижтимоий ушшани таъминлаш, халқ ҳужалигида бозор меҳанизми талаблари асосида чуқур таркибий узгартириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва қайта жихозлаш фаол инвестиция, яъни капитал курилиш сиёсатини юритишни тақозо этади. Шундай қилиб, ҳозирги инвестиция сиёсати ишлаб чиқариш моддий базаси ва таркибини сифат жиҳатдан янгилашга қаратилганлиги билан тавсифланади. Унинг яна бир муҳим хусусияти капитал маблағларни энди янги курилишлардан қура қайта жихозлашга ҳамда уй-жой, соғлиқни сақлаш, маориф ва маданият объектларига йуналтирилганлиги билан ифодаланади. Иқтисодиётда таркибий узгаришлар инвестиция фаолиятига янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Бундай ёндашув қуйидаги қоидалардан қелиб қикмоқда:

- инвестиция талабини фаоллаштириш, инвестиция ресурсларини иқтисодий таракқиётни устун соҳаларига туплаш;
- инвестицион жараёнга қорқоналар, ташқилотлар, ақоли жамғармаларни туларок жалб этиш ва ундан Республиканинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни хал этишда қойдаланиш;
- Чет эл капиталининг қириб қелиши учун қулай иқтисодий иқлим ҳозирлаш.

Маълумки инвестиция сиёсати курилиш мажмуаси орқали амалга оширилади. курилиш мажмуаси шартли равишда туртта йирик бўлинмадан иборат: саноат курилиши; сув ҳужалиги курилиши; уй-жой ва ижтимоий маиший курилиш;

курилиш ишлари махсус пудратчи томонидан ёки капитал курилиш бўлими орқали хужалик усули, яъни корхонанинг уз кучи билан олиб борилади. Шунинг учун курилиш-йиғиш ишларини амалга ошириш усулига қараб пудрат ва хужалик усулларига бўлинади. Пудрат усулида курилиш монтаж ишларини бажарувчи ташкилот пудратчи деб аталиб курилишни маблағ билан таъминловчи ташкилот буюртмачи деб номланади.

курилиш ишларини амалга ошириш капитал қўйилмалар сарфи ҳисобига юритилади.

Капитал қўйилмалар деганда субъект томонидан хужаликдаги ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган ёки ноишлаб чиқариш воситаларини қуриш, такомиллаштириш ва тиклашга ҳамда янгиларини яратишга сарфланган жами харажатлар тушунилади.

Молиялаш манбаига қараб капитал қўйилмалар субъектнинг уз маблағи ҳисобига амалга оширилган капитал қўйилмалари, давлат субсидияси ҳисобига, кредит ва қарз ҳисобига амалга оширилган капитал қўйилмалар ва бошқа капитал қўйилмаларга бўлинади.

7.2. Халқ хужалик тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш инвестициялашни йўлга қўйиш ва олиб боришдан иборатдир. курилиш дастурларининг асосий курсаткичлари бўлиб ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларнинг ишга туширилиши, капитал қўйилмаларнинг ҳажми, уларнинг Алоҳида йўналишлар бўйича такомиллаштириш, капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги ҳисобланади.

Капитал курилиш ва капитал қўйилмаларнинг охириги натижаларини тавсифловчи асосий курсаткичларга ишлаб чиқариш қувватлари, ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқаришга мулжалланган объектлар, шунингдек ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларининг ишга туширилиши қиради. Ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилишини аниқлаш ишлаб чиқариш соҳасининг асосий тармоқлари ва асосий маҳсулотлар турлари бўйича амалга оширилади. Режалаштириш даврида қувватларни ишга тушириш микдори ишлаб чиқариш қувватлари баланси ёрдамида аниқланади. Бу баланс ёрдамида режалаштириш йилининг охиридаги қувват, янги қувватларнинг киритилиши ва чиқиб кетиши ҳисобланади. қўшимча қувватларнинг ишга киритилиши қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\Delta K_{ил} = K_0 - K_б + K_{чик} + K_{му}$$

бу ерда: K_0 , $K_б$ - йилнинг боши ва йил охиридаги қувват ҳажми;

$K_{чик}$ - қувватларнинг чиқиши;

+ $K_{му}$ - маҳсулотлар номенклатураси ва ассортиментининг ўзгариши натижасида қувватларнинг ўсиши ёки камайиши.

Шунингдек асосий фондларнинг ишга туширилиши ҳам аниқланади. Бу курсаткич фақат қиймат қурилишида белгиланади. У асосий фондларнинг баланси ёрдамида аниқланади. Бу баланс ёрдамида умумий талаб режалаштириш йилнинг бошидагиси билан таққосланади ва формула тарзида қўйидагича ифодаланади:

$$\Delta = \frac{B_n - \Sigma \Phi_n \bullet \Phi_0 \bullet K_{oc}}{\Phi_{св} \bullet \Phi_0 \bullet K_{oc}}$$

бу ерда:

B_n - режалаштирилаётган йилда махсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

$\Sigma \Phi_n$ - йил бошидаги асосий фондлар;

Φ_0 - фонд қайтими;

K_{oc} - асосий фондларни узлаштириш коэффициенти;

$\Phi_{св}$ - асосий фондларнинг уртача йиллик ишга туширилиши;

Асосий фондларнинг ишга туширилиши қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Phi_v \text{ к } \Phi_c + Y_c + D - \Phi_{л}$$

бу ерда:

Φ_v - асосий фондларнинг ишга туширилиши;

Φ_c - уртача йиллик асосий фондлар;

Y_c - фойдаланилмайдиган асосий фондлар;

$\Phi_{л}$ - йил бошидаги асосий фондлар.

7.3. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини ишга тушириш ҳисоб-китоблари капитал қуйилмаларнинг тақсимланиши билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Капитал қуйилмаларга бўлган талаб зарур бўлган ишлаб чиқариш қувватлари, асосий фондларни ишга тушириш асосида аниқланади.

Талаб ишлаб чиқариш ва ноишлаб сарфлари бўйича Алоҳида аниқланади. Ишлаб чиқариш соҳасида капитал қуйилмаларга бўлган талаб Алоҳида бир хил махсулот ишлаб чиқарадиган тармоқларда ва номенклатураси кенг бўлган тармоқларда ҳисобланади.

Бир хил махсулот ишлаб чиқарадиган тармоқларда капитал қуйилмалар ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K \text{ к } K_{уд} * D K$$

бу ерда: K - капитал қуйилмалар;

$K_{уд}$ - капитал қуйилмаларнинг салмоғи (яъни бир бирлик қувватнинг услишини таъминловчи капитал (қуйилмалар));

$D K$ - янги қурилиш ва кенгайтириш ҳисобига қувватларнинг услиши, яъни қувватларга бўлган қушимча эҳтиёж.

Капитал қуйилмалар ҳажмига бўлган умумий талаб ҳаракатдаги қувватларни ишга туширишга, техник қайта қуриланишига, янги ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, режалаштириш даврида қиритилган ҳамда аввал ишга туширилган объектлар ишларини тамомлаш ва режалаштириш йилининг охирида қурилиш якунини ташкил этиш учун капитал қуйилмаларни суммаси сифатида аниқланади.

Ноишлаб чиқариш соҳасидаги тармоқларда капитал қўйилмаларга бўлган талаб шу соҳа корхоналари сонини кенгайтириш ва капитал қўйилмалар салмоғига бўлган талаб асосида аникланади. Масалан, савдода савдо майдонининг ўсиши ва капитал қўйилмалар салмоғи асосида, таъбиотда касалхоналардаги уринлар сонининг ўсиши ва капитал қўйилмалар салмоғи асосида ва ҳоказо.

Капитал қўйилмаларнинг асосий манбаи миллий даромаднинг жамғарма фонди ҳисобланади. Ҳозирги вақтда капитал қўйилмаларнинг асосий молиявий манбалари қўйидагича:

- корхонанинг ўз маблағлари, бюджет, кредит, аҳолининг маблағлари, чет эл инвестициялари ва ҳоказо.

Бугунги кунда корхоналарда капитал қўйилмаларнинг молиявий манбалари таркиби ўзгармоқда, яъни унинг асосий манбаи бўлиб, корхонанинг ўз маблағлари ва кредит маблағлари, чет эл сармоялари ҳисобланади. Капитал қўйилмалар таркибининг қўйидаги турлари ажратилади: технологик, буюртмалаштирилган, такрор ишлаб чиқарилган, ҳудудлар бўйича ва тармоқлар бўйича.

1. Технологик таркиб дейилганда қурилиш-монтаж ишлари, асбоб-ускуналар қиймати ва бошқа қурилиш ишлари уртасидаги нисбат тушунилади.
2. Буюртмалаштирилган таркиб - ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига сарфланган капитал маблағлар нисбати.
3. Такрор ишлаб чиқарилган таркиб - оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар нисбати (янги қурилиш, қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштиришга юборилган капитал қўйилмалар салмоғи).
4. Ҳудудлар бўйича таркиб - Алоҳида ҳудудлар бўйича капитал қўйилмалар нисбати.
5. Тармоқлар бўйича таркиби - миллий иқтисодиётнинг ҳар хил тармоқлари уртасидаги нисбат.

7.4. Капитал қўйилмалар сарфланаётганда берадиган қайтими асосий мезон қилиб белгиланади. Шу нуқтаи назардан капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлаш талаб қилинади. Бунда самарадорлик курсаткичлари икки гуруҳга бўлинади: Умумий мутлоқ ва қийсий-иқтисодий самарадорлик курсаткичлари.

I. Умумий мутлоқ самарадорлик курсаткичлари қўйидаги йўналишлар бўйича аникланади.

1. Миллий иқтисодиёт микёсида, республика ва тармоқлар бўйича самарадорлик қўйидагича аникланади:

$$\frac{\Delta D}{K} \text{ Э}_{ик} \text{ К} \text{ -----} ,$$

бу ерда: ΔD - миллий даромаднинг ўсиши;

K - капитал қўйилмалар.

2. Алохида тармоқлар буйича:

$$\Delta_{\text{о.р.к}} \frac{\Delta \text{УП}}{K} \text{ ёки } \frac{\Delta \text{П}}{K},$$

бу ерда: $\Delta \text{УП}$ - соф махсулотнинг узиши;
 $\Delta \text{П}$ - фойданинг узиши;
 K - капитал қуйилмалар.

3. Мажмуий дастурлар, техник-иктисодий муаммолар, Алохида лойихаланаётган корхоналар, объектлар, тадбирлар буйича:

$$\Delta_{\text{уд.к}} \frac{\text{Ц-С}}{K},$$

бу ерда: Ц - йиллик махсулот ишлаб чиқариш қиймати;
 С - махсулот таннари.

4. Тармоқлар, корхоналар буйича:

$$\Delta_{\text{р.к}} \frac{\text{С}_1 - \text{С}_2}{K}$$

бу ерда: $\text{С}_1 - \text{С}_2$ - капитал қуйилмалар киритилмаган ва киритилгандан кейинги махсулот таннари. Капитал қуйилмаларнинг узини қоплаш муддатини аниқлаш курсаткичи самарадорлик коэффициентининг тескари катталиги, яъни капитал қуйилмалар ва самарадорлик узиши нисбати ҳисобланади.

II. киёсий-иктисодий самарадорлик курсаткичлари. Бу курсаткичлар ҳар бир вариантдаги минимумга келтирилган харажатлардир. Бу қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{С}_i + E_{\text{н}} \cdot K_i \rightarrow \min$$

бу ерда: С_i - жорий харажатлар;

K_i - i -варианти буйича капитал қуйилмалар.

Агарда қиёсланаётган вариантларда капитал қуйилмалар ҳар хил вақтларда амалга оширилса, бундай шароитда вариантлар ва келтирилган коэффициентлар буйича аниқланади:

$$\frac{V_k}{(1 + E_{\text{нп}})^t} \cdot t,$$

бу ерда: $E_{\text{нп}}$ - ҳар хил вақтдаги харажатларни келтириш нормативи;

t - маблағларни ишга туширишдан самара олгунгача бўлган вақт.

Масалан: Бир тармоқ буйича капитал қуйилмалар самарадорлигининг норматив коэффициенти 0,20 бўлса қуйидаги жадвалдан капитал қуйилмалар самарадорлигини ўқта вариант буйича ҳисоблаб чиқамиз:

25 - жадвал

Вариант	Вариантлар буйича кийматлари	Йил ичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннари	Келтирилган харажатлар
I	6,2	5,5	6.74 (5,5-0,2,6,2)
II	6,8	5,0	6,36 (5,0-0,2,6,8)
III	7,4	4,5	5,94 (4,5-0,2,7,4)

Юқорида келтирилган ҳисоботлардан қуриятпки, иқтисодий вариает III вариантдир.

7.5. Капитал қуйилмалар тахлили вазиқасига қурилиш объектлари режасининг бажарилиши, ишга туширилиши, асосий воситаларни сотиб олиш, таъмирлаш қабиларни маблағ билан таъминланиши ва капитал қуйилма маблағларидан фойдаланиш режаларини, курсатгичларини баҳолаш қиради.

Хужалик қорхоналари узларининг капитал маблағларини ишлаб қикариш молия режаларида режалаштиради. Қорхоналарда капитал қуйилмалар марказлаштирилган (давлат режасига мувофик тасдиқланган) ва марказлаштирилмаган қуйилмаларга булинади. Марказлашган капитал қуйилмалар амортизация ажратмалари фойда, асосий фондларни сотишдан тушган маблағ, етишмаган қисми эса давлат бюджетларидан олинган маблағ эвазига амалга оширилади.

Марказлашмаган капитал қуйилмалар хужаликни қенгайтириш ва уюштириш учун ажратилган қредитлари ва бошка манбалари ҳисобига амалга оширилади.

қуйидаги жадвалда қорхонада амалга оширилган капитал қуйилмалар тахлили қелтирилган.

7.5.1- жадвал

Қорхонада капитал қуйилмалар режаси тахлили (минг сум).

Капитал қуйилма турлари	Режа буйича смета баҳода	Ҳақи қатда	Фарқи (+,-)	Режанинги бажарилиши
I.Капитал қуйилмаларнинг жами	1239	1838	+ 599	148,3
Шу жумладан:				
1.қурилиш ва монтаж ишлари	931	1341	+ 410	144,0
2.Монтажга топширилган усқуна инструмент, инвентарь	210	388	+ 178	184,7
3.Бошка капитал ишлар ва сарф	98	109	+ 11	111,2
II. Капитал қуйилмаларнинг йуналиши				

1.Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган капитал қўйилмалар	992	1614	662	162,7
2.Ноишлаб чиқариш капитал қўйилмалари	247	224	23	90,7

Таҳлил этилаётган корхонада капитал маблағлар режаси 599 минг сумга ёки 48,3 фоизга жадвалда ортиги билан бажарилган. Капитал маблағлар иш тури бўйича ҳам ортиги билан бажарилган. Лекин қурилиш ва монтаж ишлари узиш сурати ускуна, инструмент ва инвентарлар сотиб олишга нисбатан секин усган. Бу уз навбатида асосий фондларни ишга тушириш режасининг бажарилишини ва капитал маблағлардан самарали фойдаланишга салбий таъсир қилади.

Келгусидаги вазифа капитал қўйилмаларнинг таркибини яхшилаш. Маблағлар ичида қурилиш ва монтаж ишларининг салмоғини қупайтириш зарур. Капитал қўйилмалар самарадорлигини оширишдаги энг муҳим шартлардан бири асосий фондларни ишга туширишни тезлаштиришдир. Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш капитал қурилиш режасини асосий курсаткичи бўлиб ҳисобланади. Бунинг таҳлил қилганда ҳамма объектлар бўйича асосий фондларни ишга тушириш муддатларига риоя қилинганлиги текшириб қўйилади. Маълумки капитал қурилиш муддатларининг ҳаддан ташқари қўзилиб кетиши асосий ишлаб чиқариш фондларининг объектни фойдаланиш учун топширгунга қадар жисмоний ва маънавий эскириб қолишига олиб келади. Шунинг учун ҳам капитал маблағларнинг сочилиб кетишига йўл қўймаслик, тугалланмаган қурилиш объектларини қамайтиришга эътиборни қаратиш зарур. Вазифа тугалланмаган қурилишни режа меъёр даражасига тушириш, қурилиш қуламини чегаралаш, охири-оқибатда эса қурилиш муддатларини кескин қамайтиришдан иборатдир.

УЗ-УЗИНИ НАЗОРАТ +ИЛИШ САВОЛЛАРИ

1. Капитал қурилиши билан инвестиция сиёсатининг боғлиқлиги нимада?
2. қурилиш ишларида пудрат усулининг мазмуни нимадан иборат?
3. Бозор иқтисодиётига утиш шароитида капитал қурилишни такомиллаштириш вазифалари нималардан иборат?
4. Капитал қўйилма деганда нимани тушунилади?
5. Ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлар қандай аниқланади?
6. капитал қўйилмаларни молиялаш манбаларига қандай маблағлар қиради?
7. Капитал қўйилмалар таркиби қандай турларга ажратилади?
8. Тармоқларда капитал қўйилмалар ҳажми қандай формула билан аниқланади?
9. Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги курсаткичларини аниқлаш йўллари?
10. Нима учун капитал қурилиш муддатларини иқтисодий жиҳатдан узини оқлайди?

8-МАНЗАУ: Инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш

РЕЖА:

- 8.1.** Бюджетдан молиялаштириш тамойиллари.
- 8.2.** Бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини комплекс баҳолаш.
- 8.3.** Банкларда молиялаштиришни очиш учун тавсия этиладиган ҳужжатлар.
- 8.4.** Кичик бизнесни кредит билан таъминлаш шакллари

Адабиётлар: 6,7,9,10,14

Таянч иборалари: давлат бюджети, банк кредит муассалари инвестицион фаолиятни молиялаштириш, синдицирлаштирилган кредит, иқтисодий самарадорликни баҳолаш, дисконтлаш, бизнес режа, савдо кредит, истеъмол кредити, халқаро кредит, фирма кредит, факторинг, очик ҳисоб бўйича кредит билан таъминлаш, овердрафт.

8.1. Ўзбекистонда инвестиция жараёнини қайта қуришнинг муҳим узиға ҳос масаласи-оғирлик марказини бюджет ҳисобидан молиялаштиришдан иқтисодиёт субъектларининг ўз маблағлари, махсус фондлар, банк-кредит институтлари ва минтақалар ресурслар ҳисобига молиялаштиришга қучиришдан иборатдир. Бунда, инвестицияларни молиялаштиришнинг турли манбалар тузилмасини оптималлаштириш йули билан таъминлаш, давлат секторида тармоқлараро мутаносибликларни назорат қилиш ғоят муҳим масаладир.

Давлат корхоналарига нисбатан амалда бўлган бюджетдан молиялаштириш тизими муайян даражада боқимондалиқни келтириб чиқаради ва бунинг устига устак инвестиция фаолияттида уларга нодавлат сектори субъектларига қараганда имтиёзли шароитлар яратиб беради. Шу сабабли давлат корхоналарига нисбатан, бюджетдан молиялаштиришни, белгиланган арзон, имтиёзли фоиз ставкаларда, бюджет ҳисобидан шакллантириладиган мақсадли махсус фондлар маблағларидан, молиялаштириш билан алмаштириш мумкин. Уларни кредитлаш шаклида, шунингдек, «Ўзқишлоқмашлизинг» компанияси билан бўлгани қаби Алоҳида молиявий лизинг тарзида ишлатиш мумкин булар эди. +айтариб бермаслик шарти билан бюджет ҳисобидан молиялаштиришни муддатлилиқ, туловлилиқ ва қайтаришилиқ тамойилларига асосланган кредитлаш билан алмаштириш ўз самарасини беради. Давлат бюджети маблағларини фақат иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришларни белгилайдиган йуналишларда сафарбар этиш мақсадга мувофиқ булар эди. Уларни синдицирлаштирилган кредитлаш усулида ишлатиш ўз самарасини беради.

Синдицирлаштирилган кредитлар бериш корпоратив иштирок доирасини кенгайтиради, бу эса инвестициялар самарадорлигига баҳо бериш даражасини кутаришга олиб келади, чунки уларни кредитлашда молиялаштириш иштирокчилари уртасида таксимланадиган жами рисклар ҳисоб-китоб қилинади. Бирок, бугунги кунда республикамізда инвестицияларнинг асосий қисми давлат бюджетидан молияланиши кузатилмоқда. Бу ҳолат асосан инфра таркибни яхшилаш яъни транспорт, алоқа ва таълим тизимини ислох қилиш жараёнларида купрок кузатилмоқда. Бюджетдан молиялаш амалга оширилаётганда ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва экологик нуқтаи назардан асосланган, миллий иқтисодиёт талабларига тула мос келадиган, давлат стратегик аҳамиятига эга булган, импорт маҳсулотлари урнини боса оладиган, маҳаллий хом ашё ҳисобиға экспортбоп рақобатбардош товарлар ярата оладиган, қушимча ишчи уринларини вужудға келтириш имконини берувчи ишлаб чиқариш жараёнлари Алоҳида эътиборға олинади. Албатта бюджет ҳисобиға молиялашда лойиҳанинг узини узи қоплаши ва қайтими, умрбоқийлиги мамлакат ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошиши қаби тамойиллар қулланилади.

Ўзбекистоннинг 2000-2002 йилларға мулжалланган давлат инвестициялар дастурида инвестицияларнинг умумий ҳажми 2,3 трлн.сум қилиб белгиланган эди. Улардан 30 фоизини саноат секторига, 25 фоизини таълим соҳасини ривожлантиришға, 23 фоизға яқинини уй-жой қурилиши ва ижтимоий соҳаға, қолган фоизини-транспорт, энергетика, агросаноат мажмуи ва бошқа секторларни ривожлантиришға йуналтирилди. Рақамлардан қуринадики, инвестициялар дастурида таълимға ажратиладиган ҳиссанинг қупайганлигини ижобий омил сифатида баҳолаш мумкин булса, қишлоқ ҳужалигига сарфларнинг йуқлигини дастурнинг салбий жихати деб баҳолаш мумкин. +ишлоқ ҳужалиги соҳасидаги қиммат турадиган ИТТҚИ, (илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари) давлат инвестициялари ҳисобидан молиялаштирилиши лозим. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимида юз бераётган узғаришлар турли халқаро инвестициялар иштирокининг кенгайиши ва молиялаштириш тизимиға мамлакат резидентлари ва норезидентларининг қушилиши муносабати билан турли рисклар, жумладан мамлакатға алоқадор, сиёсий, валюта ва бошқа рисклар доирасини кенгайтиради. Халқаро лизингнинг ривожланиши, инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимида чет эл инвестициялари ва қарзларға ҳос қушимча рискларни қупайтиради.

Ҳозир Ўзбекистондаги молиялаштириш тизими инвестицияларни молиялаштириш давлат механизмининг уз ичига олади. Бу механизмнинг фаолият доираси аста-секин торайиб, унинг урнини бозор механизми эгаллаши лозим. Молиялаштиришда давлат ва бозор механизмларининг ёнма-ён ишлатилиши инвестиция фаолиятининг турли субъектларини тенг булмаган шароитларда қолдиради. Иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш инвестициялашнинг бозор механизмларидан фойдаланишни кенгайтиришға, инвесторларнинг узларига, банқларға, молия институтларига, чет эл

инвесторлари, халқаро кредитлар ва қарзларга ҳос рисклар қуламини оширишга олиб келиши кутилади. Шубҳасиз, иқтисодиётда инвестиция капиталини етказиб берувчилар бу молиявий воситачилик қилувчи молия институтларидир. Улар жисмоний ва юридик шахсларнинг буш турган маблағларни жалб қилиш йули билан уларни айланишини тезлаштиради. Ривожланган мамлакатларда молия институтлари турли инвесторларнинг ишончини қозонганлар. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳам, молия институтларининг депозит фаолиятини жиддий тартибда жонлантириш, «узун» депозитларни жалб қилишга эришиш лозим, чунки инвестиция капиталини етказиб берувчиларнинг энг йириклари ҳақиқатдан ҳам яққа омонатчилар бўлишлари мумкин. Капитал етказиб берувчи (таъминловчи) молия институтлари тарзида фаолият қурсатишлари мумкин бўлган муассасалар таркибига тижорат банкларини, кредит муассасаларини, суғурта ва нафақа фондларини, инвестиция компанияларини, махсус фондларни, лизинг компанияларини, кредит уюшмаларини ва бошқаларни киритиш мумкин.

Кейинги йилларда инвестицияларни молиялаштириш манбаларида банк кредитлари 7,2 дан 8,1 фоизгача тебраниб турган бўлса, миллий банк институтларининг марказлаштирилган кредитлари жами банк кредитларининг 80 фоиздан кўпроғини ташкил қилди, тижорат банклари кредитлари 20 фоиздан кам бўлди.

19 – жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти асосий капиталига инвестицияларни молиялаштириш манбаларида миллий банк кредитининг роли

(Жами молиялаштириш манбалари умумий суммасига нисбатан фоизларда)

	1998	1999	2000
Инвестицияларни молиялаштириш манбаларида жами:			
Суммаси (млн.сум)	28580,0	40674,0	52222,5
Салмоғи (фоизларда)	7,2	8,1	7,5
Шу жумладан:			
Марказлаштирилган кредитлар суммаси (млн.сум)	23742,5	32855,3	42970,1
Берилган ссудалардаги салмоғи (фоизларда)	83,1	80,8	82,3
Тижорат банклари кредитлари суммаси (млн. сум)	4837,5	7818,7	9252,4
Берилган ссудалардаги салмоғи (фоизларда)	16,9	19,2	17,7

Жадвал Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг тегишли йилларидаги маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқилган.

Бундай ҳолатни бозорга утиш боскичида банк фоиз ставкасини нобарқарорлиги билан ҳамда, айрим иктисодчиларнинг илмий изланишларида курсатилгандек¹, фоиз ставкасининг инвестицияларга таъсирининг йукотилиши билан изохлаш мумкин.

Бундан ташқари, иктисодчиларнинг тадқиқотларида тасдиқланганидек тижорат банклари уз рискларини камайтириш ва банк ликвидлигини ошириш мақсадларида ресурсларини рисксиз ёки рисклари паст операцияларга боғлашга ҳаракат қиладилар². Буларнинг барчаси шундан далolat берадики, тижорат банклар утиш даврида кредит ресурсларини асосий капитал объектларига ғоят эҳтиёткорлик билан сафарбар этади. Бундай ҳодисанинг асосий сабаби банк муассасаларида «узун» депозитларнинг йуклиги билан изохланади, унинг сабаби эса уй хужаликларида жамғаришнинг паст даражада эканлигидир.

8.2. Бизнеснинг асосини, шунингдек унинг кичик қуринишларини молиявий сармоялар ва молиявий захиралар ташкил қилади. Хужалик юритувчи субъектнинг молиявий захираларининг унинг ихтиёрида булган пул воситалари ташкил қилади. Улар хужалик фаолиятининг турли тармоқларига юборилади: воситачи ва молиявий хизматлар, савдо-сотиқ хизматлари, инвестиция ва инновация лойиҳалари. Накд пулнинг етишмовчилиги кичик бизнес истикболини, уни ҳаёт топиш эҳтимolini, унинг молиявий эпчиллигини пасайтиради ва синишига олиб келади. Чунки етарли миқдорда нақд пулнинг булмаслиги банкларни қарз бермаслигига олиб келади. Хужалик фаолиятини ривожлантириш учун ишлатиладиган молиявий захиралар (ҳом ашё сотиб олиш, ярим тайёр маҳсулотлар, меҳнат ускуналари, ишчи қучи) пул қуринишидаги сармоядир. Шундай қилиб молиявий менежментда тавсифланиши бўйича сармоя бу молиявий захиранинг бир қисмидир.

Сармоянинг умумий ифодаси:

$$\begin{aligned} D &\rightarrow T \rightarrow D_i \\ P &\rightarrow T \rightarrow P^1 \end{aligned}$$

Бу ерда: P - инвестор томонидан қарзга берилган пул маблағи.

T - маҳсулот (тадбиркорлик фаолияти учун сотиб олинган ускуна, ишчи қучи ва хужалик юритишни бошқа қисмлари).

P^1 - инвестор томонидан хужалик фаолиятини юритиш натижасида ва қушимча маҳсулотни сотишдан олинган пул маблағи.

$(P^1 - P)$ – инвесторнинг фойдаси ёки қушимча маҳсулот.

$(P^1 - T)$ – маҳсулот сотувидан ёки хизмат курсатишдан тушган пул.

$(P - T)$ – инвесторни хужалик ускуналарни сотиб олишга сарфланган харажати.

Молиявий сармояни ишлатишни юқорида келтирилган формулада хужалик тизимига қуйиладиган пул маблағлари тула сарфланмайди, фақат қарзга берилади ва айланиб фойда билан инвесторга қайтиб

келади. (П) молиявий захиралар сармояси кушимча фойда келтириши учун укупрок айланиши керак.

Йилига сармоя канча куп айланса инвестор йиллик даромади шунча куп булади.

Молиявий захиралар сармоясини тузилишига шунингдек асосий фондлар, айланма фондлар, муомила фондларига куйилган пул маблағлари киради. Асосий фондлар - меҳнат куруллари йиғиндисининг кимматли куруниши. У молиявий курунишини узгартирмасдан ишлаб чиқариш ва хужалик корхона чегарасида фаолият курсатади ҳамда уз кийматини қайтадан яратилган махсулот кийматига утқазади.

8.2. Кичик бизнесда унинг молия ресурслари ичида катта хажмда нақд пуллар булиши мумкин. Шунинг учун пул масаласини сотиб олиш қобилиятини аниқлашда муҳими вақт омилини олишдир. Пул воситалари бир хил номинал кийматга эга була туриб ҳозирги вақтда ва маълум вақт утганда ҳар хил сотиб олиш қобилиятига эга булади. Масалан: уртача йиллик инвестиция миқдори 15 фоиз булганда, йил бошидаги пул массаси 10 миллион сум булса уни сотиб олиш қобилияти 8 млн. 500 минг сум булади. Шунинг учун ишбилармон иложи борица нақд пулни камроқ ушлаб туриши, уларни айланишга киритиши керак. Пуллар иложи борица тезроқ янги пул маблағларини келтириши муҳимдир.

Пулларни ишлатиш усуллариининг энг соддаси – уларни банқда сақлашдир, бунинг учун омонатчи муддатли ва муддатсиз омонатлари учун фоиз олади. Товар ишлаб чиқариш, хизмат курсатиш, янги махсулот яратиш, кимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш ва бошқалар учун инвестицияни ишлатиш, фақат банқда сақланганда юқори дисконт ставкаси бўйича тоза (солиқларни тулагандан сунг) фойда олиш мумкин булганда афзалроқдир.

Дисконтлаштириш – бу ҳар хил йиллардаги иқтисодий курсаткичларни вақт бўйича солиштириш турига келтиришдир. Ушбу операция шунга асосланганки, ҳар қандай келажакда олинандиган пул, пул маблағи айланишга киритилиб, фойда келтиришга мажбур қилинса, унда уч йилдан сунг пул миқдори фақатгина сақланиб қолмасдан балки қупайиши ҳам мумкин. Инвестициялардан келадиган даромадни дисконтлаштириш – бу келажакда олинандиган умумий пул кийматини ҳозирги пул кийматига нисбатан аниқлашдир.

Устирилган пулни аниқлаш ва дисконтни ҳисобга олиб кушимча даромадни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$F_{\text{ск}}P_{\text{с}}(1+i)^n$$

Бу ерда: $F_{\text{с}}$ -келажакдаги пул маблағи (кутилган киймати), сумда.

$P_{\text{с}}$ -пулнинг Бошланғич (ҳозирги, жорий) киймати, сумда.

$(1+i)$ –дисконт коэффиценти, яъни даромадли меъёри ёки фоиз кийматининг биринчи булаг.

n -даромадни жамғарилишидаги йиллар сони ёки капитал айланишларни сони.

$$ДкРс (1+i)^n - Рс$$

Бу ерда: Д – кушимча даромад, сум

Мисол. Иккита вариантдаги инвестициялаш фараз килинади. Биринчи вариант буйича агар 100 минг сум маблағ киритилиб, хар йили 10 фоиздан фойда олинса, режалаштирилган даромад: 100 млн. сум $\times (100\%+10\%)^1$ ёки шу 100 млн. сум $\times (1+0,1)$ к 110 млн. сум. Икки йилдан сунг 100 млн. $\times (1+0,1)^1$ к 121 сум ва хоказо.

Иккинчи вариант буйича 100 млн. сум киритилса, даромад 3 ойдан сунг 2,5 фоизга тенг булади. Иккинчи вариант фойдалироқдир, чунки 3 ойдан кейинги даромадни олиб яна айланишга киритилса кушимча даромад келтириши мумкин.

Бир йилда турт маротаба айланса 100 млн. сум $\times (1+0,025)^4$ к 110,38 млн. сум даромад олинади. Икки йилдан сунг – 100 млн. сум $\times (1+0,025)^8$ к 121,64 млн. сум.

Биринчи ҳолатдаги кушимча даромад биринчи йилда 100 млн. сум $(1+0,1)-100$ млн. сум к 10 млн сумга. Иккинчи йилда 100 млн. $(1+0,1)^2-100$ млн. сум к 21 млн. сум. Иккинчи вариантда юкоридаги микдорлар 10,38 млн. сум ва 21,64 млн. сумга тенг.

Мураккаб фоизлар формуласи аввалги Бошланғич микдорини ҳисоблашга $Рс$ ни фоиз кийматини аниклашга имкон яратади. Шундай қилиб:

$$\frac{Рс k Fc}{Рс(1+i)^n};$$

$$i k Fc / Рс - 1$$

Мисол: уч йилдан сунг 100 млн. сумга эга булиши хоҳлаган инвестор банкка маълум микдорда ги пул маблағини 150 фоиз йиллик даромад билан қуйди.

Ушбу маблағнинг микдори канча булмоғи керак?

$$\frac{Рс k 100 \text{ млн. сум}}{(1+1,5)} \text{ к } 6,4 \text{ млн. сум.}$$

Демак дастлабки қуйилган маблағ 6,4 млн сумга тенг булиши керак.

Бошқа инвестор 300 млн. сумга эга. У бу микдорни икки йилдан сунг 6 марта қупайтириш ниятида, шунинг учун қандай йиллик даромад фоизи билан уз молиявий ресурсларини қуйиши керак.

$$i k (1800 \text{ минг сум} / 300 \text{ минг сум}) - 1 \text{ к } 1,45 \text{ ёки } 145\%$$

Шундай қилиб қуйилган масалани ечиш учун капитални банкка компанияга йиллик даромади 145 фоиздан кам булмаган улчамда қуйиш зарур.

8.3. Кредит олиш учун кредит олувчи ва заёмчи томонидан кредит шартномаси тузилади, у уз ичига қуйидагиларни олади. Кредит тури, микдори, унинг берилиш тартиби ва муддати, хар иккила томон жавобгарлиги, кредитор ва заёмчилар туғрисидаги маълумотлар.

Кичик бизнес тараккиёти учун давлат кредит давлат бюджетидан энг мухими замонавий ишбилармонлик лойihalарини амалга ошириш буйича тасдиқланган дастурлар асосида берилади.

Унча куп булмаган янги ишбилармонлар уз ишлари молия билан таъминлайдилар. Купчилик кишилар оз микдорда булса хам ташки манбаларга мухтож буладилар.

Пул ресурсларининг 4 та тоифаси мавжуд:

1. Савдо кредити. Бу турдаги «Пул» туғри маънода заем воситаси хисобланмайди. Хакикатдан бу товарлар киймати хисобланади. Уни сизнинг етказиб берувчиларингиз сизга туламасдан карз килиб берадилар ва карзни эслатилган мухлатларда тулаш шрти билан.

2. киска муддатли кредит. Банклар ва бошка кредит берувчилар, бу каби кредитлар махсус махсадлар – муддатли кредитлар эхтиет сифатида келгуси мавсумда сотиш учун берилади. Бу каби кредит учун карз бир йилга етмасдан узилади.

3. Узок муддатли кредит.бу заемлар бир йилдан ортик муддатга корхонани кенгайтириш ёки такомиллаштириш учун берилади.

4. Акционерлик капиталда инвесторнинг катнашиши. Бу каби ресурслар кайтарилмайди. Сиз воситаларни оласиз ва фойданинг бир кисмини инвесторга берасиз. Бошкача килиб айтганда, сиз уз корхонангизнинг бир кисмини сотасиз.

Пул маблағларини каердан олиш мумкин?

Молиявий таъминланишнинг имконли манбалари куйидагилардир:

- тижорат банклари;
- молиявий компаниялар;
- инвестицион компаниялар;
- инвестицион фондлар;
- кредит идоралари;
- харидорлар;
- махсулот берувчилар;
- дуст ва танишлар.

Кенг таркалган молиявий манбалар:

Банклар-банклардан ссуда олиш нихоятда содда. Сизга пул савдо операцияси утказиш учун бемалол, аммо янги корхона бунёд этиш учун бемалол эмас. Демак, сизга банкни ишонтириш керак, сиз хаммасини яхши уйлагансиз ва уз ишингизни ташкил килишга астойдил харакатга тушасиз. Бу ишда сизга ишлаб чиқарилган бизнес режангиз кул келади.

куйидаги масалаларга Алохида диққат-эътибор килиниши керак.

- Олинган воситалар кандай ишлатилади?
- карз кандай килиб тулаб берилади?
- Кредит олиш учун кандай таъминот таклиф этилиши керак?

- Узингиз танлаган фаолият учун зарур тажриба ва тайёргарликка эгамисиз?
- Бошқарув ходимларининг ва етакчи мутахассислар иши кандай?
- Ушбу бизнес соҳасининг узок муддатли келажак тараккиёти кандай?

Инвестицион фондлар хиссадорлик юкори усиш потенциалига эга, кичик корхоналар капиталига бадаллар тулаш мумкин. Куплари аник тармок, жуғрофик ния, технологиялар буйича ёки маълум хажм учун инвестиция лойиҳасига ихтисослашадилар. Улар билан келишув пайтида куйидагиларни эсда тутиш зарур: инвестицион фондни бир кунда куриб чиқиш учун 30 дан ортик буюртмани ва бизнес-режани қабул қилиш мумкин, улардан 10% гина уқиб қикилади. Уқиб қикилганлардан фақат бир нечасигина яна давом этиб уқиб учун жунатилиди ва жуа озлари молия олиши мумкин.

Демак:

- Сизнинг бизнес-режангиз хар томонлама касбий устунликка эга булиши учун хамма нарсани қилиш, у аник тушунарли ёзилган булиши керак.

Корхонани тугатиш режасини тайёрлашда «тавакқалчи» инвестор сизни бизнестан кандай қикишингизни аник билиши керак. Купчилик инвестицион фондлар «Етук» даражага эришган пайтда пулни юкори усиш потенциалига эга корхоналарга жулаш одатига эга. Банкдан кредит олишда бизнес режа билан бирга кредит таъминоти хақида хужжат, кредит суғуртаси полиси, қафолат хати қаби хужжатлар топширилади.

8. 4. Кичик бизнестинг ишбилармонлик тарқибларини кредит билан таъминлаш – бу уларга молиявий пул ёки товар шаклидаги воситаларни малум муддатга хужалик фаолиятини амалга ошириш учун беришдир. Кредит билан таъминлашни куйидаги турлари мавжуд:

- Хужалик юритувчи субъектларга пул ссудларини ёки товарни капитал урнида туғридан-туғри бериш шакли.
- Хисоб-китоб турларидан бири сифатида кредит билан таъминлаш, яъни тулов мухлати узайтирилганлиги хисоби билан.

Бу ерда «Кредит» тушунчаси кенг маънога эга. **Биринчидан:** Кредит тулаш ва фоиз тулаш шарти билан ссуда куринишида пул ёки товар шаклида булиши мумкин. Юридик ёки жисмоний шахслар қарзга восита берувчилар – кредиторлар, олувчилар – **заёмчилар** деб аталади. Кредитнинг асосий вазифаси пул воситаларини қайтариб бериш шарти билан корхоналар, ташкилотлар, тармоклар ва ноҳиялар орасида таксимлаш ва вақтинча буш пул маблағларини самарали ишлатишдан иборатдир. Кредитни бошқа вазифаси бу хақиқий пулларни кредит пулларига (банкнотлар) ва кредит операцияларига (нақд пулсиз ҳисоб-китобга) алмаштиришдан иборат.

Иккинчидан – кредит узини ссуда капитали ҳаракати шаклида намоён этади. Пул ёки товар шаклидаги ссуда қайтарилиши ва туловли шарт билан кредитор ва заёмчи орасидаги иқтисодий муносабатни акс эттиради. Кичик бизнесда кредит билан таъминлаш кенг шаклларда тасаввур этилади бу ерда қуйидаги кредитлар ишлатилади: тижорат, банк, давлат, истеъмолчи, халқаро. Уларнинг ҳаммаси кредит берилиш муддатига қараб қисқа муддатли (бир йилгача), урта муддатли (бир йилдан уч йилгача) ва узок муддали (уч йилдан ортиқ) бўлиши мумкин.

Тижорат кредити – товар шаклида (берилувчи) сотувчилар томонидан харидорларга берилувчи кредит бўлиб сотилган товарни қийматини орқарок сурушдан иборат. Натижада ҳисоб-китоблар вексель ёки очик ҳисоб билан амалга оширилади. Биринчи ҳолатда харидор товар ҳужжатларини олганидан сунг утказилиш сотувчи томонидан қуйилган векселни (траттани) талаб этади ёки оддий вексель расмийлаштиради. Иккинчи ҳолатда сотувчи харидорнинг қарз мажбурятларини олмайди ва қарз бўйича ҳисоб очади. қарзни узиш даврий туловлар сифатида қисқа муддатларда (1-2 ой) амалга оширилади.

Тижорат кредитига бўлган зарурат капитални ишлатиш ва муомила вақтини бир –бирига туғри келмаслиги натижасида келиб чиқади. Бу ерда товарни қериётган сотиш ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигига ёрдамлашади, капитални айланишини тезлаштириши ва фойдани қупайишини таъминлайди. Ушбу шаклдаги кредит одатда қисқа муддатли бўлади.

Банк кредити ишбилармон ва корхоналарга пул ссудаси қуринишида берилади.

Банк ссудаси – корхона, ташкилотларнинг Алоҳида фуқороларнинг вақтинча бўш воситалари бўлиб банк томонидан шартнома асосида, уларнинг розилиги билан жалб қилинади ва ссуда фонди ташкил бўлади.

Истеъмол кредити – бу кредит шаклида қарз олувчи сифатида юридик шахс, қарз берувчи сифатида кредит идораси, корхона ва ташкилот чиқиши мумкин. Бу кредит шакли халқнинг истеъмол талабини қондириш воситаси сифатида хизмат қилади ва пул ёки товар шаклида бўлиши мумкин.

Халқаро кредит - бу халқаро иқтисодий муносабатлар соҳаси бўлиб, у турли давлатлар кредиторлар қарз олувчилари орасида ссуда бериш, ишлатиш ва уни узиш бўйича фоиз тулаш билан амалга оширилади. Бу турдаги кредит кичик бизнесни тарққийет топтириш учун давлатлараро банклар ва фирмалар томонидан халқаро ёрдам шаклида берилади. Халқаро кредит улчами ва уни бериш шартли кредит берувчи ва олувчилар уртасидаги кредит шартномасида уз аксини топади. Фирманинг нуқтаи назарида бериш ва таъминлашда қуйидаги кредитлар бўлиши мумкин: товар, валюта, таъминланган (товар, тижорат ҳужжатлари билан ва бошқа қийматлар билан) ва таъмин этилмаган (банк) кредитлар. қарз олувчилари бўйича кредитлар *шахсий, давлат ва молиявий* бўлиши мумкин. Кредитнинг асосий шартли ҳисоб-китоб тури бўлиб (тулаш

муддати узайтирилган хисоб) фирма кредити, вексель (хисобли) ва факторинг хисобланади.

Фирма кредити – бу кредит бериш шаклида мол берувчи ва сотувчи тулаш муддати узайтирилган кредитни харидорга беради. Бу каби кредит шаклининг бирдан – бир мисоли махсулотни истеъмолчига аванс беришдир, аванс берувчига шартномага кул куйилгандан сунг утказилади. Вексель кредити – бу векселни банк томонидан сотиб олиш, (хисобли) вексель эгасидан тулаш муддати келмасдан сотиб олишдир, яъни вексел эгаси банкдан муддатдан илгари векселда курсатилган пул микдорини, тижорат туловларини, хисоб туловини ва бошка харажатларни айиргандан кейингисини олади.

Факторинг – бу айланувчи воситаларни кредит билан таъминлашда уртада турувчининг фаолияти туридир. Уртада турувчи компания (банк) маълум тулов эвазига ишбилармонлар таркибидан харидорлардан унинг хисобига олинадиган пул маблағини олиш ҳукукига эга булади (дебиторлик карзини инкассага кушиш ҳукуки). Шу билан бирга уртада турувчи мижозни айланувчи воситасини кредит билан таъминлайди ва унинг кредит ва валюта таваккалчилигини уз зиммасига олади. Уртада турувчи товар сотувчининг узаро муносабатлари факторинг буйича шартнома билан тартибга солинади.

Очик хисоб буйича кредит билан таъминлаш – бу сотувчини доимий харидорига таъмин этмасдан ва тез фоиз туламасдан тулов муддати узайтирилган шаклдаги кредитдир. Сотувчи харидорга товарни унинг манзилгоҳига товар таксимлаш ҳужжатлари билан карз микдорини харидор номига очилган дебет хисобига утказди. Харидор шартномада курсатилган муддатларда уз карзини очик хисоб буйича узиб боради.

Овердрафт – киска муддатли кредитлаш шакли булиб банклар амалиётида ишлатилади. У англияда пайдо булади. Овердрафтнинг мазмуни шундан иборатки, одатда банкнинг ишончли мижозига маълум чегарада чеклар билан карз тулаш ҳукуки берилади. Бу каби операция натижасида манфий баланс бунёд булади. Яъни дебиторлик сальдоси – (мижозни банкка карзи). Банк ва мижоз узаро шартнома тузиб унда овердрафтнинг энг катта микдори, кредит бериш шarti, уни кайтариш тартиби ва овердрафт учун фоиз микдори белгиланади.

УЗ-УЗИНИ НАЗОРAT КИЛИШ САВОЛЛАРИ

1. Бюджетдан молиялашнинг узига хос муаммолари деганда нимани тушунасиш.
2. Нима учун бюджетдан молиялашни имтиёзли кредитлар ёки лизингларга утказиш керак.
3. Нима учун бюджетдан молияланадиган лойихаларнинг иктисодий самарадорлиги бахоланади?
4. Дисконтлаш деганда нимани тушунасиш?

5. Инвестиция ва даромадларни дисконтлаштириш кандай амалга оширилади?
6. Кичик бизнеснинг молиявий ресурс манбаларига нималар киради?
7. Кичик бизнесни кредит билан таъминлаш шаклларига нималар киради?
8. Истеъмол кредити деганда нимани тушунасиш?
9. Банк кредит билан халқаро кредитнинг фарқи нимада?
10. Факторинг ва овердрафтнинг иқтисодий мазмуни нимадан иборат?

9-МАВЗУ: Капитал маблағларни кредитлаш

РЕЖА:

- 9.1. Кредитнинг моҳияти ва вазифалари.
- 9.2. Кредит ресурсларининг манбалари.
- 9.3. Узок муддатли кредитлар билан таъминлашнинг иқтисодий аҳамияти.
- 9.4. Ссудаларни қайтариш тартиби.
- 9.5. Фоиз ставкалари ва уларни ҳисоблаш тартиби.

Адабиетлар: 6,8,9,10,11

Таянч иборалар: Кредит, кредитор, банк кредити, муддатлилиқ, мақсадлилиқ, ҳақ тулаш, кредит таъминоти, узок муддатли ва қисқа муддатли банк кредитлари, узок муддатли кредитларнинг иқтисодий аҳамияти, банкноталар, амортизация ажратмаси, амортизация маҳсулот сотишдан тушум, ссуда фонди, фоиз ставкаси.

9.1. Кредит (қарз) - пул воситаларини товар ва хизматларни маълум устама (%) тулаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга қарзга бериш.

қарзга маблағ берувчи томон кредитор, яъни кредит берувчи, ссуда олувчи томон эса қарздор яъни кредит олувчи дейилади. Ҳозирги вақтда кредит асосан пул шаклида, туғридан-туғри банк орқали берилади. Банклар кредитор вазифасини утайди.

Банк кредитининг асосий қоидалари:

- муддатлилиқ, аниқ мақсадга йуналтирилганлик, процент тулаш моддий таъминланганлик ва бошқалар.

Кредитлар 2 хил: қисқа муддатли (1 йилгача) ва узок муддатли бўлади.

қисқа муддатли кредит қорхона ва ташкилотларнинг айланма фондларини шакллантиришга хизмат қилади. Узок муддатли кредит эса моддий ишлаб чиқариш тармоқларига капитал маблағлар ажратиш манбаи ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига утиш билан кредит муносабатлари ҳам қайта қурилмоқда.

Кредит-молия муассасаси - банклар. уларнинг энг асосий вазифаси - вақтинча буш пул воситаларини бир жойга туплаш корхоналарга ва умуман пулга мухтожларга кредит, ссуда бериш, пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш, турли қиммат баҳо қўғозлар чиқариш, олтин ва чет эл валюталари билан боғлиқ муомалаларни бажариш ва бошқалар.

Банклар пул қуювчиларга маълум процент тулаб, қарз олганлардан юқорироқ процент ставкаси ундиради.

Ана шу процентлар уртасидаги фарқдан банк фойдаси ҳосил бўлади.

Тижорат, ипотека, инвестиция, ташқи савдо, халқаро эмиссия банклари мавжуд.

Марказий эмиссия банки - банкларнинг банки - қиммат баҳо қўғозлар эмиссиясини амалга оширади, бошқа барча банкларнинг зарурий захирасини сақлайди, уларга кредит фондларини таркатади.

Кредит ислохатининг муҳим бугини давлатнинг ихтисослашган банкларини тижоратлаштириш бўлади. Улар мустақил акционерлар жамиятига айланадилар.

Тижоратлаштириш банкларининг тарқиб топган тузумини бузмасдан, махсус банкларни қисман йириклаштириш ва улар асосида маҳаллий ҳамда регионал, тижорат, кооператив банкларни ташкил қилишга олиб келади. Кейинчалик эса универсал тижорат банклари системаси қушимча ихтисослашган институтлар - қарз берувчи кооперативлар, ер банклари, инвестиция ва нафақа фондлари, брокер ва лизинг шакллари билан тулдирилади.

Банкнотлар, кредит билетлари - эмиссия банклари томонидан чиқарилади. Банк билетлари давлатнинг аҳолига сотадиган товарлари ва давлатнинг олтин захирасига асосланади. Улар олтин, қиммат баҳо металллар ва давлат банкнинг бошқа активлари билан таъминланади.

Мамлакатимизда банкнотлар 1, 3, 5, 10, 25,50, 100, 200, 500 ва 1000 сум қийматида муомалага чиқарилади ва улар 1,3,5,10,25,50, сумлик хазина билетлари танга ва чақаларга майдаланади.

9.2. Кредит ресурсларининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат.

1. Корхоналарнинг ҳисобларидан амортизация ажратмалари. Бу маблағлар ускуналарни янгилаш пайти келгунча ёки уларнинг капитал ремонтини ўтказилгунча буш туриб, белгиланган амортизация нормаларига мувофиқ банкдаги ҳисобларида жамланиб боради.

2. Маҳсулот сотишдан тушадиган пул тушумлари. Бу пул ҳам хом ашё, материаллар сотиб олиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тулаш вақти келгунча буш туради.

3. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари, моддий рағбатлантириш фондлари ҳам аста секин жамланиб бориб, ўз мақсади бўйича ишлатилгунча буш туради.

4. Корхоналар фойдаси улар давлат бюджети ва кредит тизими билан ҳисоб китоб қилингунча, шунингдек унинг тегишли қисми корхона эҳтиёжлари учун фойдалангунча банкдаги ҳисобларида сақланади.

5. Банклардаги бюджет муассасалари касаба союз ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг жорий пул ресурслари.

Бу маблағлар уларнинг давлат бюджетига тушиши билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, номоддий сохаларни ҳамда жамиятнинг ишга лаёқатсиз аъзоларини таъминлаш учун сарфланиши уртасидаги вақт давомида буш туради.

6. Аҳолининг пул даромадлари: уларнинг пул даромади, кредит тизими орқали икки марта тупланади.

Биринчиси марта корхоналарнинг иш хақи тулаш учун мулжалланган пул маблағлари шаклида уларнинг банклардаги ҳисобларида тупланади.

Иккинчи марта - аҳолининг жамғарма банклари ҳисобларидаги жамғармалари шаклида тупланади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида вақтинча буш пул ресурслари ҳосил бўлиши билан бир вақтда, иқтисодиётнинг айрим бугинлари ва сохаларида қушимча пул маблағларига эҳтиёж пайдо бўлади.

Кредит буш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида туплаш ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маълум муддатга, ҳақ тулаш шарти билан қайтариб бериш учун йуналтириш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни ифодалайди.

9.3. Кредит муносабатлари жуда турли - туман бўлиб, кенг таъсир доирасига эга. Улар банклар билан турли мулкчиликка асосланган корхона ва муассасалар, айрим меҳнаткашлар ва чет мамлакатлар уртасидаги муносабатларни ифодалайди. Кредит ва кредит тизими ялпи миллий маҳсулотни қайта таксимлаш жараёнига хизмат қилади. Бошқача айтганда улар ялпи миллий маҳсулотнинг коплаш фондини қайта таксимлаш жараёнида катнашади.

Бу фонднинг пул шаклини олувчи ҳамма қисми маълум муддатга банклар томонидан тупланади ва кредит ресурслари сифатида юзага чиқади.

Тарихий тараккиёт давомида кредитнинг икки шакли - пул ва товар шаклидан фойдаланиб келинган. Ҳозирги вақтда мамлакат ички оборотида пул кредитидан кенгрок фойдаланилади.

Кредит муносабатлари уз ичига банк, тижорат, давлат, истеъмолчилик, хужаликлараро ва халқаро кредит шакллари олади. Банк кредити кредит муносабатларининг асосий ва етакчи шакли сифатида майдонга чиқади. У берилиш муддатига қараб, қисқа, урта ва узок муддатли кредитларга бўлинади. қисқа муддатли кредитлар (1-2 йил муддатга) одатда айланма маблағларни ҳосил қилиш учун берилади. Урта (5 йилгача) ва узок муддатли (5 йилдан ортиқ) кредитлар асосан хужалик объектларини кенгайтириш янги қурилиш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жихатдан такомиллаштириш мақсадларига берилади.

Хужаликлараро кредит бир корхона томонидан иккинчисига берилади ва уларнинг капитал қурилиш, қишлоқ хужалик сохаларидаги муносабатларига, шунингдек, вазирликнинг уз тармоғидаги хужалик ҳисоби бугинлари билан муносабатларига хизмат қилади.

Такрор ишлаб чикариш жараёнида кредитнинг актив роли, кредитлашнинг асосий принципларига риоя қилишга асосланади. Бу принциплар қуйидагилардан иборат: ссуда беришнинг мақсадли характери, кредитнинг расмийлаштирилган муддатда қайтаришлилиги, ссуданинг моддий таъминланганлигини ва туловлилиги.

9.4. Кредитга берилган ссуданинг албатта қайтариб берилиши, ундан фойдаланганлик учун олинган фойдадан ссуда фоизини тулаш зарурияти корхоналарни хужалик юритишнинг энг самарали усуллари излаб топишга ундайди.

Ссуда фоизининг ссудага берилган пулга нисбат ссуда фоизи нормасини ташкил қилади. Агар 100 минг сум йилига 20 минг ссуда фоизи тулаш шarti билан қарзга берилган бўлса, ссуда фоизи нормаси 20 % ни 20000 ташкил қилади.

$$\frac{20000}{(----- 100)} \\ 100.000$$

Такрор ишлаб чикариш жараёнида пул маблағларни қайта таксимлашни амалга оширишда кредитнинг вазифаси қўп қиҳали.

Биринчидан, у такрор ишлаб чикариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди ва унинг жадллашувига хизмат қилади.

Иккинчидан, ишлаб чикариш ва муомала вақтини қисқартириб, ишлаб чикариш самарадорлигини оширишни такозо қилади.

Учинчидан, кредит ишлаб чикариш устидан назорат қилишнинг ҳақиқий воситаси ҳисобланади.

Инвестиция макроиктисодиётнинг ривожланишга таъсир этувчи асосий омиллардан биридир. Инвестиция ёрдамида янги саноат қорхоналари қурилади, мавжудлари таъмирланади, янги машина ва усқуналар сотиб олинади ва ҳоқозо.

Инвестиция соф қаражатларнинг иккинчи асосий қисми ҳисобланади.

Соф қаражатларнинг инвестицияга сарфланишига иқкита асосий омиллар таъсир этади:

- 1) Қутилаётган соф фойда нормаси.
- 2) Фоиз ставкаси.

Фойданинг нормаси тадбирқорларни маълум даражада инвестиция қаражатларини қилишга мажбур қилади. Тадбирқорлар агар улар сотиб оладиган ишлаб чикариш воситалари фойда берадиган бўлсагина харид қиладилар.

Мисол учун қичик тиқувчилик қорхонасининг эгаси 1000 долларга янги тиқув машинаси сотиб олмоқчи бўлди. Уни ишлатиш муддати 1 йилга тенг дейлик. Қичик қорхона эгасининг янги тиқув машинасини сотиб олишидан асосий мақсади даромад олишни қупайтириш бўлиб ҳисобланади.

Янги машинани қуллашдан қичик қорхона 1100 доллар қутилаётган соф даромад олади десак, тадбирқор тиқувчилик машинаси қаражатини (1000 доллар) қоплаган ва 100 доллар даромад олган бўлади. Бу мисолимиздаги янги тиқув машинасини қуллашдан қутилаётган соф фойда нормаси қуйидагича аниқланади.

$$\text{Фн к} = \frac{100}{1000} \times 100 \text{ к } 10 \%$$

Шуни таъкидлаш керакки, кутилаётган соф даромад эксплуатация харажатларисиз энергетика, ип - газлама ишчи кучи, соликлар ва бошка харажатларсиз 1100 долларга тенг деб олинади. Бошқача суз билан айтганда эксплуатация харажатларини хисобга олганда колган, кутилаётган соф даромад тикув машинаси харажатларини (1000 доллар) коплайди ва кушимча 100 доллар даромад келтиради деб хисобланади.

Ишлаб чиқаришга инвестиция харажатлари килиниши учун хакикий фоиз ставкаси таъсир этади.

9.5. Фоиз ставкаси деб тадбиркорнинг хакикий капитални қарзга фойдаланишга олиш хисобига тулайдиган баҳосига (пул киймати) айтилади. Агар кутилаётган соф фойда нормаси (10 %) банклар фоиз ставкасига (7 %) нисбатан куп (юкори) булса, инвестиция қилиш иши тадбиркор учун фойдали булади.

Агар банкларнинг фоиз ставкаси (масалан, 12 %) кутилаётган соф фойда нормасидан (10 %) юкори булса, тадбиркорнинг ишлаб чиқаришни инвестициялаши ноқулай булади, чунки ундан зарар қуради.

Шуни таъкидлаш керакки, инвестициялаш қарорини қабул қилишда номинал фоиз ставкаси эмас балки реал фоиз ставкаси ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Номинал фоиз ставкаси жорий баҳоларда реал фоиз ставкаси эса доимий ёки инфляция хисобга олинган аниқлаштирилган баҳоларда хисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, реал фоиз ставкаси - бу номинал фоиз ставкасидан инфляция чегириб ташлаб топилган фоиз ставкасидир.

Юкоридаги мисолимизда баҳо узгармас деб олинади. Агарда инфляция булса реал фоиз ставкаси ва кутилаётган соф фойда нормаси қандай аниқланади - деган савол туғилади.

Мисол учун 1000 долларли инвестиция 10 % хакикий кутилаётган соф фойда келтиради, дейлик.

Номинал фоиз ставкаси эса 15 % кенг булсин. Биринчи қарашда инвестиция олиш ноқулай самарасиздай туюлади. Агар йиллик инфляция 10 % га тенг булса инвестрнинг доллардаги молия маблағларининг харид қобилияти ҳам 10 % га камаяди.

Номинал фоиз ставкасининг 15 % эканлигини хисобга олиб реал фоиз ставкасини аниқлаймиз.

Реал фоиз ставкаси к номинал фоиз ставкаси - инфляция фоизи к 15 % - 10 % к 5 %.

Энди реал фоиз ставкасини 5 % кутилаётган соф фойда нормаси (10 %) билан таққосласак, инвестиция олишга қарор қилиш мумкинлигини аниқлаймиз, яъни (10%-5% к 5%), 5 % соф кутиленган фойда нормасига эришиш мумкин экан.

Юкоридаги мисолларимиз микроиктисодиёт объектига тааллуқлидир. Макроиктисодиётда ҳам мантикий жихатдан худди шундай тартибда инвестиция олиш учун қарор қилинади. Қутилаётган соф фойда нормаси қанчалик юкори бўлса, инвестицияга бўлган ялпи эҳтиёж ҳам шунча қўп бўлади.

Мисол учун қуйидаги 1 жадвал қутилаётган соф фойда нормаси билан (%) инвестиция ҳажми уртасидаги ўзвий бoғлиқликни ифода қилади.

Биз ундан фойдаланиб, ялпи қутилаётган соф фойда нормаси ва ялпи инвестицияни аниқлаймиз. (1 жадвал).

Жадвалдан қурилиб турибдики қутилаётган фойда нормаси 10% га тенг ва ундан қўп бўлганда бундай микдорда ги инвестиция лойиҳаларини инвестиция билан таъминлаб бўлмас экан.

Қутилаётган фойда нормаси 14 % ва 16 % бўлганда 5 млрд долларлик инвестиция мавжуд. Бунинг маъноси шуки қўшимча 5 млрд доллар инвестиция 12 - 14 % оралиғидаги қутилаётган соф фойда нормасини келтиради.

Яна қўшимча 5 млрд доллар эса 10 - 12 % оралиғидаги қутилаётган соф фойда нормасини келтиради ва ҳоказо.

Барча инвестиция қилинадиган объектларнинг қутилаётган соф фойда нормасини аниқлагач, реал инвестиция фoизини (инвестиция баҳосини)

1-жадвал.

Қутилаётган фойда ва инвестиция (рақамлар шартли)

Қутилаётган соф фойда нормаси %	Инвестиция микдори (йиллига млрд доллар ҳисобида)
16	0
14	5 10 15 20 25 30
12	35 40
10 8 6 4 2 0	

аниқлаймиз. Юкорида айтилгандек инвестиция олишга қарор қилиш учун энг асосий шарт шуки, қутилаётган соф фойда нормаси фoиз ставкасидан юкори бўлиши зарур, акс ҳолда инвестиция харажатлари қўпланмайди.

Инвестициялар (млрд доллар).

Графикда инвестицияларга мақбул равишда туғри келадиган банк фoиз ставкаси ва қутилаётган соф фойда нормалари келтирилган.

Умумий ҳулоса шундан иборатки, барча инвестицияланадиган лойиҳалар фoиз ставкаси ва қутилаётган соф фойда нормаси тенг бўлган нуктагача амалга оширилиши мумкин.

УЗ-УЗИНИ НАЗОРAT +ИЛИШ САВОЛЛАРИ

1. Кредит тушунчасининг иктисодий мазмуни ва кредитлаш механизми деганда нимани тушунасиш?
2. Инвестициялаш жараёнида кредит муассасаларининг роли ва аҳамияти нималардан иборат?
3. қиска муддатли банк кредитлари қандай мақсадларда ишлатилади?
4. Узок муддатли банк кредитлари нима учун инвестиция бўлади?
5. Номинал фоиз ставкаси деганда нимани тушунасиш?
6. Реал фоиз ставкасининг иктисодий мазмуни нимадан иборат?
7. Фоиз ставкасини аниқлаш услубияти қандай?
8. Соф фойда нормаси деганда нимани тушунасиш?
9. Инвестицияланадиган лойиҳаларда фоиз ставкаси қайси нуқтагача амалга оширилиши мумкин?

10- МАВЗУ: Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг муҳим шакллари (лизинг)

РЕЖА:

- 10.1. Лизингнинг иктисодий мазмуни.
- 10.2. Лизингнинг асосий турлари.
- 10.3. Лизинг ҳисобини юритиш тартиби.
- 10.4. Лизинг учун кредит олиш имкониятларининг ошиши.
- 10.5. Республикада лизинг муносабатларининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш.

Адабиётлар: 6,9,10,11,14

Таянч иборалар: Лизинг тушунчасининг иктисодий мазмуни, тезкор лизинг, молиявий лизинг, қучмас мулк лизинги, лизинг ҳисоби, ижара кредити битими субъектлари, халқаро молиявий лизинг, лизинг шартномаси, лизингнинг ҳуқуқий асослари, лизинг муносабатларида ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш зарурияти.

10.1. Жаҳон банклари амалиётида кредитнинг банк кредити бўлмаган шаклларида бири лизинг қенг ривожланмоқда. Лизинг ибораси (инглизчадан «to lease» ижарага олиш ёки ижарага бериш маъносини билдиради ва иктисодий лугатга киритилган 1877 йилда киртилган. Бироқ лизинг операциялари 1952 йилда Сан Франциско шаҳрида ташкил этилган «Юнайтед стейтс лизинг корпорейшн» компаниясида амалга оширилган ва АКШ янги бизнеснинг ватани бўлиб ҳисобланади. Демак, лизинг деганда ишлаб чиқаришга хизмат қурсатувчи ҳар қил машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ҳисоблаш техникаси ҳамда бино ва иншоотларни узок муддатга ижарага берилиши тушунилади.

Лизинг қорхоналарининг асосий капиталга сафарбар этиладиган инвестицияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий усули бўлиб,

анъанавий банк кредити эвазига маблағ ажратиш ёки бевосита инвестицияларни молиялаштириш усулларига нисбатан аниқ равшан устунликларга эгадир.

Лизинг муносабатлари бир канча Алохида белгиларга эга бўлиб лизинг битими барча катнашчиларнинг бир канча афзалликларга эришишига имкон беради. Буларнинг энг муҳимлари куйидагилардан иборат: - ижара воситасида капиталга эга бўлиш; - рисксиз капитал инвестицияларни амалга ошириш; - узга мулкни самарали еллаш; - лизинг объектини сотиш; - мол-мулкка манфатли тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасаруф этиш; - кам маблағ ёки маблағсиз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш; - лизинг мулкидан самарали фойдаланиш; - муаян замон ва маконда ҳамда иқтисод соҳиблари орасида ресурсларни тақсимлаш; - рақобатда маневр қилиш; - фаолиятининг капитал сизимини пасайтириш; - мулкдорлик ва лизинг мол – мулкдан фойдаланувчи ҳуқуқларни ажратиш. Буларнинг барчаси оқибатда бизнеснинг самарали бўлишига қаратилади.

10.2. Лизингнинг куйидаги турлари мавжуд: тезкор лизинг ва молиявий лизинг. Тезкор лизингда – бино ва асбоб-ускуналар қисқа муддатга ижарага берилади. Шунингдек тезкор лизинг муддати тугагандан сунг ускуна яъни лизинг битимининг объекти бўлиши ёки ижарага берувчига қайтариб берилиши мумкин.

Бундай вазиятда ишлаб чиқарувчи корхоналар ижарага берилган машина ва ускуналарга техникавий хизмат ҳам курсатадилар ҳамда бу хизматлар ҳақи ҳам лизинг туловларини ҳисоблашда инобатга олинади. Лизинг тарзидаги ижара шартномаси одатда уч-беш йилга тузилади ва ижарчи томонидан хоҳлаган пайтда бузилиши мумкин.

Бундай шарт ижарачига энг замонавий машина ва ускуналарни фойдаланиш имконини беради.

Кучмас мулк лизинги - Бундай лизинг мақсадли объектларни, асосан бино ва иншоотларни ижарага бериш шаклида амалга оширилади. Фирмалар томонидан банклар билан ҳамкорликда яратилган объектлар: завод цехлари, бошқарув аппарати бинолари, дуконлар 15-20 йил муддатга ижарага берилади. Муддат тугагандан сунг объект ижарачига берилиши мумкин.

Молиявий лизинг. Бунда ихтисослашган лизинг компаниялари турли корхона ва фирмалар томонидан тайёрланган машина ва ускуналарни ижарага берадилар. Ижара муддати икки йилдан олти йилгача ва ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Ижара шартномаси муддатидан илгари, томонларнинг бири хоҳлаган тақдирда ҳам бузилиши мумкин эмас. Бундай лизингнинг узига хос хусусиятларидан бири, техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш ишларининг Алохида амалга оширилишидир. Ижарачи ижарага олган товарларини сотиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги шартномада белгилаб қўйилади.

10.3. Молиявий лизинг бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ куйидаги шартларидан бирига мос қилини шарт:

1. Ижаранинг муддати тугагач ижара орқали активларга эгалик қилиш ҳуқуқи ижарачига ўтказилади.

2. Ижара активларини бозор нархидан пастрок нархда харид имкониятини беради.
3. Ижара муддати активнинг фойдали ишлатиш муддатининг купрок кисмини ташкил этади (масалан, 75% ёки купрок).
4. Ижара бошида жорий минимал ижара туловлари ижарага олинган мулкнинг ижаранинг бошланиш санасида бозор нархидан катта ёки унга тенг булса.

Республикамизда №6-бухгалтерия хисобининг миллий стандартларига куйидаги учта мезон лизинг хисобига мувофиқ қушимча равишда киритилган:

5. Ижара муддати 12 ойдан ошиши лозим.
6. Ижара муддати тугаши санасида ижара объектларининг қолдиқ қиймати ижара бошланишидаги қийматининг 20% фоиздан камини ташкил этади.
7. Лизингнинг бутун муддати давомидаги туловларнинг жорий қиймати ижара объекти қийматининг 90% дан ортиқ булса.

Молиявий ижара ижарачи балансининг активида – ижарага олинган воситалар, мажбуриятида эса – ижара мажбуриятларини хисобга олишни назарда тутди. Ижара муддатининг бошида капитализацияланган сумма, ижара объектининг бозордаги баҳоси асосида аниқланадиган минимал ижара туловларининг жорий дисконтланган қийматига тенг булиши керак. У ижара туловлар суммасидан саклаш, суғурталаш ва солиқларни тулаш харажатларини, яъни ижарани амалга ошириш бўйича харажатларни чиқариб ташлаш орқали хисобланади. Ижара туловларининг жорий (дисконтлашган) қийматининг ҳажми ижарачи балансининг активида курсатилиши лозим. Ижара бўйича мажбуриятлар суммаси баланснинг «мажбуриятлар» қисмида курсатилиши лозим: муддати 1 йилгача булган жорий туловлар ҳажми – қисқа муддатли мажбуриятлар сифатида ва 1 йилдан ортиқ булса узок муддатли мажбуриятлар сифатида.

Ижара туловлари хисоботда – молиявий тулов (фоизлар бўйича харажатлар); мажбуриятларни камайтириш бўйича туловларга (ижара келишуви бўйича туловлар) тақсимланади. Ижара бўйича хисоб-китоблар ижарага олувчи томонидан олиб бориладиган кредиторлик қарзлари хисобига ухшаш олиб борилади. Бунда факатгина дебиторлик қарзларга қаролатилмаган тугатиш қиймати киритилиши лозим. Ижарага берувчи уз хисобида фоизлар бўйича кичиктирилган даромадни ялпи инвестициялар (лизинг бўйича дебиторлик қарз) билан мол-мулкнинг ҳаққоний бозор қиймати орасидаги фарқ сифатида акс эттиради. Фоизлар бўйича кичиктирилган даромад лизинг муддати даврида фоиз бўйича даромадларни хисобга олиш ҳисобидан чиқарилади.

Тезкор ижара – ижара туловлари бўйича даромадлар молиявий натижалар туғрисидаги хисоботда ҳар бир хисобот даври бўйича мунтазам равишда тан олинади. Бунда активларга эгаллик қилиш билан боғлиқ булган барча харажатларни ижарага берувчи уз зиммасига олади. Бундан ташқари ижарага берувчи ижарани корхона ускуна ижарага берган даврда фойда

олган пайтида даромадларга уткази ва бухгалтерия хисобида келгуси туловлар буйича ҳеч қандай дебиторлик қарзларни ҳисобга олмайд.

10.4. Лизингда қарз олувчи (ижарачи) маълум қийматли товар шаклида вақтинча фойдаланиш учун олади. Ижара кредити битимининг иштирокчилари: бир томондан лизинг компания (ижарага берувчи) машина ва ускуна ҳамда бошқа қимматликларни ишга чиқариб ижарага берувчи қорхона, иккинчи томондан эса, ижарага берилган машина ва ускуналар ҳамда бошқа ишга чиқариш воситаларидан фойдаланувчи ижарачи қорхоналардир.

Лизинг компаниялар турли хил машина, ускуна ва тижорат воситаларни ижарага беришига ихтисослашган муассасалар бўлиб, улар одатда тижорат банклари қошида, бош фирма тарзида ташкил қилинади. Бироқ, лизинг компаниялар йирик саноат фирмалари қошида ҳам тузилиши мумкин.

Лизинг операцияларининг кенг қулоч ейтиши сабаблари шундаки, илмий техника тарққети шиддатли тус олаётган бир пайтда машина ва ускуналарнинг маънавий эскириши тезлаша қорғани сари, қорхоналар учун асосий воситаларни қарзга олиш йули билан узлуксиз янгилаб қориш жуда фойдалидир. Чунки бу йил бирданига уз ҳисобидан қатта ҳажмдаги қаптал қаражатларни ёки банк қредитини жалб қилишни талаб қилмайди. Ҳамда бошқа шарт-шароитлар тенг бўлган тақдирда машина ва ускуналарнинг энг тежамли ва унумдорлиги юқори бўлганларини қуллаш имқонини беради.

Мустақиллик йулидан қадил қораетган мамалқатимиз учун қредитнинг бу тури энг истикболли ва энг самарали эканлигини Алоҳида таъқидлаш жоиз, чунки мамлқатимиз барча тармоқларда қамонавий техника ва технологияга мутождир.

Ғарчи, лизинг қредитида асосий воситалар ижарага берилсада, лизинг оддий ижаралардан фарқ қилади. Лизингда ижарага берилган машина ва ускуналарни шартнома муддати тугагандан сунг, қолдиқ қиймати билан сотиб олиш қузда тутилмоқда.

Яна бир фарқ шундаки, оддий ижарада мулк эғаси уз мулкини бевосита ижарага берса, лизинг операцияларида лизинг компаниялари уз маблағлари етишмаганлиги туфайли жалб қилинган маблағлардан кенг фойдаланадилар. Шу мақсадда узок муддатли банк ссудаларидан кенг фойдаланилади.

10.5. Лизинг муносабатларининг вужудга қелиши, ривожланиши ва кенгайиб қориши мавжуд иқтисодий-ҳуқуқий муҳит билан қамбарчас бўлади. Макроиқтисодий шарт-шароитлар (банк қоизи, тақбирқорлик қаромади қаражаси, инвестициялаш самарадорлиги ва бошқалар) лизингнинг амалиётга тақбик этилиши ва ривожланиш шароитини белғилаб берувчи омиллардир.

Ҳалқаро молиявий лизинг туғрисида 1988 йил майда Оттава шаҳрида қабул қилинган қонвенция лизинг битимини қуйидаги муҳим ҳусусиятлари буйича белғилайди: миқоз лизинг асбоб усқунасини етқазиб берувчинини мустақил равишда танлайди; асбоб-ускуна лизинг туғрисида тузилган ёки тузиладиган шартнома асосида қулга қиритилади ва бу ҳақида лизинг мол-

мулкини сотувчиси хабардор булади; лизинг туғрисидаги битимга биноан бутун лизинг асбоб-ускунаси ёки унинг тегишли кисми киймати амортизациясини эътиборга олиб ҳисоблаб чиқилган ҳақ вақти-вақти билан тулаб турилади.

Ўзбекистонда лизингнинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодексининг иккинчи қисм олтинчи бандида мустаҳкам белгилаб қўйилган. Унда лизинг молиявий ижара деб аталган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексидаги 587 дан 599 гача 14 та модда лизингга ажратилган. Жумладан 587 моддада таъкидланишича, лизинг шартномаси лизингни молиявий ижара сифатида назарда тутди ва лизинг объектини харид қилиш учун фақат лизинг берувчининг ўз маблағларидан фойдаланишини кузда тутар эди. Ушбу вариантда лизинг муносабатлари тулик акс эттирилмаган. Чунки амалда катта миқёсидаги лизинг операцияларини қўшимча молиявий ресурсларни жалб этмай амалга ошириб бўлмайди. Буни жаҳон тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Шунга мос равишда ЎЗР ФК да «ўз маблағи ҳисобидан» сузларидан кейин «ва жалб этилган маблағлар» сузларини киритиш мақсадга мувофиқ эди. Натижада лизинг берувчи жалб этилган маблағлардан лизинг операциялари мақсадида фойдаланиш учун юридик ҳуқуқ олади. Бу таклиф Ўзбекистон республикасининг «Лизинг туғрисида» ги қонунида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 598 моддасида лизинг шартномасини предмети бўлган мол-мулкнинг сифати ва бутлиги уни етказиб бериш муддатлари ҳамда сотувчи томонидан зарур даражада бажарилмаётган бошқа ҳоллар ҳусусида сотувчининг мажбурияти таърифлаб берилган.

Лизинг олувчи мазкур мол-мулкнинг олди сотди шартномасидаги тарафлардан бири бўлса, сотиб олувчи учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга булади ва мажбуриятларни зиммасига олади. Бирок лизинг олувчи сотувчи билан олди-сотди шартномасини лизинг берувчининг розилигисиз бекор қилолмайди, яъни лизинг олувчи билан лизинг берувчи солидар кредиторлар буладилар.

Бугунги кунда лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асослари замон талабдан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб қилинмоқда. Шунга мос ҳолда 2002 1 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «лизинг фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари туғрисида» ги фармони эълон қилинди. Бунга қўра лизинг туловлари қўшилган қиймат солиғидан; лизинг бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология техникалари – вакил банкнинг тегишли тасдиқи мавжуд бўлган тақдирда божхона туловидан ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади. Бундай енгилликлар лизингнинг банк кредитига нисбатан рақобатбардошлигига эришиш ва лизинг компанияларининг кредитлар ёрдамидаги лизинг операциялари ҳажмини қўпайтириш имоқинини беради. Ушбу фармонга қўра лизинг берувчини солиққа тортиш чоғида ў лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда

белгиланган бошқа туловларнинг суммаси унинг жами даромади чегириб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 2002 13 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги қонунига мувофиқ лизинг тўғрисидаги қонун ва фармонларга ўзгартиришлар қилинди.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ +ИЛИШ САВОЛЛАРИ

1. Лизингнинг иқтисодий мазмуни ва турлари деганда нимани тушунаси?
2. Тезкор лизингнинг иқтисодий мазмуни нимадан иборат?
3. Қўчмас мулк ва молиявий лизингнинг вазифалари нималардан иборат?
4. Молиявий лизингнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Лизинг ҳисоби қандай юритилади?
6. Лизинг учун кредит олиш имкониятлари қандай имтиёзга эга?
7. Лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асослари нима учун такомиллаштирилмоқда?
8. Лизинг шартномасининг моҳияти нимадан иборат?
9. Лизинг муносабатларда белгиланган имтёзлар нималардан иборат?
10. Нима учун лизинг банк кредитига нисбатан рақобатбардош ҳисобланади?

11-МАВЗУ: Инвестицияларни лойихавий молиялаштириш

РЕЖА:

- 11.1. Инвестицион лойихалар таҳлилининг ўзига хос жиҳатлари
- 11.2. Инвестицион лойиха цикллари
- 11.3. Инвестицион лойиха менежменти
- 11.4. Инвестицион лойиханинг устиворлиги
- 11.5. Инвестицияларни лойихавий молиялаштириш механизми
- 11.6. Лойихавий молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш тадбирлари.

Адабиетлар: 6,7,14,16,18

Таянч иборалар: лойиха тушунчаси, инвестицион лойихалар таҳлилининг зарурлиги, лойихавий таҳлил босқичлари, техник таҳлил, бозор таҳлили, молиявий таҳлил, экологик таҳлил, инвестицион тараккиёт таҳлили, лойиха менежменти, инвестицион лойиханинг устиворлиги, инвестицияларни лойихавий молиялаштириш механизми, лойихавий молиялаштириш самарадорлиги.

11.1. Жахон банки усули буйича лойиха тахлили вазифасига лойиха кийматини белгилаш киради. Лойиханинг кийматини унинг ижобий натижалари киймати ва салбий натижалар айирмасига, яъни лойиха киймати «фойда – харажат»га тенг. лойиха кийматини баҳолаш ва лойихадан олинадиган фойдани уни амалга ошириш харажатларидан устун эканлигини баҳолаш керак булади, чунки купдан-куп иморат ва иншоотлар келажақда узок даврлар утгандан кейин уларни хозирги вақтда лойиха буйича зарурий харажатлари билан таккослаш бутунлай мумкин бўлмай қолиши мумкин. Баъзи бир харажатларни ва лойиха натижаларини, масалан, қурилиш-монтаж ишларини осон улчаш, кийматлаш мумкин булади, бошқаларини осон улчаш ва кийматлаш етарли даражада кийиндир. Баъзи ходимларни уқитиш сон ва сифат жиҳатидан улчаш мумкин. Аммо саноат ишлаб чиқариш ёки кишлоқ хужалиқ фаолиятида талаб даражасида ҳақиқий натижаларига баҳо бериш асло мумкин эмас. Нихоят баъзи бир лойихаларнинг натижаларини масалан, лойихаларини маълум турдаги фаолиятларга таъсирини улчаш ҳам, баҳолаш ҳам кийиндир.

Лойиха харажат ва натижалари ҳар хил булганликлари учун уларни ҳар хил нуқтаи назардан қараш керак. Лойиха техник асосланганми? Тижорат буйича яшовчанми? У узини – узи оқлай оладими? У иқтисодий асосланганми? Лойиха атроф муҳитга қандай таъсир қурсатади? Лойиха маҳаллий ижтимоий ва маданий хусусиятларини ҳисобга олганми? Лойихани амалга оширишда ташкилий имкониятлар мавжудми? Шу билан бирга пировард натижада ижобий натижалар жамғарма харажатлардан ортадими ёки йукми? қабиларни аниқлаш керак. Шунинг учун фойда ва харажатларни таҳлил қилиш учун қуйидаги саволларга жавоб олиш зарур:

- *Лойихани керакли натижаси қандай?*

- *Турли харажатларни қим тулайди ва лойининг ижобий натижаси қимга тегади?*

- *Лойиханинг ижобий натижаси қандай ва қачон намоён булади?*

- *Ҳар хил турдаги фойда ва йукотишларни лойихага алоқадор булган ҳар хил гуруҳдаги юридик ва жисмоний шахслар учун жамғариш ва ниҳоят лойихани жамғарма киймати туғрисида тушунчаси эга бўлиш мумкин буладими?*

- *Ушбу лойиханинг натижаси бошқа ухшаш ёки мумкин булган лойихаларга қараганда қандай булади?*

Лойиха тахлили лойихани таъсир қилиши ва ролини ҳар хил нуқтаи назардан қайтадан, уларни ишлаб чиқариш даврида қуриш имконини беради. қуйидаги берилган саволлар рўйхатига лойихани тахлили даврида жавоб берилиши талаб этилади.

Лойиха тахлилининг етти бўлими мавжуд бўлиб, лойиха фойдаси ва харажатлари қуйидаги тутган уринлари билан баҳоланади:

1. Техникавий таҳлил: лойиха техника жиҳатидан асосланганми?

2. Бозор тахлили: лойиха маҳсулотига талаб борми?

3. Молиявий таҳлил: лойиха молия нуқтаи назардан яшовчанми? Лойиха учун қилинган харажатлар истеъмолчи ҳисобига қайтариладими?

4. Экологик тахлил: лойиха атроф мухитга кандай таъсир курсатади?

5. Институционал тараккиёт тахлили: лойиха учун жавоб берадиган ташкилот лойихани амалга ошириш ва уни ишлатишда рахбарлик кила оладими?

6. Лойихани ижтимоий ва маданий муносабатларда ишлатилиши тахлили? Лойиха маҳаллий шароитларни акс эттирадими? Лойиха баъзи бир гуруҳ одамларга салбий таъсир курсатадими?

7. Иқтисодий тахлил: лойиханинг ижобий натижалари уни амалга оширишдаги ва ишлатишдаги харажатлардан устун келадими? Лойиха кандай таваккалчилик билан боғлиқ?

Хар кандай янги ахборотни қайта баҳолашда агар у фойдадан холи бўлмаса лойихани тайёрлаш даврида қабул қилинган қарорни узгартириш учун тўртки бўлади. Лойиха тахлилини ҳар хил бўлимлари доирасидаги изланишлар лойиха вазифаларини узаро келишиб бирлашишни ҳисобга олиб борилиши зарур. Бу вазифалар Алоҳида тармоқларни тараккиёт топтириш дастурини, маҳаллий шароитни ва минтақада лойихани амалга ошириш таъсирини ҳисоблаб акс эттирилади. Ушбу вазифаларнинг тавсифига қуйидагилар ҳам боғлиқдир: биринчидан, тадбирлар ўтказилишида давлат ва шахсий манфаатларининг инобат ролини жамият танлови фойдасига (шахсан лойихани амалга оширилиши кимга топширилиши) ва иккинчидан давлат лойихалари олдида қуйилган мақсадга жамият гуруҳларини узаро келишувга эришиши.

11.2. «Лойиха цикли» тушунчасига лойихани ишлаб чиқариш ва амалга ошириш босқичлари қиради. Жаҳон банки лойихалари учун муҳим аҳамиятга эга бўлганлар. 12.2.1-чизмада олти босқич курсатилган. Вазифаларни белгилашга қуйидагилар қиради: ишлаб чиқариш, тажриба ўтказиш, музокараларни амалга ошириш, уларни баҳолаш ва бошқалар.



11.2.1-чизма. Лойиха цикли.

Вазифаларни белгилаш. Циклнинг биринчи босқичи тараккиёт топтиришнинг муҳим масалаларини бажарилишини таъминлаб, асосий белгиловчи қояларни танлашга тегишлидир. Лойиханинг шу қаби гоёлари сонига қурилиш лойихаси, қредит билан таъминлаш дастури ва бошқа ишбилармонликни тараккий топтириш, сиёсатни узғариши, бошқарувни узғариши ва бошқа қуйилган тараккиёт топиш вазифасига эришишни

таъминловчи тадбирлар киради. Бу боскичда брача мумкин булган иктисоднинг тараккиёт мақсадини бажарилишини таъмин этувчи қояларнинг руҳатини тузиш керак бўлади. Лойиха циклининг сунгги боскичларида ушбу қоялар аниқлаштирилади ва зарурий каттиққўллик билан таҳлил қилишга берилади.

Биринчи фазада келтирилган фикрлар албатта тулик ва кенг маънога эга бўлиб, даромадни тақсимлашда лойиха унинг мавжуд нархини оширади. Шундай қилиб, лойиханинг биринчи циклида иктисодни ривожлантиришнинг аниқ мақсад шакли шаклланган, шу тариқада иктисодий сиёсатда Жаҳон банки билан қўрикча ҳосил бўлади, лойиха бўйича жаҳон банки бир томондан кредит тақдим этади.

Иктисодий сиёсат таҳлили иктисодни ривожлантириш дастуридаги мақсадларни барқамоллаштиришда бир қатор лойихаларга эга бўлиб, бу лойихаларни амалга ошириш учун сиёсат ва бошқарувда бир қатор ўзгаришлар киритиш лозимлиги ўқтириб ўтилган.

Лойиха таҳлили бу лойихаларни баҳолашда муқобил ишлаб чиқаришдаги таққослаш йўли билан ёки сиёсатга ўзгартириш киритиб бошқа қўлай йўлини танлаш билан бу лойихаларни амалга оширади.

Ишлаб чиқиш. Лойиха қояси аниқлангач лойиханинг биринчи этапдан сунг (яъни вазифа аниқлангач) қояни қўриб чиқиш давом эттирилиши зарурми деган саволга жавоб топиш мақсадида қарор қабул қилиниши зарур. Бунинг учун лойихани барча параметрлари (яъни ҳар томонлама) ўзлуксиз аниқлаб қўриб чиқилади, яъни лойихани техник ҳарактеристикаси, унинг атроф – муҳитга таъсири, самарадорлиги иктисодий ва молиявий бажарилиши мумкинлиги, маҳсул ва маданий жихатидан маъқуллиги ҳамда ташкилий қоралар бўйича маъқуллиги.

Лойихага ишлов бериш қараёнига қўйидагилар киради: Бошланғич боскичда тавсия этилган қояларни янада аниқроқ ўрганиб чиқиб, бир неча хил текширишлар ўтказилиши мумкин, шулар жумласидан: лойихалаш, тузиш, иктисодий ва молиявий жихатларини қўриб чиқиш, маъмурий бошқаришни ўрганиб чиқиш. Буларнинг ҳаммаси лойихани бажарилишига, кейинчалик ундан ўнумли фойдаланишга атроф муҳитни муҳофаза бўйича муқобил вариантини топиш, лойихани маҳаллий аҳолига таъсири ва ҳоказо. Биз лойихани қанчалик ҳар томонлама қўриб чиқсак, маъқул лойиха ўстида тўхташимиз мумкин бўлади.

Текшириб чиқиш. Мутахассислар ҳулосаси. Текшириб чиқиш – лойихага молиявий пул ажратишдан олдин ўтказиладиган охириги баҳо ҳисобланади лойихани қўриб чиқишнинг ҳулосасида ушбу лойиханинг мақсадга мувофиқлиги, ҳаётга тадбиқ этиш мумкинлиги, ҳамда ундан келажакда қўл фойда келтирилиши мумкинлиги аниқлаб чиқилади. Текшириб чиқиш вақтида асосий эътибор энг яхши вариантга ҳамда унинг иктисодий самара, ажаратиладиган қаражатлар, бошқаришдаги ўзгаришлар ва ҳоказо, ҳуллас лойихани амалга оширишдаги ишлаб қўриб чиқилади.

Қелишув қараёни. Маҳсулатлашиш қараёнида банк ва қарз олувчи лойиха бажарилишини таъминлашга алоқадор қора-тадбирларни қўриб

чикадилар. Узаро маслахатлашиш натижасида бир карорга келишгач, ушбу карор юридик мажбурият кучига киради ва у кредит олишда хужжат хисобланади. Маслахатлашиш тугагач, текшириб куриш акти (далолатномаси) ва тайёрланган хужжат Банк бошқарувчисининг маъруаси билан бирга кредитларни таксимловчи директорларга куриб чиқишга юборилади.

Амалга ошириш. Бу босқичда лойиха керакли ташкилотларга тарқатилади. Амалга ошириш этапида барча куринишдаги ишлар кузатиб борилади ва назоратга олинади, ҳамда ишлар қайси мамлакатда бажариладиган бўлса, шу ердаги маъмурий орган ва инспекторлар томонидан кузатиб борилади. Текшириш тартиблари маслахатлашиш стадиясида келишиб олиниши керак.

Баҳолаш. Баҳолаш этапида қуйидагилар аниқланади: кейинги лойихалардан фойдаланиш учун, лойиха мақсади аниқланганлик даражаси баҳоланади ва тажриба ҳулосалари аниқланади. Бу этап давомида лойихани бажаришдаги ҳақиқий натижалар яъни режалаштирилган бўлса шундай бажарилаяпти. Мустақил молиявий муассасалар, масалан Жаҳон банки узларига лойихаларни баҳолашни қоида қилиб олганлар.

11.3. Инсонлар лойиха мақсадига эришиш учун аниқ мақсад билан ишламасалар ҳеч қайси лойиха самарали бўлмайди. қачонки лойиха менежери қўпчилик ишловчиларга раҳбарлик ва ташкилотчилик қилиб, зарур томонга йўналтира олса, ушбу лойиха муваффақият қозонади. Менежерлар ишловчилар билан узаро бўғлиқ муносабатда бўлиб, ишловчиларни лойиха натижаси билан қизиқтира олса, шундай лойиха қўтилган натижани бериши мумкин.

Менежерлар лойиха асосида қўрилган, масалан қўрхонани ишга туширилиши учун унинг ташкилий тузилиш структураларини, токи лойиха қўзда қўтилган фойдани қелтира олса, ишлаб қиқишлари лўзим. Менежерлар учун турли масалаларнинг аҳамияти лойиханинг типини аниқлашда, унинг қайси минтақа ёки мамлакат фойдаланилиши қатта аҳамиятга эга. Менежерлар учун баъзи масалалар илгаридан маълум хисобланади, чўнки бундай масалалар билан аввалги лойихаларда дўч қелишган.

Баъзи қийинчиликларга менежерлар илк қўр дўч қелиши мумкин, шўнинг учун менежерга иш режасини тузишда ёрдам қерак. Шу сабабли лойиха менежерлари лойиха қандай шароитларда амалга оширилаяпти ёки ишга туширилаяпти қабди масалаларга яқиндан ендашадилар. Менежментга тажриба ва маълум иш қобилиятига эга бўлишлик асосий аҳамиятга эга.

Лойиха мақсадини аниқлаш, уни режалаштириш, ишга раҳбарлик ва иш бажариш қараёнида ёрдам бериш менежер учун асосий вазифа хисобланади. Иш қараёнини назорат қилиш, бюджетни қўзатиб қориш, ишлаб қикариш қажми ва лойиха ресурсларини қўзата қилиш менежернинг асосий бажарадиган вазифаси бўлиб қолади.

Менежментнинг тажрибаси, бажарадиган фаолияти ва қонтексти. Қонтекст деганда лойиха бажарилаятган ташқи ва ички муҳит, режаси ёки

режалаштирилатган бизнес тушунилади. Ташки мухит уз ичига куйидаги омилларни олади:

1. Физикавий омиллар: танлаган жой, иклим, жуғрофик тузилишнинг хусусиятлари ва хоказо.
2. Иктисодий омиллар: ички ва халқаро.
3. Маданий, ижтимоий ва сиёсий омиллар.
4. Технологик омиллар: имконият ва узгаришлар ички мухитга асосан катнашувчилар, маблағ куювчилар ва миқознинг узаро куйидаги алоқалари.
5. Лойиха эгаси – давлат ёки директорлар кенгаши,. Акционерлар ёки хусусий шахс.
6. Фойдаланувчи, бозор, харидор, миқоз, фойда олувчи шахс ва хоказолар ана шуларнинг талаб ва истакларини эътиборга олиш керак.
7. Иш жараёнига жавобгар булган бош ташкилот, вазирлик ёки корпорация.
8. Лойихани бошқарувчи команда ёки бизнес штатидаги ходимлар ва маслахатчилар.
9. Жихозларни етказувчи ёки хизмат курсатувчи ижарачилар, чакана савдо фирмалар ва хоказолар.

Уильям Смит хокимликнинг 3 йуналишини курсатади: назорат, таъсир утказиш ва эътироф этиш. Таърибада ишга бундай ендошиш фойдали булди, бу йул-йурук африка учун кишлок хужалигида ишловчи менежерларни тайёрлашда дастурий асос булди. Жералд Эгап менежерлар тайёрлашда марказий уринни миқознинг хохиши ва талабига каратди. Менежмент тизими якин ва узокдаги мухит билан чегараланади. Ж.Эгапнинг «максадга мувофик» деб хисобланган омиллари ишчи мухитга тегишли. Бу таассуротлар менежментнинг самарадорлигига ижобий ва салбий таъсир этиши мумкин. Ж.Эгапнинг ихационал омилларига куйидагилар киради:

1. Ижтимоий омиллар: мукофотлар ва хаёт сифати.
2. Сиёсий омиллар: хокимият, ресурслар ва маънавият.
3. Мукофотга, хокимликка ва хаёт тарзига индивидуал таъсир бериш.

Макдоналд Бенжамин буйича: лойиха бошқаруви утказилаётган мухит куйидаги 3 гурух омилларидан иборат:

1. Ички мухит: стратегия, сиёсат ва вазифалар.
2. Якин мухит: шартномачилар ва мол етказиб берувчилар, лойиха бажарилишидан манфаатдорлар.
3. Ташки мухит: давлатнинг ташки иктисодий сиёсати, давлат булимининг бошқарув тизими, ижтимоий иктисодий тизим, сиёсий мухит ва бошқалар (инфляция, бозор ва хоказолар).

Ф.У.Грег менежерлар тайёрлашда 4 та гурух омиллари ажратишни таклиф этди:

1. Сиёсий ва ижтимоий таъсир.
2. Иктисодий омиллар.

3. Хукукий.
4. Технологик узгаришлар.

Менежментнинг вазифаси ва бажарадиган иши.

Баъзан менежментнинг усталиги ва бажарадиган ишидаги фаркни аниклаш жуда мураккаб булади.

1-вазифа: Рахбарлик менежерлар командасига бажариладиган мақсад ва вазифани аниқ ва тушунарли қилиб бера олиши.

а) мижоз ва унга жавоб берувчи қим ҳисобланади - лойиха эгалари менежер фаолияти натижасида ютишлари ҳам, ютказишлари ҳам мумкин;

б) мижоз бозорни аниқлайди ва лойиха маҳсулотидан манфаатдор. Мижоз билан муносабатни қандай олиб бориш керак? Вазифа қандай?

2-вазифа: Режалаштириш. Режалаштириш 2 хил булади:

а) стратегик режа – мақсад ва мижоз уртасидаги ижтимоий иқтисодий муҳит;

б) ҳаракат режаси – бу ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати, унинг иқтисодий самарадорлиги ва бажариладиган иш ҳажмини белгилайди. Ташкилотчилик элементлари ва менежмент.

3-вазифа: Ишга рахбарлик қилиш ва ёрдам бериш.

1. Мехнатни булиниши, моддий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш.

2. Иш программасини, иш қузини билиб бажариш.

4-вазифа: Мувофиқлаштириш.

1. ташқи муносабат ва ахборот.

2. Ички муносабатлар.

5-вазифа: Бажаришни назорат қилиш.

1. Ҳар бир соҳани, материални, молиявий томонини, бухгалтерия ҳисоботларни ва ижтимоий омилларнинг назорати.

2. Вакти-вакти билан иш бажарилишини назорат қилиш.

1. 6-вазифа: Натижага мулжал. Муқофотлаш тизмини қўллаш. Ёлланган профессионал бошқарувчиларни таклиф этиш ва бошқалар.

11.4. Лойиханинг устиворлиги деганда - лойиханинг аҳамияти ва узокка чидамлиги, ундаги қуйидаги масалаларнинг, яъни ундан фойдаланиш, техник томондан хизмат қўлатишга, жорий таъмирлаш ва лойихани бошқаришга, ундан иқтисодий самара олишга қаратилган. Давлат ва халқаро ваколатхоналар: режалаштиришни тараккий этириш биринчи галда лойихани ишлаб чиқиш, уни таҳлил қилиш ва қайта ишлашга қуйидаги масалалар бўйича ишлатиш, техник хизмат қўлатиш ва жорий таъмирлаш лойиха узокка чидамлигига (устиворлигига) эътибор берадилар.

Лойихани амалга оширишни қўзғатувчи назоратнинг мураккаб тизими ва режалаштирилган ҳам ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини таққослашни фақат баъзи-бир мамлакатларгина, масалан жаҳон банки аъзоларигина доимо лойихани ишга тушириш ва техник хизмат қўлатиш бўйича, ҳамда ушбу лойиха режадаги иқтисодий самарадорлигига ета

оладими, йукми, шу хакида хисобот олиб борадилар. Захирадаги ресурслар камая боргани, инвестиция дастурининг бажарилиши хакида ахборот йуклиги сабабли, инвестиция хакида уйлашни мажбур этади, бу эса доимий назоратга талабни оширади, ҳамда лойиханинг устиворлиги ортиб боради.

Кейинги йилларда кутарилган масала буйича кизикиш ортганига кармай, хозирги даврда лойиха устиворлиги хакида ахборотлар нихоятда кам. Оз микдорда ги ахборот лойиха чидамлилиги коникарли булмаганлигини курсатади. Жахон банки лойихаларини (фойдаланишни) бахолаш булимининг (ОЕД) маърузасига биноат 557 лойиха 1986-1988 йилларда уларнинг курсаткичи баҳоланганда 52% булиши мумкин деб баҳоланган, 15% лойиханинг устиворлиги шубха остида, 33% лойиханинг устиворлиги аник эмас деб топилган.

Буларнинг асосий сабабалри:

- техник хизмат курсатишга булган харажатларнинг ортиши, жорий таъмирлашнинг кимматланиши ва инфраструктура бузилишининг тезлашиши;

- лойиха самарадорлигини пасайиши;
- сервис (хизмат) сифатининг пасайиши;
- баъзи фойдаланувчилар учун лойиха натижаларини билишнинг мураккаблиги, атроф-мухитга емон таъсир курсатиши ва бошқалар.

Лойиханинг устиворлигини аниклаш. Куп иктисодчилар ва халқаро ваколатхоналар лойиха узокка чидамлигини тараккий эттиришда шуни аникладиларки, лойиханинг давомийлик қобиляти унинг иктисодий самарадорлигини таъминлашга боғлиқ эканлигини топади. Жахон банкининг иктисодий ривожлантириш институти (ЖБ ИРИ) лойиха бир нечта йил ишлагандан сунг олинган фойда олдиндан кузлаган фойдага тенг ёки куп булса, унда лойиха чидамли деб хисобланади.

Лойиха устиворлиги купинча унинг микдорий курсаткичларида курсатилса ҳам унинг сифат курсаткичи асосий хисобланади. Ишлаб чиқариш тармоқларидаги лойихалар учун, масалан, саноатда, унинг фаолиятидаги ишлаб чиқариш ҳажмидаги фойдаланиш коэффициенти билан аникланади. Аммо Жахон банки молия ажратаётган лойихаларда бошқа мақсад кузда тутилади, масалан: субсектордаги сиёсат, технологияни бериш ёки қурилишини ташкил этиш, бу сифатли деб баҳоланади.

ЖБ ИРИ таъкидлаши буйича устиворликни аниклаш меҳнат ресурсларини тараккий эттиришда ҳам микдор курсаткичига эътибор бериш керак. Лойиха устиворлиги нисбий тушунча. У куп курсаткичлар билан баҳоланиши керак – бу курсаткичлар лойиханинг сифати ва микдор жиҳатидан фаолиятини бирлаштирилади. Асосий гоё – унинг умрбоқийлигини аниклаш. Бу қуйидагилардан иборат: ҳар қандай лойиха, у қишлоқ ҳужалигига тегишлими, шаҳар, саноатга, транспортга ёки энергетика соҳасигами – у узлуксиз маҳсулот чиқиш учун тузилганми? Ушбу саволларга жавоб бериш керак. Баъзи лойихалар учун (масалан: уй-жой ёки

йул курилиши) белгиланган муддат 30 йилга хизмат килишини ташкил этади.

Лойиха муваффақиятини баҳолаш. Лойиха муваффақиятини баҳолашда унинг фойдали натижалари давом этишини маълум муддатда ҳисобга олади. Бамбергер ва Чема лойиха устиворлигини аниқлашда альтернатив ендошишни таклиф этадилар. ОЕД фойдаланадиган ендошга чидамйлик капитал ажратишнинг фойдаси ҳисобланади. Агар лойихани бир неча йил ишлатилгандан сунг ундан олинган фойда уни ишга туширишдан олдинги кузланган фойдадан куп булса, бундай лойиха узокка чидамли ҳисобланади. агар бошка томондан ҳисобланган фойда кам чикса, лойиха чидамли эмас деб ҳисобланади. Иккинчи ендошишда лойиханинг чидамийлиги катор курсаткичлари асосида аниқланади, уларда лойихани пухталилиги унинг асосий курсаткичлари буйича ҳисобланади.

Лойихани чидамийлигига катор омиллар таъсир курсатади. ЖБ ИРИ 4 та асосий омилларни фарқлайди: иктисодий ёки молиявий, техник, ташкилий ва стратегик. Бамбергер ва Чема уз томонлардан таассуротларнинг кенг турларини эътиборга олади, масалан: лойиха тайёрланган ва амалга оширилган, лойиха ташкил этилган, унга ташкилий омиллар маҳаллий (миллий ва халқаро сифатида), бунда режалаштирувчи органлар ва лойиха менежерлари лойихани охириги омилига сезиларли таъсир курсата олмайдилар.

11.5. Лойихани молиялаштириш ва тегишли қарорлар қабул қилиш муаммоларини тадқиқ этишда лойиханинг ҳаётий цикли Бошланғич тушунча ҳисобланади. Лойихани фазаларга бўлиш ғоят хилма-хил бўлиши мумкин. Асосий нарсаси шундаки, бундай бўлиш энг муҳим назорат нуқталарини очиб берадиган булсин, бу фазалардан утиш вақтида қушимча ахборотларни қараб чиқиш ва лойихани ривожлантиришнинг имкони булган йуналишларини баҳолаш мумкин булсин. Жаҳон амалиётида лойихаларнинг мураккаблигига қараб уларни бошқаришнинг турли усулларидан фойдаланилади. Лойихаларни барча мавжуд бошқариш усуллари назарда тутилган натижаларга қаратилади, ҳуқуқ ва бурчларнинг жамланганлигига, матрицали ташкил этилганлигига, тукнашувлар ва муаммоларнинг олдини олишга қаратилади. Лойихаларни ишлаб чиқиш, улар самарасини белгилаш, уларни танлаш ва амалга ошириш, шунингдек, уларни ички ва ташқи ресурслар ҳисобидан молиялаштиришда мамлакатнинг халқаро бозорга чиқиши қучли замин ва асос ҳисобланади. Лойиханинг келажакка қаратилиши унинг олдиндан айтиб бериш мумкин эмаслигидан далолатдир, шу сабабли инвестиция лойихасининг сифат тавсифларини ҳисобга олиш мумкин. Инвестиция лойихаси одатда, ресурслар ва муайян вақт билан чекланган ҳамда қуйилган мақсадга эришишни кузда тутди. Шу нуқтаи назардан, инвестиция лойихалари узининг такрорланмаслиги ва белгиланган давр мобайнида унікалик даражаси билан тавсифланади.

Рискларни молиялаштирувчилар уртасида тақсимлаш ва минималлаштириш мақсадида лойихаларни тадбиқ этиш лойихавий молиялаштириш асосида олиб борилади. Бундай молиялаштириш ресурс

базасининг сифатини, манбаларни жалб этиш кийматларини аниклаш, ресурсларни ва жалб этилаётган маблағларнинг фойдаланиш ва копланиш муддатларини, уларнинг самарадорлигини аниклаш имкониятларини беради. Шунингдек, бу ташки ва ички омилларнинг таъсир даражасини, уз ва узга маблағларни, учинчи томон инвестициялари, таъминловчилар, мижозлар, давлат ва халқаро тузилмалар устидан мониторинг олиб бориш имкониятини беради. Лойихавий молиялаштириш уз мохияти билан молиялаштириш режаси назарда тутилган ички ва ташки ресурслар манбалари хисобига молиялаштириладиган аралаш, корпоратив молиялаштириш ва кредитлашдан тубдан фарк қилади. Лойихавий молиялаштириш узининг лойихалаш фалсафасига эга. Унда лойихани жойлаштириш мамлакати, фаолият соҳаси, сектор, компания, ривожланиш режаси ва бошқалар, лойиханинг асосий тавсифлари, инвестициялар баёни, хом ашё етказиб бериш (таъминотчилар иштироқи), атроф-муҳитга таъсир, лойиха маҳсулоти бозори ва маркетинг (мижозлар иштироқи) кузда тутилади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, лойихавий молиялаштириш лойиха тахлили ўтказилишини, бу тахлилда бошқалар билан бир қаторда синдицирлаштирилган кредитларни қайтариш тахлилини ҳам тутати. Бир лойихани амалга оширишга йуналтирилган молиялаштиришнинг барқарор тури (синдикатга уюшган бир неча кредиторларнинг кредитлари мажмуи) синдицирлаштирилган кредит деб аталади. Бу кредит тури лойихани бир кредитор томонидан молиялаштириш учун талаб қилинадиган ресурслар ҳажмини таъминлашнинг иложи бўлмаганда ёки кредитор учун эҳтимоли бўлган риск даражаси, қабул қилиниши мумкин бўлганидан бир неча марта ортиб кетадиган бўлса, қулланилади.

Синдицирлаштирилган кредитлаш ўтиш иктисодиётига эга бўлган мамлакатларда ҳар бир кредитор учун Алоҳида кредит рискларни пасайтириб, жиддий муаммоларни ҳал қилиш имкониятларини беради. Синдицирлаштирилган кредитлаш асосида ташкил этиладиган лойихавий молиялаштириш ресурслар базаси сифатини баҳолашни назарда тутати. Бу баҳолаш ресурсларни жалб этиш нархларини, ресурслардан фойдаланиш муддатлари, жалб қилинган маблағларни қуйиш ва копланиш даври, рентабеллик даражаси ва уларнинг сифатига ички ҳамда ташки омиллар мажмуининг таъсирини аниклаш асосида ўтказилади.

Лойихавий молиялаштириш лойихани амалга оширишни қузатиб бориш маҳсус тизимига эга бўлади. Бунда уз фондларидан, қарзга олинган маблағлардан, бошқаларнинг инвестицияларидан фойдаланиш, таъминотчилар, мижозлар, давлат, халқаро тузилмалар фаолияти бўйича мониторинг ўтказишни назарда тутати. Мониторинг, шунингдек, инвестиция жараёни иштирокчиларининг жорий фаолиятини, дастлабки молиялаштириш тузилмасини, ҳисоб – китобларнинг фойдалилигини, синдицирлаштирилган кредитни қайтариш графиклари ва қарзни ўзиш шартларини қузатиб боришни ҳам қамраб олади. Лойихавий молиялаштириш узининг мураккаб молиявий муносабатлари (синдицирлаштирилган кредит ёки қарз беришда қўп томонларнинг

катнашиши), кредиторга моддий кафолатлар бериш, лойихалар эвазига ишлаб чиқариладиган махсулотларни харид қилиш бўйича узок муддатли контрактлар асосида молиялаштиришни амалга ошириш билан лойихаларни молиялаштиришдан тубдан фарк қилади. Бунда ишлаб чиқариладиган махсулотни олдиндан белгиланган нархларда (уларга узгаришлар киритиш шарти билан), қарзларни узиш бўйича рискларни тақсимлаш ва анча пасайтириш билан сотиб олиш назарда тутилади. Бундай контрактлар қарзнинг ишончли таъминотиға айланади.

11.6. Жахон банки баҳолаганига қура, республика банк тизимининг марказлашганлиги, рақобат йуқлиги ва унга хос хусусиятларнинг, яъни қайта молиялаштириш ставкаларининг, кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг узгарувчанлиги, банкларнинг ссуда портфелларини диверсификациялашда узок муддатли кредитлар ролини қучайтиришга йул қуймади. Инфляцияни пасайтиришда эришилган натижалар бозорға утиш шароитларида қайта молиялаштириш ставкалари ва банк кредитлари ставкаларини уларнинг пасайтириш томон узгаришига имконият яратар эди.

Банк тизими учун пруденциал меъёрлар мажмуи ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- капиталнинг етарли коэффиценти (10 фоиз, Базель қумитаси стандартларидан 2 фоиз юкори).
- очик позициялар микдорини чеклаш (бир қарз олувчига бериладиган кредит микдори 25 фоиздан 15 фоизгача қамайтирилган);
- ссудалар таснифи (қарз олувчининг молиявий ахволи ва қелажақда қуриладиган зарарлар эҳтимоллари асосида);
- захира талаблари (минимал захиралар даражаси клиринг ва ҳисоб депозит варақларида баланснинг 20 фоизи микдорида);
- банклар учун бухгалтерия ҳисобининг янги стандартлари ва янги ҳисобварақларда тарихи (кредитлар таснифи учун). Улар бозорға утиш босқичида тижорат банкларини бозор сари йуллашга хизмат қилади.

Капитал инвестицияларни молиялаштиришда банк секторининг иштирокини «узун» депозитларнинг етарли эмаслиги, ссуда портфеллари сифатининг пастлиги, банк секторида рақобат даражасининг чекланганлиги, банкларнинг солиқ тушумларини таъминлаш тизимиға жалб этилганлиги, операцияларнинг нақд пул ва нақд бўлмаган пулларға бўлинганлиги, инфляция жараёнларининг борлиги (2000 йилда ойига 1,9 фоиз) ва бошқалар муайян даражада чеклаб қуймоқда. Рақобат мухитини рағбатлантириш, хусусий банкларнинг ролини қенгайтиришға қаратилган ҳужжатлар, жумладан, республика Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш туғрисида», 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик тижорат банклари ишини такомиллаштириш чора тадбирлари туғрисида» Фармонлар, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги «Давлат мулкини хусусийлаштиришда чет эл капитали иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирлари туғрисида» ги ва 1999 йил 16 январдаги «Банк тизимини янада

ислох килиш чора-тадбирлари туғрисида» ги қарорлари, Республика Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох килиш чора-тадбирлари туғрисида» ги Фармони инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банкларнинг ролини кутариши лозим. Уларни амалга ошириш инвестицияларни молиялаштириш манбаларида банк кредитининг ролини кенгайтиришга ёрдам беради.

Жаҳон амалиётида деярли барча мамлакатларда банкларнинг тижорат фаолияти уларнинг актив операциялари ҳажмига нисбатан уз маблағлари миқдорига қараб давлат томонидан тартибга солинади.

Одатда, тартибга солиш аксарият ҳолатда у ёки бу давлатнинг умумий иктисодий сиёсати билан белгиланади. қайсидир иктисодиётда яққа истеъмолни, уй-жой қурилиши, майда саноатни кредитлаш рағбатлантирилади, қайсидир иктисодиётларда эса давлат томонидан валютани умумий тартибга солишга мос келадиган экспорт кредитлари чекланади. Бир қарз олувчини кредитлаш меъёрлари ҳам бир хил эмас. Бир қарз олувчи деганда ҳатто бир хилда манфаатдор бўлган субъектлар гуруҳи ҳам бўлиши мумкин. Тижорат банклари учун бериладиган кредитларнинг шартлари, мақсадли йўналиши, қайтарилиши ва туловлилиги муҳимдир. Шулар билан бир қаторда банклар учун қарздорнинг мулкӣ аҳволи, унинг кредитқобиллиги ҳам муҳимдир. Банклар кредитларни муайян қафолатлар билан ва энг қам муддатларга беришдан манфаатдордир.

Бизда, банклар ва кредит институтлари узларининг кредит сиёсатларини амалга оширишда, бизнингча, уз фаолиятини замонавий талаблар даражасига олиб чиқиш мақсадларида акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хизмат сифатини ошириш, шериклар билан узаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш, тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш қабӣ вазифаларни амалга оширишлари зарурдир. Банкларнинг кредит сиёсати эса маблағлардан ҳаётӣ лойиҳаларни амалга оширишда самарали фойдаланишга қаратилган бўлиши лозим. Бундай лойиҳаларни кредитлаш учун банклар узок муддатли депозитлардан иборат ресурсларга эга бўлишлари талаб этилади.

УЗ-УЗИНИ НАЗОРАТ +ИЛИШ САВОЛЛАРИ

1. Инвестицион лойиҳалар таҳлилининг узига ҳос жиҳатлари нималардан иборат?
2. Инвестицион лойиҳа цикллари деганда нимани тушунаси?
3. Инвестицион лойиҳа менежментининг мазмуни нимадан иборат?
4. Инвестицион лойиҳанинг устиворлиги қандай аниқланади?
5. Лойиҳа муваффақиятини баҳолаш деганда нимани тушунаси?
6. Синдицирлаштирилган кредитлашнинг лойиҳаларни молиялаштиришдаги аҳамияти нималардан иборат?

7. Капитал инвестицияларни молиялаштиришда банк тизимининг роли нималардан иборат?
8. Лойихаларни бошқаришда менежментнинг вазифасига нималар киради?
9. Менежментнинг контексти деганда нимани тушунасиш?

12- МАВЗУ: Инвестиция рисклари ва уларни пасайтириш йуллари

РЕЖА

12.1. Инвестиция рисклари тушунчаси ва унинг узига хос хусусиятлари.

12.2. Рискларнинг таснифланиши ва уларни аниклаш йуллари

12.3. Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолаш.

Адабиетлар: 9,10,11,14,18

Таянч иборалар: инвестициялашда риск тушунчаси таваккал хавфи, иш билан боғлиқ таваккал хавфи, бозор тасодифи хавфлари, молиявий хавф, фоида хавфи, ликвидлик хавфи, тасодиф хавфи, лойихани вужудга келтиришдан олдинги таёрланиш босқичи, лойиха экспертизаси.

12.1. Молиялаштириш манбалари тузилмасини оптималлаштириш инвестицияларни молиялаштиришда корпоратив мулк иштирокини кенгайтириш, инвестиция рискларини минималлаштириш, молиялаштириш иштирокчилари жавобгарлигини ошириш, инвестициялар самарадорлигини кутариш ва даромадларнинг капиталлашувини таъминлаш вазифаларини ҳал қилишга имкониятлар яратди. Кредит ресурслари ҳиссасини кутариш, молиялаштириш натижалари учун масъулиятни оширишга ёрдам беради, чунки уларнинг роли ошиши билан банк ва кредит рисклари даражаси ҳам усади. Молиялаштириш механизмлари маблағ қувчилар, банклар, бошқа йирик инвестиция институтлари ва ресурсларни қарзга олувчилар манфаатларининг узаро моҳ келишини таъминлаш лозим. Банк хизматлари бозорида рақобатнинг қувчилиши, банклар капиталини қувтириш зарурати даромади қаст ёки рисклари юқори активларини қисқартиришга ва саноат ҳамда аграр секторлардаги муҳим лойихаларга инвестицияларни қувтиришга мажбур этади. Давлат ташкилотлари ва қорхоналарига нисбатан қувланиладиган молиялаштиришнинг бюджет қувли ҳуқуқатнинг бюджет қувсатиға асосланади ва ундан қелиб қикади. Шунини таъқидлаш лозимки, инвестицияларни бюджет қувлида молиялаштиришда маблағларни қайтариш мажбурияти йуқ, бу эса қарз олувчиларнинг уз қуолиятини янада самаралироқ амалға оширишда манфаатдор қилмайди. Иққинчи томондан,

бюджетдан молиялаштириш карз олувчиларга фаолият эркинлиги ва ижодий ташаббус курсатишни таъминламайди, бокимандалик кафиятини уйғотади. Бюджетдан молиялаштириш тизимини тубдан узгартириш лозим. Унинг урнига давлат молиялаштиришини Япония тажрибасига асосланиб, (давлат тараккиёти банклари ёки молиялаштириш буйича давлат корпорациялари ташкил қилиш) давлат молия институтлари тизими орқали амалга ошириш керак. Бу институтлар минтакавий ривожланишдан бошлаб экспорт, импорт ва чет эллардаги инвестицияларни молиялаштиришга қадар турли соҳаларни қамраб олиши мумкин. Бундай амалиёт бугунги кунда уй-жой қурилиши учун ссудалар беришда яхши натижалар бермоқда. «Бизнес-фонд», Дехкон ва фермер хужаликлари уюшмаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг кичик ва урта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги фаолияти бу соҳаларни шакллантириш ва тараккий этиришда билвосита давлат томонидан молиялаштиришга мисол бўла олади. Шу муносабат билан, эркинлаштириш шароитларида давлатнинг бюджетдан молиялаштириш сиёсати уни давлат молия институтлари томонидан молиялаштириш ва кредитлаш билан алмаштиришга қаратилиши лозим бўлади. Давлат молия институтларининг фондларини давлат облигациялари чиқариш, минтакаларнинг махсус муниципал облигацияларини жойлаштириш, аҳолининг пул маблағлари қуйилмалари ҳисобидан шакллантириш мумкин. Бу жиҳатдан Япония Молия вазирлигининг Траст фондлари бюросига тушадиган «почта жамғармалари» йули буйича ишлар тажрибаси диққатга сазовордир. Нафақа ва суғурта бадаллари билан биргаликда, уларнинг тушуми ва сарфини ҳисобга олган ҳолда, улар «Инвестициялар ва қарзлар буйича давлат дастури» деб аталадиган дастурни белгилайди¹.

«Инвестициялар ва заёмлар буйича давлат дастури» қонун чиқарувчи орган (Олий Мажлис) томонидан тасдиқланадиган бўлса, Япониядаги каби «иккинчи» бюджетга айланиши мумкин. Давлат молия институтлари миллий иктисодиётнинг устувор, жорий вазифаларни ҳар томонлама ва тезкор қўллаб қувватлаш ҳамда амалга ошириш мақсадларига хизмат қилади. Бу институтлар минтакавий ривожланишни молиялаштириш тизимини ташкил қилади. Давлат молия институтлари мустақил бўлиб, «узини узи молиялаштириш» тамойилига асосланган ҳолда иш олиб бориши, инвестициялаш ва кредитлар буйича мустақил ҳамда ҳолис, сиёсий ва молиявий нуктаи назарлардан тарозига солинган қарорлар қабул қилиши керак.

12.2. Бозор иктисодиёти шароитида инвестициялаш жараёни таваккал хавфи билан ёнма-ён боради.

Инвестициялашда таваккал хавфи деганда –инвестиция даромадларининг қўзда тутилган микдоридан қамайиш ҳолати тушунилади. Даромадларнинг узгариши шкаласи қанчалик кенг бўлса инвестициялашда таваккал хавфи даражаси шунчалик юқори бўлади. Инвестициялашда таваккал хавфи манбалари бир-бири билан жуда боғлиқ бўлганлиги сабабли уларнинг қайси бири даромадга қанчалик таъсир этганлигини

аниклаш жуда мушкул иш. Инвестициялашда таваккал хавфининг (кейинчалик хавф деб юритилади) асосий турлари булиб: иш билан боғлиқ таваккал хавфи молиявий бозор тасодифи хавфлари, ахолининг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ бўлган молиявий хавфи; фоиз хавфи ва бошқалар ҳисобланади. Иш билан боғлиқ таваккал хавфи бу келаётган даромадларнинг ҳамма инвесторлар билан ҳисоб-китоб қилишга қафолатланганлигидир. Бундай ҳолат жами даромад инвестиция харажатларни қоплай олмайди. Албатта давлат (айрим мамлакатларда) бундай ҳолатда харажатларнинг маълум бир қисмини ўз зиммасига олади. Асосан бу хавфни бизнес билан боғлиқ бўлади. Молиявий хавф деганда ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағлар компенциялари натижасида қелиб қикадиган хавф тушунилади. Инвестиция учун қанчалик қўп четдан қарз қалб этилса шунчалик молиявий хавф қупаяди. бу хавфнинг ошиши асосан қорхоналарнинг қарз қерувчи инвесторларнинг ўз вақтида фоиз туловларнинг тулашга иложсизлик оқибатидан қелиб қикади. Белгиланган яъни, вақт аниқ қурсатилган қарзлар ёки қарз фоизлари лойиха ишга тушмасдан, даромад ҳали қелмаган вақтдан бошлаб туланиши қерак. Қорхоналарни бундай қарзларни тулай олиш қобилияти йуқлиги молиявий хавфни тугдиради.

Аҳолини товарлар сотиб олиш қобилиятининг қасайиши билан боғлиқ бўлган хавф асосан тақлиф инфляцияси вақтида бўлади. Бу даврда қўл бирлигининг харид қобилияти қасаяди. Айрим қимматбаҳо қоғозлар белгиланган вақтда инвесторга қойда қелтиришни қўзда тутганлиги учун айрим ҳолларда фоиз хавфига эга бўлади. Қўп ҳолларда қимматбаҳо қоғозларнинг қурслари олдинги қурсларга нисбатан ўзгариб туради. Натижада қимматбаҳо қоғозлар қикарган қомпаниялар белгилаб қуйилган фоизларни бера олмайдилар. Бу жараён қимматбаҳо қоғозларни бозор баҳоларини тез-тез ўзгариб туриши натижасида вужудга қелади.

Ликвидлик хавфи бу қорхоналарни ёки акцияларни қеракли вақтда қўзда тутилган сумага сотишга имқонияти йуқлигидадир. Агар қеча 1000 долларга акция сотиб олган бўлсангиз бугун уни 800 долларга сотасиз бундай акция юқори ликвидли эмас.

Бозор хавфи деганда бу даромадларни қимматбаҳо қоғозларни қурса ўзгариш эмас балки иқтисодий ижтимоий воқеалардан қелиб қикадиган хавф тушунчаларидир. Масалан: Яқин Шарқда уруш қелиб қикиш хавфи қурол аслаха ишлаб қикариш билан боғлиқ бўлган акциялар ҳамда нефт маҳсулотларига ишлаб қикаришга боғланган акциялар қурсига таъсир этади.

Тасодиф хавф бу бирданига тусатдан вужудга қеладиган хавф бўлиб жуда тез инвестиция натижаларига таъсир этади. Бунга мисол бўлиб иқкита йирик қомпанияларни бир-бирига қуйилиши ва бошқалар ҳисобланади. Умуман хавфларни баҳолаш учун ўч ҳил йуналишда ёндошиш мумқин. Анъанавий ишлаб қикаришни тубдан ўзгартирадиган ёки ўнинг структурасига салмоқли ўзгартириш қиритадиган инвестицияларни жорий этиш билан боғлиқ лойихаларни қабул қилишда

айрим ҳолларда старт даврининг мукаммал таҳлил қилмаслик натижасида яратиладиган маҳсулотга етарли харидор топа олмаслик ҳоллари вужудга келиши мумкин. Бунда албатта мукаммал вариантларни чуқур урганиш керак. Хар хил муқобил вариантлар мавжуд бўлмаган ҳолларда олдиндан маълум тадбирларни амалга ошириш керакки улар хавфни қаратилган бўлсин. Навбатдаги ендошув асосан оддий лойиҳалари уз ичига олади. Бу лойиҳаларда маълум хавф мавжуд: масалан, лойиҳани вужудга келтириш даврида уртача курсаткичлардан фойдаланамиз, лекин кейинчалик бу курсаткичлардан маълум чёкиниш вужудга келиши мумкин. Мана шу йуналишларини мисолда қуриб чиқамиз. Лойиҳада темир бетон заводи қуриш кузда тутилган дейлик, завод аҳоли яшайдиган микрорайонда бўлиб у ердан автотросса утиши кузда тутилган. Завод қурилиши трассага яқин жойда бўлади. Завод қурилиши учун 5 млрд сум маблағ ажратилган. Бу завод ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳажми 2 млрд. билан 4 млрд сум орасида бўлади. Лойиҳани яшаш даври 5 йил, бу вақтдан сунг завод сотиб юборилади. Заводнинг қолдиқ баҳоси автотросса қурилиш даври билан боғлиқ бўлиб 1 млрд билан 3 млрд сум орасидадир. Агар завод қурилгандан кейинги биринчи йили автотросса қурилиши ҳақида қарор қабул қилинмаса унинг қолдиқ қиймати 3,5 млрд сум. Дискантнинг қабул қилинган ставкаси 10% ва иккита вариантида маҳсулот сотиш ҳажми 0,5 млрд ёки 1,5 млрд сум бўлади. Буни вариантлар бўйича аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$NPV_k[\sum NP_t/(1+k_0+RU/(1+k_0)] - 1$$

Бу ерда NP_t – соф фойда ва амортизация суммаси RV -қолдиқ қиймат. қуйилган масалани бир неча вариатда ишлаш мумкин ва лозим.

- йул қурилишининг иккита варианти (1-қурилди, 0-қурилмади)
- маҳсулот ҳажмининг иккита варианти (2 млрд сум ва 4 млрд сум).
- Биринчисини эҳтимоллиги 0,3, иккинчисиники эса 0,7.
- Заводни сотишининг икки варианти (1-биринчи йилдан кейин ёки 5 йилдан кейин)
- Заводни тугатиш баҳосини икки хил варианти (1 млрд сум ва 3 млрд сум).

Агар, айтайлик шу вариантларни комбинацияси қилсак- 720 вариант вужудга келади. Йул қурилишининг мавжуд ҳолдаги вариантларни 4 рақамли сонлар билан белгилаб қуйидаги вариантларга бўлиб чиқамиз:

1) 1210 – маҳсулот сотиш ҳажми 2 млрд сум – завод биринчи йилдан сунг сотилади.

2) 1251 – маҳсулот сотиш ҳажми 2 млрд сум – завод 5 йилдан кейин сотилади, баҳоси 1 млрд сум.

3) 1253 – маҳсулот сотиш ҳажми 2 млрд сум – завод 5 йилдан сунг сотилади, қолдиқ баҳоси 3 млрд сум.

4) 1410 – маҳсулот сотиш ҳажми 4 млрд сум - завод биринчи йили сотиб юборилади.

5) 1451 – махсулот сотиш хажми 4 млрд сум - завод беш йилдан кейин сотилади, колдик бахоси 3 млрд сум.

6) 1453 - махсулот сотиш хажми 4 млрд сум - завод 5 йилдан кейин сотилади, колдик бахоси 3 млрд сум.

7) Хар бир вариантни топиш учун соф жорий даромад формуласидан фойдаланамиз.

Соф жорий даромадни топиш 1252 – вариант буйича.

Курсаткичлар	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	Жами
1.Фойда	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	
2. колдик киймат	-	-	-	-	1,0	
3.Дисконт коэффиц.	1,1	1,4	1,331	1,464	1,61	
4. Соф фойда	0,454	0,413	0,375	0,341	0,310	1,893
5.Келтирилган колдик сумма $Cl(1+0,10)$					0,621	0,621
6. Келтирилган сумма						2,514
7. Соф жорий киймат 2,514-5к-2,486						-2,486

Шунга ухшаш бошка беш вариант учун ҳам соф келтирилган киймат хисобланади.

Лойихани реализация килиш вариантларнинг курсаткичлари.

Вариантлари	Соф жорий киймат	Эхтимоллик
1210	-1,364	0,3
1251	-2,486	0
1253	-1,245	0
1410	-0,454	0
1451	1,307	0,28
1453	2,546	0,42
0	0	1

Жадвалда курсатилган манфий вариантларнинг барчаси зарарлидир.

12.3. Лойиха амалга киргунга кадар хар хил боскичлардан утади. Хар бир боскичда узига хос хавф хатарлар булиб, уларни боскичма-боскич бахолаш ва брачасининг йиғиндисини топиш керак. Олдинги мавзулардан маълумки лойиха куйидаги боскичлардан иборатдир:

- лойихани вужудга келтиришдан олдинги тайёрланиш боскичи;
- курилиш: иншоат, ускуналар куриш, курилиш учун зарур булган материалларни сотиб олиш ва уларни монтаж килиш;

- лойиха асосида вужудга келтирилган объектни ишга тушуриш ва уни тулик олиб чиқиш ҳамда шу асосда кузланган фойдага эришиш.

Хамма ҳисоб-китоблар икки мартадан, яъни:

- 1) Лойихани вужудга келтириш пайтида
- 2) Лойихани хавфли элементлари аниқлангандан кейин амалга оширилади.

Уз таъсир кучи бўйича таваккал хавф (риск)лари оддий ва мураккаб бўлади. Оддий хавфлар бир-бири билан боғлиқ бўлмаган хавфлардир. Лойихани вужудга келтириш даврида ҳамма хавфларнинг руйхатини тузиб олиш керак ва уларни ҳар бирининг хавфлардаги бўлган салмоғини аниқлаб олиш керак. Айтилган ҳолларни қуйидаги бир мисолда қуриб чиқамиз:

Ҳар бир экспертга эҳтимол хавфлар устида чуқур таҳлил ишларини олиб бориш топширилади ва уларга қуйидаги баҳолаш системасидан фойдаланиш тавсия этилади:

- 0 – хавф йук деб қабул қилинган.
- 25 – хавф асосан юзага чиқмайди.
- 50 – бу ҳолат ҳали ҳеч қандай мулоҳаза юритишга асос бўла олмайди.
- 75 – ҳар қандай хавф уз кучини қурсатса керак.
- 100 – хавф юзага чиқса керак.

Экспертлар таҳлили натижалари чуқур урганилади ва қуйидаги қонуниятларга жаоб бериши керак:

I- қонуният иккита экспертнинг фикри орасидаги фарқ 50 дан ошиши керак эмас. **Max $a_1 - b_1 \leq 50$**

Бу ерда a ва b иккита экспертнинг фикри.

Агар экспертлар сони ўрта бўлса биринчи ва иккинчи, биринчи ва учинчи, иккинчи ва учинчи экспертларнинг натижаси олинади. Масалан, Алоҳида оддий хавф бўйича ўрта эксперт қуйидагича фикр берди $a=0$, $b=25$, $c=50$, бунда $авк25$; $аск50$; $вск25$ бу натижалар биринчи қонуниятни қониктиради.

2-қонуният. Агар экспертлар қўп бўлса ҳамда уларнинг фикрлари бир-биридан тўздан фарқ қилса қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$\sum |a - b| / N \leq 25$$

Мисол: 3 та эксперт А, В, С қуйидаги лойиха баҳосини бердилар. $A(100,75,50,25,); B(75,75,75,75); C(25,50,75,100);$

$$AB [(100-75)+((75-75)+50-75)+(25-75)/4 \leq 100/4 \leq 25]$$

Худди шундай $АСк50$ ва $ВСк25$ топилади. Агар юқоридагидек экспертларнинг фикри бир-биридан фарқ қилса унда махсус мутахассислар йиғилишида бу масала урганилади. Айтайлик лойиха мақсади жамоа ҳужалиги ҳудудида акциядорлик жамияти – сўнги қайта ишлайдиган

корхона вужудга келтиришдан иборат. Хом аше базаси корхона атрофидаги фермер хужалиги ҳисобланади. Корхона уз маҳсулотини яқинда жойлашган шаҳарда реализация қилади. Корхонада йирик музлаткич бўлиб у авария бўлса атроф муҳитни аммиак билан ифлослашга олиб келиши эҳтимоли бор. Хавф даражасини аниқлаш учкун 3 та эксперт чакирилган. 1-эксперт АО директори; 2-эксперт маҳаллий раҳбар; 3-эксперт пензионер.

Хавф боскичма-боскич куйидагича баҳоланади.

ОДДИЙ ХАВФЛАР	1-эксперт	2-эксперт	3-эксперт	Уртача Vi	Аҳамиятлилик Pi
1	2	3	4	5	6
Тайёрлов боскичи					
1. Инженер тармоқларидан лойиҳани узок яқинлиги	25	0	25	17	3
2. маҳаллий раҳбарларнинг лойиҳага муносабати	25	0	50	25	1
3. қушимча ишларнинг мавжудлиги	0	0	0	0	0
1	2	3	4	5	6
қурилиш боскичи					
1. Буюртмачилик ҳақ тулаш имконияти	0	25	50	25	1
2. қузда тутилмаган ҳаражатлар, шу жумладан инфляция натижасида	75	75	100	78	1
3. қурилишга зарур бўлган ускуналарни уз вақтида етказмаслик хавфи	50	50	50	50	3
4. Лойиҳа-смета ҳужжатларини уз вақтида етказиб бермаслик хавфи.	50	75	75	67	3
5. Инженер техник ходимлар ва малакали ишчиларни уз вақтида тайёрлашни қичқириши хавфи.	0	0	0	0	2
6. қурилишни бажарадиган пудратчиларнинг ишга лойқайдлиги хавфи.	75	25	50	50	3
Объектни ишга туширилгандан кейинги боскичи					
Иқтисодий ва молиявий хавф					
1. Маҳсулотга бўлган	25	25	50	33	3

талабни баркарор эмаслиги					
2. Мукобил махсулотнинг пайдо булиши	75	25	50	50	3
3. Ракобатчилар томонидан махсулот баҳосини пайсайтирилиши	75	50	25	50	3
4. Ракобатчилар махсулот микдорини ошириш хавфи	25	0	0	8	3
5. Солиқларни оширилиши хавфи	25	25	50	33	3
6. Истеъмолчиларни ҳақ тулолмаслик хавфи	25	0	0	8	1
7. Хом ашени ва транспорт хизмати баҳоларининг ошиши хавфи.	100	75	100	90	3
8. етказиб берувчиларга боғлиқлик хавфи	25	0	25	17	3
9. Уз айланма маблағларининг етмаслиги хавфи	100	100	100	100	1
Социал хавф					
1. Малакали ишчилар билан таъминланиши эплай олмаслик хавфи	0	0	25	8	3
2. Иш ташлаш хавфи	100	75	75	83	1
3. Маҳаллий рахбарларнинг муносабати	50	25	100	58	3
4. Иш ҳақи етарли эмаслиги хавфи	100	50	75	75	2
5. Кадрлар малакаси	25	25	50	33	3
Техникавий хавф					
1. Хом аше ва материаллар сифатининг баркарор эмаслиги	25	0	25	17	3
2. Технологиянинг янгилиги даражаси	50	25	50	41	3
3. Технология етарли даражада ишончли эмаслиги хавфи	75	50	75	67	2
4. қушимча қувватларнинг йуклиги хавфи	25	0	0	8	3
Экологик хавфлар					
1. Атроф муҳитга чиқинди чиқариш хавфи	50	75	50	58	3

2. Ишлаб чиқаришнинг зарарлиги хавфи	0	25	0	8	3
--------------------------------------	---	----	---	---	---

Биринчи боскич бўйича яъни тайёрлов давридаги хавфлар бўйича маълум буладиги иккинчи эксперт оптимист, учинчи эксперт эса пессимист. Бу албатта келгусида туғри қарор қилишга ижобий таъсир қурсатади. Юқоридаги келтирилган хавфлардан ташқари қуйидаги хавфлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни тайёрлов босқичига киритиш мумкин.

- транспортдан узоқда жойлашганлиги;
- муқобил ҳам ашё манбалрига эга ёки эга эмаслиги;
- қурилишга доир буладиган юридик ҳужжатларни тайёрлаш;
- объектини бошқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган хавфлар.

Буларни юқоридаги хавфларга қушиш учун муқобил жавоблар бўлиши керак. Агар экспертларнинг фикрлари бир жойдан чиқса унда буларни қушиш шарт эмас. Юқоридаги жавдалда экспертлар томонидан баҳоланган хавф даражасининг дастлабки натижалари қайд этилган. Қавс ичида экспертларнинг айрим хавфлар бўйича ўртача баҳолари келтирилган. Ҳама баҳо бўйича ўртача баҳо чиқарилган бўлиб бу келгуси мулоҳазаларда зарурдир. Ҳар бир хавфнинг салмоғи (аҳамияти) экспертлар томонидан эмас балки лойиҳани вужудга келтирувчилар томонидан белгиланган. Аҳамиятлилиқ ҳама бўлинган бўлиб 1 ва 3 аҳамиятлилиқ орасидаги нисбат 10 га тенг. Агар учинчи аҳамиятлилиқни Х билан белгиласак. Иккинчи аҳамиятлилиқ

$$5,5X = (10 + 1) * X \text{ га тенг булади.}$$

Шу асосда юқоридаги жадвални қушимча материаллар ёрдамида қуйидаги шаклга келтирамиз.

Оддий хавфлар	Ўртача V	Аҳамиятлилиқ	Wi	Pi
Тайёрлов босқичлари				
1	17	3	0,01	0,2
2	25	1	0,10	2,5
3	0	3	0,01	0
Ўртача эҳтимоллик				
1	25	1	0,10	2,5
2	83	1	0,10	8,3
3	67	3	0,01	0,7
4	50	3	0,01	0,5
5	0	2	0,055	0
6	50	3	0,01	0,5
Ўртача эҳтимоллик				
ЭКСПЛУАТАЦИЯ БОС+ИЧИ				
МОЛИЯВИЙ И+ТИСОДИЙ				
1	33	3	0,01	0,3

2	58	3	0,01	0,6
3	42	3	0,01	0,4
4	8	3	0,01	0,1
5	33	3	0,01	0,3
6	8	3	0,01	0,8
7	90	3	0,01	0,9
8	17	3	0,01	0,2
9	100	1	0,1	10
Уртача эҳтимоллик				13,6
ИЖТИМОЙ				
1	8	3	0,01	0,1
2	83	1	0,10	8,3
3	67	3	0,01	0,7
4	75	2	0,055	4,1
5	33	3	0,1	0,3
Уртача эҳтимоллик				13,5
ТЕХНИК				
1	17	3	0,01	0,2
2	41	3	0,01	0,4
3	67	2	0,055	3,7
4	8	3	0,01	0,1
Уртача эҳтимоллик				4,4
ЭКОЛОГИК				
1	58	3	0,01	0,6
2	8	3	0,01	0,1
Уртача эҳтимоллик				0,7

Жадвал тахлили шуни курсатадики лойихани тайёрлов даврида вужудга келадиган хавф 2,7% ни ташкил этади. Ижтимоий хавф даражаси 14 фоиз экан.

Боскичлар буйича хавфларни даражаси	Хавф
Лойиханинг тайёрлов даврига хос хавфлар	2,7
қурилиш билан боғлиқ хавфлар	12,3
Эксплуатация билан боғлиқ хавфдир	32,5
Жами	47,4

Бу лойиха хавфи 50 фоизни ташкил этди. Шунинг учун таваккал қилишдан олдин чуқур қуриш керак. Аҳамиятлилиқ орасидаги нисбат узгартирилса ҳам натижа тахминан шундай чиқади.

Нисбат.	100	10	5	3
Хавф эҳтимоллиги	52,7	47,4	47	44,9

Хавф асосан муҳим булган омиллардан ташкил топади. Бизнинг мисолимизда булар куйидагилар: Уз айланма маблағларини етишмаслиги хавфи – 10,0 % ., иш ташлаш хавфи –8,3 % ., кузда тутилмаган харажатлар шу жумладан инфляция 8,3 %. Бу учта олишга ярмидан купрок-26,6 % хавф туғри келади. Агар шу хавфларни бартараф кила олсак унда лойихани инвестициялаш мумкин булади. Юкоридаги хавфлардан ташкари аниклаб булмайдиган хавфлар ҳам бор: булар табиий офатлар, ҳукумат сиёсатининг узгариши кабилар киради.

УЗ-УЗИНИ НАЗОРAT ҚИЛИШ САВОЛЛАРИ

1. Нима учун инвестициялаш жараёнида риск тушунчалари кузатилади?
2. Инвестициялашда таваккалчилик хавфи деганда нимани тушунаси?
3. Таваккал хавфининг асосий турларига кандай хавфлар киради?
4. Иш билан боғлиқ таваккал хавфи деганда нимани тушунаси?
5. Молиявий хавф кандай ҳолларда юз беради?
6. Ликвидлик хавфи деганда нимани тушунаси?
7. Бозор хавфи қачон юз бериши мумкин?
8. Инвестициялашда таваккалчилик хавфи даражаси кандай аникланади?
9. Нима учун инвестицияларда таваккал хавфи даражаси боскичма-боскич баҳоланади?
10. Инвестицияларда аниклаб булмайдиган хавфлар булиши мумкинми?

ИЗОХЛИ ЛУҒАТ:

Инвестициялар ва уларни молиялаштириш фанининг предмети - булғуси бухгалтерларга инвестициялар, уларнинг турлари ҳамда уларни молиялаш манбаларини назарий жихатдан ургатишдан иборат.

Фаннинг умумий услуби - диалектик услуб булиб, барча иқтисодий жараёнлар узаро боғлиқликда ва ривожланишда деб қарайди.

Фанинг хусусий усулларига - таккослаш, баланс, таҳлил ва синтез, абстракт фикрлаш, дисконтлаш, соф келтирилган киймат усуллари киради.

"Инвестициялар" - аслида немисча Investition, лотинча Investio суздан олинган булиб, асосан, ишлаб чиқаришга узок муддатли куйилмалар сарфини, яъни харажатлар йиғиндисини англатади деб таърифланган.

Инвестициялар - барча турдаги мулкый ва интеллектуал бойликларни узок муддатли куйилмалар тариқасида халқ хужалиги тармоқларига сарф этиладиган харажатлар йиғиндисини акс эттиради.

Инвестицияларнинг нима ва кайси сохаларига сарфланишига асосланиб - уларни молиявий ва реал инвестицияларга ажратиш мумкин.

Молиявий инвестициялар - шахсий кампаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акцияларга, облигацияларга бошқа қиммат баҳоли қўғозларга ва банк депозитларига, узок муддатга жалб қилинган қўйилмалардир. **Молиявий инвестициялар** - қимматли қўғозлар бозорида сарфланишини ва шу бозорда қатнашишини аниқлатади.

Реал инвестициялар - эса молиявий инвестициялардан фарқ қилиб, улар асосий капитални ва моддий бойликларни устиришга сарфланадиган қўйилмалар.

Реал инвестицияларни сарфи - асосий фондларни ўсишига, янгилашишига, ишлаб турган қўғозларни қайтагиришига, моддий бойликларни қўйишига олиб келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларга бўлган эҳтиёжни қондиришда - ички ва ташқи молиялаш манбаларидан фойдаланилади.

Инвестицияларнинг ички манбалари сифатида - давлат бюджети ҳамда тижорат банклари маблағларини ва хусусий инвесторларни қўйишда, **ташқи манбалар сифатида** - хориж давлат маблағларини, хусусий мулк эгаларини капиталини, Жаҳон банки кредитларини айтиш мумкин.

Чет эл инвестициялари - инвесторлар фойда олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўйиладиган мулк бойликларнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқларнинг барча турлари чет эл инвестициялари ҳисобланади.

Халқаро кредит - бир мамлакатдаги кредиторнинг бошқа мамлакатдаги қарз оловчи қайтаришлик шартлари билан берадиган пул ёки товар қўйишидаги ссуда.

Ссуда маблағи (сармояси) - мамлакатнинг халқаро қарзлар, кредитлар шаклида чиқарадиган ссуда қўйиш келтирадиган капитал

қўйиш тадбиркорлик - бунда мураккаб қўғозлар ташкил этилади, мулк, даромад барча иштирокчилар ўртасида тақсимланади.

Халқаро қўйиш қўғозлар - унинг муассасалари икки ёки ундан ортиқ давлатларда қўйишга олинадиган бўлади.

Молиявий захира сармоясини қўйишига - асосий фондлар, айланма фондлар, муомала фондларига қўйиладиган пул маблағлари қўйилади.

Асосий фондлар - меҳнат қўғозлари, воситалари йиғиндисининг қўйиш қўйишидир.

Қичик бизнеснинг ишбилармонлик тизимларида молия ресурслари - қўғоз харажатларини ва инвестицияни маблағ билан таъминлашда ишлатилади.

Венчурли капитал - бу таваккалчилик капитални қўйишнинг белгиланган учун ишлатилади, у ўзини янги акциялар чиқарувчи инвестиция шаклида қўйилади.

Портфелли инвестиция – бу фойда олиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиқ, транспорт, кредит ва бошқа корхоналарга узок муддатли капитал маблағларни қиритишдир.

Аннуитет – омонатчига вақт-вақти билан туланадиган пул маблағидир (бадал, рента ёки фойда).

Инвестициялардан келадиган даромадни дисконтлаштириш – бу келажакда олинадиган умумий пул қийматини ҳозирги пул қийматига нисбатан аниқлашдир.

Факторинг – бу айланувчи воситаларни кредит билан таъминлашда уртада турувчининг фаолият туридир.

Кредит (қарз) - пул воситаларини товар ва хизматларни маълум устама (%) тулаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга қарзга бериш.

Банкларнинг асосий вазифаси - вақтинча буш пул воситаларини бир жойга туплаш корхоналарга ва умуман пулга муҳтожларга кредит, ссуда бериш, пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш, турли қиммат баҳо қоғозлар чиқариш, олтин ва чет эл валюталари билан боғлиқ муомалаларни бажариш ва бошқалар.

Марказий эмиссия банки - қиммат баҳо қоғозлар эмиссиясини амалга оширади, бошқа барча банкларнинг зарурий захирасини сақлайди, уларга кредит фондларини таркатади.

Кредит - буш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида туплаш ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маълум муддатга, ҳақ тулаш шарти билан қайтариб бериш учун йуналтириш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни ифодалайди.

Ғоиз ставкаси деб - тадбиркорнинг ҳақиқий капитални қарзга фойдаланишга олиш ҳисобига тулайдиган баҳосига (пул қийматига) айтилади.

Қучмас мулк лизинги -объектларни, асосан бино ва иншоотларни ижарага бериш шаклида амалга оширилади.

Молиявий лизинг - бунда ихтисослашган лизинг компаниялари турли корхона ва фирмалар томонидан тайёрланган машина ва усқуналарни ижарага берадилар.

Лизинг операцияларининг қенгайишининг мақсади -илмий техника тарққиети шиддатли тус олаётган бир пайтда машина ва усқуналарнинг

маънавий эскириши тезлаша боргани сари, корхоналар учун асосий воситаларни карзга олиш йули билан узлуксиз янгилаб боришдан иборат.

Лизингда - карз олувчи (ижарачи) маълум кийматни товар шаклида вақтинча фойдаланиш учун олади.

Ижара кредити битимининг иштирокчилари: - бир томондан лизинг компания (ижарага берувчи) машина ва ускуна ҳамда бошқа кимматликларни ишалаб чиқариб ижарага берувчи корхона, иккинчи томондан эса, ижарага берилган машина ва ускуналар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланувчи ижарачи корхоналардир.

Лойиха тахлили - лойихани таъсир қилиши ва ролини ҳар хил нуқтаи назардан қайтадан, уларни ишлаб чиқариш даврида қуриш имконини беради.

«Лойиха цикли» тушунчасига - лойихани ишлаб чиқариш ва амалга ошириш босқичлари қиради.

Контекст деганда - лойиха бажарилаётган ташқи ва ички муҳит, режаси ёки режалаштирилаётган бизнес тушунилади.

Лойиха муваффақиятини баҳолашда - унинг фойдали натижалари давом этишини маълум муддатда ҳисобга олади.

Лойиханинг устиворлиги деганда - лойиханинг аҳамияти ва узокка чидамлийдиги, ундаги қуйидаги масалаларнинг, яъни ундан фойдаланиш, техник томондан хизмат курсатишга, жорий таъмирлаш ва лойихани бошқаришга, ундан иқтисодий самара олишга қаратилган.

Инвестициялашда таваккал хавфи деганда – инвестиция даромадларининг кузда тутилган микдоридан камайиш ҳолати тушунилади.

Инвестициялашда таваккал хавфининг асосий турлари бўлиб- иш билан боғлиқ таваккал хавфи молиявий бозор тасодифи хавфлари, аҳолининг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ булган молиявий хавфи; фоииз хавфи ва бошқалар ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Каримов И.А. "Узбекистон иктисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида". Тошкент, "Узбекистон", 1995 й.
2. Каримов И.А. «Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули» Т.: «Узбекистон», 1992.
3. Каримов И.А. ХХІ аср бусагасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари,. Тараккиёт кафолатлари» –Т.: «Узбекистон», 1997
4. Каримов И.А. «Иктисодиётни либерллаштириш ва чуқурлаштириш бизнинг бош вазифамиз. «халк сузи», 15.02.1999
5. Каримов И.А. «Узбекистон демократик узгаришларнинг янада чуқурлаштириш ва Фукаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йуналишлари» мавзусидаги Олий мажлисининг 9 сессиядаги маърузаси, 2002 йил 29 август. Халк сузи, 2002 30 август.
6. Каримов И.А. «2003 йилда мамлакатни ижтимоий – иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иктисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг асосий йуналишлари» га бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маъруза 2004 йил 10 феврал Узбекистон овози газетаси.
7. Узбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти туғрисида» ги қонуни. «Солиқ туловчининг журнали», №2, 1999.
8. Узбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш қоралари туғрисида»ги қонуни «Солиқ туловчининг журнали» №9, 1998 йил 30 апрел.
9. Банк тизимини ислох қилишга доир қушимча қоратдиблар туғрисида: Узбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори, 2000 йил 24 март. Узбекистон республикаси ҳукуматининг қарорлари туплами. – 2000 №3.-Б.31-33.
10. қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида Узбекистон республикасининг 2001 йил 30 қонуни. Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001 йил 9-10- сон. – Б.111-118.
11. Абдуллаева Ш. «Пул кредит ва банклар» Тошкент, 2000
14. Гозиев Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия» – 2003 й.
15. Гуломов С.С. Инвестицияларнинг лойихавий таҳлили. Т.: 1998 йил.
16. Игошин Н.В. «Инвестиций»- М.: «Финансу»,. 1999
17. Ионов В.И. «Инвестиционное проектирование» –М.: «Издельство ПРИОР», 1998
18. Ишмухамедов А.Э., Ахмедов Д.К. «Лойиха таҳлили» – Т.: ТДИУ, 1998

М У Н Д А Р И Ж А

<i>Кириш</i>	5
1. <i>Фаннинг предмети, урганиш усуллари ва вазифалари</i>	6-9
1.1 <i>Фаннинг предмети ва урганиш усуллари</i>	6-7
1.2 <i>Инвестиция категориясининг иктисодий мазмуни</i>	7-8
1.3 <i>Бозор иктисодиёти шароитида инвестиция фаолиятининг роли ва вазифалари</i>	8-9
2. <i>Инвестициялар, уларнинг иктисодий моҳияти ва макро ҳамда микроиктисодиётни ривожлантиришидаги аҳамияти</i>	10-15
2.1 <i>Инвестицияларнинг иктисодий категория сифатида микро-макро иктисодиёт даражасидаги функциялари</i>	10-11
2.2 <i>Инвестициянинг шакллари ва турлари</i>	11-12
2.3 <i>Инвестиция фаолиятининг субъектлари ва объектлари</i>	12-13
2.4 <i>Инвестицияларни молиялаш манбалари</i>	14-15
3. <i>Ўзбекистонда инвестиция фаолияти ва инвестиция сиёсати</i>	16-21
3.1 <i>Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришида давлатнинг роли</i> ...	16-17
3.2 <i>Инвестиция сиёсати, унинг мазмуни ва бозор иктисодиёти шароитида унинг роли</i>	17-18
3.3 <i>Хозирги босқичда инвестиция сиёсатининг узига хос хусусиятлари ва унга таъсир этувчи омиллар</i>	18-21
4. <i>Давлат инвестиция дастури</i>	21-31
4.1 <i>Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури-мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлан-тиришининг истикболлини белгилашнинг таркибий қисми сифатида</i>	21-24
4.2 <i>Дастурнинг асосий максади</i>	24-25
4.3 <i>Дастурни шакллантириш муддати ва тартиби</i>	25-28
4.4 <i>Дастур инвестиция лойиҳалари қийматини аниқлаш тартиби</i>	28-30
4.5 <i>Инвестиция дастурини амалга оширилишини баҳолаш</i>	30-31
5. <i>Иктисодиётда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти</i>	32-36
5.1. <i>Хорижий инвестицияларнинг иктисодий моҳияти ва мазмуни</i>	32-33
5.2. <i>Хорижий инвестицияларнинг иктисодиётдаги роли</i>	33-34
5.3. <i>қушма корхоналар уларни ривожлантириш тартиби</i>	34-35
5.4. <i>Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг аҳамияти</i>	35-36
6. <i>Реал инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий тамойиллари ва манбалари</i>	37-44
6.1 <i>Реал инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг моҳияти ва туркумланиш</i>	37-39
6.2 <i>Капитал қўйилмаларни молиялаштиришида тижорат банкларининг аҳамияти</i>	39-40
6.3 <i>Тижорат банкларини инвестицион фаолият олиб боришининг асосий максади</i>	40-42
6.4 <i>Инвестиция ва даромадларни дисконтлаштириш</i>	42-44
7. <i>Инвестиция фаолиятида капитал қўйилиш</i>	45-51
7.1 <i>Капитал қўйилишнинг моҳияти</i>	45-46
7.2 <i>Ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларнинг ишга туширилишини тартибга солиш</i>	46-47
7.3 <i>Капитал қўйилмалар ҳажми ва йўналишларини аниқлаш</i>	47-48
7.4 <i>Капитал қўйилмаларнинг иктисодий самарадорлиги курсаткичлари</i>	48-50

7.5	Капитал курилишининг боскичлари ва муддати.....	50-51
8.	Инвестицияларни бюджетдан молиялаштириши.....	52-61
8.1	Бюджетдан молиялаштириши тамойиллари.....	52-55
8.2	Бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларининг иктисодий самарадорлигини комплекс баҳолаш.....	56-57
8.3	Банкларда молиялаштиришни очиш учун тавсия этиладиган хужжатлар.....	57-59
8.4	Кичик бизнесни кредит билан таъминлаш шакллари.....	59-61
9.	Капитал маблағларни кредитлаш.....	62-67
9.1	Кредитнинг моҳияти ва вазифалари.....	62-63
9.2	Кредит ресурсларининг манбалари.....	63-64
9.3	Узок муддатли кредитлар билан таъминлашнинг иктисодий аҳамияти.....	64-65
9.4	Ссудаларни қайтариш тартиби.....	65-66
9.5	Фоиз ставкалари ва уларни ҳисоблаш тартиби.....	66-67
10.	Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг муҳим шакллари (лизинг).....	68-73
10.1	Лизингнинг иктисодий мазмуни.....	68-69
10.2	Лизингнинг асосий турлари.....	69-70
10.3	Лизинг ҳисобини юритиш тартиби.....	70-71
10.4	Лизинг учун кредит олиш имкониятларининг ошиши.....	71-72
10.5	Республикада лизинг муносабатларининг қонунчилик асосларини такомиллаштириши.....	72-73
11.	Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириши.....	74-84
11.1	Инвестицион лойиҳалар таҳлилининг узига ҳос жихатлари.....	74-75
11.2	Инвестицион лойиҳа цикллари.....	75-77
11.3	Инвестицион лойиҳа менежменти.....	77-79
11.4	Инвестицион лойиҳанинг устуворлиги.....	79-81
11.5	Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш механизми.....	81-83
11.6	Лойиҳавий молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш тадбирлари.....	83-84
12.	Инвестиция рисклари ва уларни пасайтириш йуллари.....	85-95
12.1	Инвестиция рисклари тушунчаси ва унинг узига ҳос хусусиятлари...	85-86
12.2	Рискларнинг таснифланиши ва уларни аниклаш йуллари.....	86-89
12.3	Инвестицияларда таваккал хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолаш.....	89-95
	Изоҳли лугат.....	95-98
	Фойдаланилган адабиётлар руйхити.....	99